




ФАН ВА ТУРМУШ





Эркин ВОҲИДОВ

Уйла, ким қайгурар очмизми, ё тўк,
Азизим, бефойда давводан кечгин.
Давлат деган сўзнинг бош-оёғи йўк,
Давлат бу — ҳаммамиз,
давлат бу — ҳеч ким.

На ишчи, на деҳқон, на зиёлисан,
Мустақил синфсан, қаторинг бўлак.
Эл бошига ёққан қор сенга ёғмас,
Уйинг бўлак, томинг, деворинг бўлак.
Бизнинг эҳтиёждан на парвойинг бор,
Дўконинг бўлақдир, бозоринг бўлак,
Ҳар кас охиратда ҳоки туробдир,
Ушанда ҳам сенинг мазоринг бўлак.





Ушбу саҳифада лазер қўлланадиган соҳалардан айрим мисолларни кўриб турибсиз. Шундан Ой билан Ер оралиғидаги масофани лазер нури ёрдамида аниқлаш усули қуйидагича ишлайди. Лазер нури уни кенгайтирувчи мосламадан ўтгач, телескопнинг бош кўзгусига тушади ва сўнгра Ой

томон йўналади. Ой сатҳидан қайтган нур фотоқўпайтиргичга тушади, фотоқўпайтиргич эса заиф ёруғлик шуъласини қувватли электр сигналга айлантириб беради.

Нур қайтишида ёйилиб кетмаслиги учун Ой сатҳига бурчакли қайтаргичлар ўрнати-

лади, улар шиша кубдан қирқиб олингандек кўринади гўё. Шу хил бурчакли қайтаргичнинг аҳамияти шундаки, ёруғлик нури унинг қайси томонидан тушмасин, призма уни ёруғлик нури манбаига қараб қайтаради. Бошқа суратларда эса лазер қўлланадиган хилма-хил соҳаларни кўриб турибсиз.



Илм олмакка интилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз

ҲАДИС



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
Октябрь — 1990

Ўзбекистон
Фанлар
академиясининг
илмий-оммабон
ойномаси

БОШ МУҲАРРИР

Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ

Аҳмадали АСҚАРОВ

[бош муҳаррир ўринбосари]

Камол БОБОМУРОДОВ

Галина МАТВИЕВСКАЯ

Ҳусниддин УМАРЗОДА

[масъул котиб]

Ўктам ПРАТОВ

Ўткир РАСУЛОВ

Асом РАФИҚОВ

Зокиржон САЛИМОВ

Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ

Елқин ТЎРАҚУЛОВ

Нурислон ТҲЛИЕВ

Раҳим УСМОНОВ

Файзулла УСМОНОВ

Комил ХОЛМУҲАММАД

[бош муҳаррир ўринбосари]

Шабот ХУЖАЕВ

Эркин ЮСУПОВ

БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:

Рустам ОБИД

Оқилхон ОДИЛХОН

Саид МУРОД

МУҲАРРИРЛАР:

Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи

Рустам БОЙТЎРА

Ассалому алайкум азиз муштарий!

Ойноманинг ушбу сониди

ГАНЕЕВ Р.	
Лазер назорат қилади	2
НОРБЕКОВ М.	
Дардингизни олай, азизлар	4
ҚОДИРОВ А.	
Навоний ва тиббиёт	7
ҲАСАНОВ М.	
Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма	8
КАРИМОВ Н.	
Эъзоз ва жазо	10
Ҳур фикр	13
ОБИДОВА М.	
Маънавият булоғи	14
Ҳадис	16
ЯҲҲЕВ А.	
Қўқон ўрдаси	18
АҲМЕДОВ А.	
Амир Темур ҳақида ҳақиқат	20
ДОЛИНА А., ПОПОВ Г.	
Кэмпо — эврилиш санъати	24
НАЗАРОВ М.	
Руҳлар абадийми!	26
РУСТАМ ОБИД	
Япон денгизи соҳилларида	28
Мухторият овози рўзномаларда	30
«Фан ва турмуш» — 1991 йилда	32

каби мақолаларни ўқийсиз

МУҚОВАДА

1-БЕТ. Биринчи саҳифада ойномамизда ёритилган бир қанча мақолаларга доир сувратлар тасвири берилган. Жумладан кўҳна Туркистоннинг миллий байроғини кўриб турибсиз.

КЕЛГУСИ СОНДА

- Қилли қирқ ёриб. ● Утмишда нарх-наво қандай бўлган!
- Жомийнинг «Чил ҳадиси» Навоний таржимасида.
- Кэмпо — эврилиш санъати.
- Дуонинг кучи тошни кўтаради.
- Соҳибқироннинг сўнгги кунлари.

ЛАЗЕР НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Лазернинг кўплаб «касиб»лари ёнига янгиси кўшилди — бу ажабтовур нурлардан жаррохлик, технологик жаранлар, атмосфера таркибини текширишда, авиация, локация, геодезия ва ҳатто криминалистикада назорат воситаси сифатида фойдалана бошланди. Қуйида лазерни қўлланишнинг янги йўналиши олдида қандай истикболлар очилаётгани ҳақида ҳикоя қиламиз.

Кейинги вақтларда Ер сатҳининг турли қисмлари бир-бирига нисбатан силжишини назорат қилишда лазердан фойдаланиш имконияти олимлар эътиборини жалб этмоқда. Ҳўш, бу ўринда лазер қаерда ва қандай қўлланиши мумкин?

Олимларни Ернинг геологик ўтмиши кизиқтиради. Қитъалар чегарасининг ҳозирги кифаси нима сабабдан ўзаро мос келади? Масалан, Африканинг ғарбий соҳили билан Жанубий Американинг шарқий соҳили ўзаро мос келишини кўпчилик пайқаган бўлса керак, ҳойнаҳой. Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу эса Ер ривожланишининг илк босқичида яққою ягона улкан қитъа бўлган, кейин у бир қанча қисмларга парчаланиб, улар бир-биридан аста-секин узоклашиб кетган деган фикрга олиб келади. Мазкур фаразни билвосита тасдиқловчи кўплаб далиллар бор, лекин бу силжишни, айтايлик, бир йил ичида ўлчаш бевосита исбот бўларди. Лекин буни қай тарзда амалга ошириш мумкин?

Америка билан Африка оралигидаги масофа минглаб километр бўлиб, унинг бир неча сантиметрга ўзгаришини аниқлаш яқин-яқингача ҳам ҳал қилиб бўлмайдиган техник муаммо ҳисобланарди. Бирок лазер интерферометрларининг пайдо бўлиши бу муаммони муваффақият билан ҳал этишга имкон берди. Ушбу асбоблар Ер сатҳининг жиндаққина силжиши ва тебранишини ҳам қайд этишга қодир. Чунончи, шундай интерферометрнинг турли қисмларини Гибралтар бўғозининг иккала томонига ўрнатиш орқали Оврупо билан Африка бир-биридан узоклашиб бораётганини исботлаш мумкин бўлди. Бу хил асбоблардан фойдаланиш сайёрамизда рўй бераётган улкан геологик ўзгаришларнинг муфассал манзарасини яратишга имкон беради, деган умид бор.

Дастлабки қарашда соф илмий аҳамиятгагина эгадек туюлувчи бу масалаларни ўрганиш инсоният олдида турган энг улкан муаммолардан бирини ҳал қилишга — зилзилани олдиндан билишга яқинлашиш имкониятини яратади. Зотан, зилзила йилига беҳи-

соб қурбонлар талаб қилаётир. Ҳозирги вақтда зилзилани аввалдан билишга имкон берувчи бир қанча фаразлар мавжуд. Бирок зилзиланинг ўрни билан вақтини олдиндан аниқ айтиб бериш ҳозирча жуда мушкул. Қитъаларнинг ва улар жойлашган плиталарнинг ўзаро силжишини лазер интерферометрияси усуллари ёрдамида аниқ билиш эса бу муаммони ҳал қилиш йўлини кўрсатиши мумкин.

Хусусан, Калифорния яриморали Тинч океан плитаси устига чиқиб кетаётгани ҳозирдаёқ маълум. Олимларнинг баҳоратиға караганда, бу ҳудудда шу асрнинг охиригачаёқ кучли зилзилани кутиш мумкин. Бу фалокат муддатини олдиндан билишни назорат қилиш ва геофизикларнинг бошқа эҳтиёжлари учун етмишинчи йиллар миёнасидан бошлаб АҚШда «Лагеос» сунъий йўлдоши ёрдамида ғарбий соҳилбўйининг аҳволини назорат қилиш программаси амалга оширилмоқда. Лазерли масофаўлчагичлар шу йўлдошдан фойдаланиш билан биргаликда Ер сатҳи силжишларининг ҳатто 5 сантиметргача бўлган ўзаро ўзгаришларини ҳам ўлчашга имкон беради.

Зилзилани олдиндан билишда ва Ер сатҳи силжишини назорат қилишда лазердан фойдаланишга бошқа мисол келтириш ҳам мумкин. Мабодо лазер интерферометри чуқур Ер остига (айтайлик, биронташландик шахтага) ўрнатилса, бундай асбоб замин силжишини сантиметрнинг миллиондан бир улуши миқдоридан аниқлаб беришга қодир бўлади. Шу хилдаги ўта кичик силжишларни ўлчаш орқали навбатдаги зилзила қачон ва қаерда рўй беришини ва ҳатто қандай кучда бўлишини ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин. Гап шундаки, бевосита зилзиладан аввал ернинг чуқур қатламлари жунбушга қиради. Натижада замин силкина бошлайди. Лазер интерферометрига ўхшаш қурилма — сейсмограф ёрдамида сейсмик фаоллики узлуксиз назорат қилиш орқали бу ҳаракатни анча аввал — Ер қаъридан келаётган тебранишлар ҳали заиф чоғидаёқ аниқлаш ва ўз вақтида зарур чоратadbирлар кўриш мумкин. Ҳозирда бу усулдан фойдаланиш бўйича умидбахш тадқиқотлар олиб борилаётир.

Тўғон, осмонўпар бино, минора каби йирик иншоотларнинг «хатти-ҳаракати»ни кузатишда ҳам шу асбоблардан фойдаланса бўлади. Йирик иншоотнинг оғирлигини кўтара олмай колганида пойдевор тагидаги замин силжий бошлаши, оқибатда эса иншоот оғиши ва ҳатто кулаши мумкин. Заминнинг бу қадар кичик силжишларини назорат қилиш иншоот пойдевори-

ни мустаҳкамлаш бўйича ўз вақтида тегишли чора-тадбир кўришга имкон беради. Ҳозирдаёқ бир қатор иншоот қурилишидаги ва тарихий обидалар тагидаги замин шу хилда кузатилаётир. Чунончи, машҳур Пиза минорасининг оғиши ўзгариш-ўзгармаслиги ҳам шу хил лазер интерферометри ёрдамида назорат қилинмоқда.

Энди тиббиётда қўлланаётган лазерли назорат системаларига ўтсак. Кўз жаррохлигида лазер қурилмасидан фойдаланиш ҳозирги вақтда ҳам даволашнинг энг самарали усуллари-дан бири бўлиб қолаётир. Бирок лазернинг кўз касалликларини даволашдаги имкониятлари соф жаррохлик аралашувининг ўзи билангина чекланиб қолмайди. Беморга кўзнинг мугуз пардасини кўчириб ўтказишда мугуз пардани одатдаги жаррохлик усулида тикиш хануз асосий усул бўлиб турибди. Жаррохликдан кейинги даврда эса чок ипини олиш вақтини аниқ белгилаш муаммодир. Олимлар шу мақсадда мугуз парданинг аҳволини лазер ёрдамида назорат қилиб туриш усулини ишлаб чиқишди, у кўчириб ўтказилган тўқиманинг мустаҳкамлигини ва чок ипини олиш учун энг қулай пайтни аниқлашга имкон беради.

Маълумки, кўз ичи босими кўзнинг бинобиятидан дарак бериб туради. Ишобарин, кўз ичи босими ўзгариши оқибатида кўз шаклининг ҳар хиллашуви офтальмологик тадқиқотларда, жумладан, назла (глаукома) касаллиги ташхис (диагноз) қўйишда, шунингдек, шу касаллик бўйича жаррохлик қилинганига боғлиқ ҳолда кўзда юз берган ўзгаришларни аниқлашда муҳим кўрсаткич бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда кўз ичи босимининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда кўз оқ пардасининг шакл ўзгаришини кузатиш учун лазер интерферометридан фойдаланиш имкониятлари ўрганилмоқда. Кўз касалликларини назорат ва ташхис қилиш, кўзойнақ танлаш учун лазерли рефрактометр яратилган.

Бу қурилма кўзи ожиз кишилар юришида мўлжал олиши учун ҳам хизмат қила бошлади. Энди бундай одамлар ҳатто ўнқир-чўнқир жойда ҳам «лазер ҳасса» ёрдамида бемалол юра олишади. Бу ҳасса ўнқир-чўнқирликларни, бўйбаравар ва 3,5 метргача бўлган масофадаги тўсиқларни аниқлашга ёрдам беради, бу эса йиқилиш ва лат ейишнинг олдини олиш учун кифоя. Ҳассанинг вазни 450 грамм, йўгонлиги 1 сантиметр, узунлиги 180 сантиметр. Ичига учта диодли лазер ўрнатилган. 10 сантиметрли чуқурлик кўринса ҳам паст частотадаги оғохлантирувчи товуш сигнали эшитилади. Ба-

ландлиги тахминан 20 сантиметрли тўсик пайдо бўлганда кўрсаткич бармоқка «игна санчилади» гўё. Тўсик бўйбаравар бўлган тақдирда эса юқори частотадаги товуш сигнали янграйди.

АҚШ да қон оқимини жарроҳлик усулида зонд киритмай туриб лазер усулида аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Терининг бир квадрат миллиметр сатҳини сустрок газ лазери билан ёритиш орқали бармоқ учларидаги қон оқими назорат қилиб турилади. Мазкур усул шок ҳолатидаги беморларни назорат қилиш, томир касалликларининг ривожланишини кузатиш, куйиш даражасини аниқлаш, кўчириб ўтказилган тери битиб кетишини кузатиш каби биларни ҳам ўз ичига олади. Белгиланган жойнинг ўзигагина таъсир этиши, узлуксиз ўлчашлар ўтказиш имконияти, тўқималарни нурланиш билан бағоят кам шикастлаши лазер усулининг афзалликларидандир.


Кейинги вақтларда лазернинг янги ихтисослиги пайдо бўлди. Тайёра ёки вертолётдан туриб ер сатҳининг ҳолатини аниқлаш куйидагича амалга оширилади. Тайёрадаги лазерли локатор ерга тик равишда ёруғлик импульси юборади. Ердан қайтгач ёруғлик тайёрадаги фотопрёмникка тушади. Шу тарздаги ўлчов бағоят аниқ: хатолик бўйига 5—6, энига 2—3 сантиметрга тенг.

Американинг «Аполлон» фазовий кемаларида лазерли баландликўлчигич Ой сатҳини хариталашда қўлланилди. Лазерли локатор қўниш учун яроқли майдончани музлик, қум, ўтлок ва бошқа ҳар қандай жойдан топа олади. Бу хил қурилма пастлаб учаётган тайёранинг парвозини ўта аниқлик билан назорат этишга имкон беради. Соҳилдан анча йироқдаги денгиз тўлқинлари «сурат»ини олгач, шамоқ кучи, денгизнинг ҳолати ва тўлқинлар баландлигини аниқлаш мумкин. Худди шу тарзда, узок давом этувчи кутб тупни тайёрадан суратга олишга имкон бермаган ҳолларда Арктика антициклонларининг чегараларини аниқ белгилаш мумкин. Шунингдек, денгиз тубининг ҳолатини назорат қилиш ва чўккан кемаларни излашда ҳам бу система истикболлидир.

Лазерли назорат криминалистикадек соҳада ҳам қўл келаётгир. Мана сизга бир-иккита мисол. Тарашланган олмос лазер нури билан ёритилганда ноёб манзара пайдо бўлади. Бу — жавоҳирдаги ҳар хил жинслилик, каттиклиги ўзгариши, кирралар оралигидаги бурчаклар нисбати, кирралар узунлиги ва шу олмоснинг ўзигагина хос бўлган бошқа физик хусусиятларга боғлиқ. Америкалик муҳандислар шунга асосланиб, ҳар бир олмоснинг ўзигагина хос бўлган суратини яратиш учун газли гелий-неонли лазер нурланишининг дифракцияси ҳодисасидан фойдаланган ҳолда олмосларни назорат қилиш ва ҳар бирининг айнан шу эканлигини исботлашнинг лазерли воситасини ишлаб чиқишди.

Одатда полиция топган олмос йўқолган олмоснинг ўзи эканлигини исботлаш гоёт мушкул. Мазкур восита айнан шунинг учун хизмат қилади. Ҳозирги вақтда АҚШда хусусий коллекцияларда сақланувчи қимматбаҳо олмосларнинг аксарияти шу восита ёрдамида «сурат»га олингани, бу «сурат»лар эса Американинг йирик шаҳарларидаги мишраблик бошқармаларида компьютер хотирасида сақланади. Маълумки, кирралари айнан бир хил бўлган иккита олмос бўлиши мумкин эмас экан, мазкур лазер воситаларини ишлаб чиқарувчи фирманинг номи билан «жемпринт» деб аталувчи бу суратлар гоётда ноёб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бундай суратларнинг сони 150 мингдан ошиб кетди.

Мишраб топган ҳар бир олмосдан «жемпринт» олинади, кейин махсус компьютер ёрқин нуқталар оралигидаги бурчаклар ва масофани ўлчаб, ЭХМ хотирасида сақланувчи бошқа «жемпринт»ларнинг шу хил маълумотлари билан қиёслади. Жавоҳир қайси олмослигини аниқлаш учун гоҳо 10 та нуқтанинг ўзи кифоя. Бундан ташқари, «жемпринт» системаси заргар жавоҳирни алмаштириб қўймаганини, қалбаки олмосларни аниқлашга ҳам ёрдам беради. Ушбу восита ҳозирги вақтда шу даражада кенг тарқалиб кетдики, суғурта ташиқлотлари



Дунёга машҳур Пиза минорасининг оғшини лазер ўта аниқ намоён этади.

«Жемпринт» фирмасида сурати бўлган жамки жавоҳирлар учун суғурта миқдорини 10 фоизга камайтирган.

Энди ўзимизнинг жумҳуриятда юз берган ҳодиса ҳақида ҳикоя қиламиз, бу тўғрида матбуотда ҳам ёзилди. Тошкент суд тиббиёти илмий-тадқиқот институтида модданинг нималигини аниқлаш ва назорат қилиш усули ишлаб чиқилгани экспертиза мuddатини ўнлаб мартага қисқартирди. Лазерли микроспектрал таҳлилга асосланган бу усул куйидагича ишлайди. Тадқиқ этилаётган моддага микроскопдан фойдаланган ҳолда кучли лазер импульси юборилади. Нурлантирилган жойда модда бугланиб, плазма вужудга келади. Плазма нурланиши спектрографинг кириши тирқишига йўналтирилади. Шуниси қизиқки, лазерли микроспектрал таҳлил учун модданинг бирон-бир намунасини аввалдан тайёрлаб қўйиш шарт эмас. Таҳлил жуда тез ўтказилади, унинг натижалари (модда спектри)ни эса ҳужжат сифатида суратга олиш мумкин.

Шу усулнинг шарофати билан Ўзбекистоннинг турли вилоятларида милиция қўлга олган нашафурушларнинг жинояткорона тил бириктируви фoш этилди. Улар ўзаро таниш эмасмиз деб қанчалик оёқ тираб туришмасин, барибир тан олишларига тўғри келди. Суд тиббиёти институтининг ходимлари янги усул ёрдамида жиноятчилардан топилган наша бир жойда ўсган кўкноридан тайёрланганини аниқлашди. Гап шундаки, ҳар бир ўсимлик ҳужайраларидан муайян жойдаги тупроққа хос бўлган микроэлементлар мавжуд. Бошқача айтганда, наша «туғилган жойи» ҳақидаги «гувоҳнома»сини ўзи билан олиб юради. Моддани аниқлаш ва назорат қилишнинг лазерли усули тадқиқот учун берилган наша намуналарининг бари аввал битта массада бўлганини ҳам исботлаб берди. Хулласи калом, айбланувчиларга ҳамма нарсани бўйинга олишдан бўлак илож қолмади.

Ҳозирги вақтда лазерли микроспектрал таҳлил археологияда, қазилма бойлик конларини излашда, метеоритлар тарқибини тадқиқ этишда, металлграфия, тиббиёт ва биологик тадқиқотларда қўлланаётгир.

Лазердан назорат воситаларида фойдаланиш бўйича бир қанча мисоллар келтириб ўтдик, холос. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, буларнинг бари лазер... конвейердан ўтаётган шиша идишларни санашидан бошланган эди. Шиша идиш санашдан то фан ва техниканинг турли соҳаларидаги кенг камровли назорат воситаларигача бўлган узок йўл бор-йўғи 25 йил ичида босиб ўтилди, холос. Лазер нурланишидан назорат воситаларида фойдаланишнинг янги-янги йўллари изланаверади.

Рашид ГАНЕЕВ,
ЎзССЖ ФА Электроника институтининг
катта илмий ходими,
физика-математика фанлари номзоди.

ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ, АЗИЗЛАР

Мирзакарим НОРБЕКОВ.

ЎзССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» халқ таботати жумҳурият шифохонасининг бош суггестологи, сайёр даволаш гуруҳи раҳбари.

«Фан ва турмуш»нинг бултўрғи 8-сонда «Қўл текизмай даволаш» мақоласи берилганидан кейин муҳарририятнинг тинчи бузилди. Мана, бир йилдан ошдики, суггестолог Мирзакарим Норбековни сўраб идорамизга ҳар кун илаб одам келади, телефон қилишади, жойлардаги беморлардан минглаб мактублар олаяпти. Мақола муаллифи Рустам Обиднинг-ку ҳатто уй телефони тинмайди. Зотан, муштарийларимизни қизиқтираётган саволларнинг чеки йўқ.

Норбековни қаердан топиш мумкин? Унинг муолажа усули қандай? Даволанишдан сўнг касаллик қайталанмайди-ми? Норбеков кафолат билан даволаши ростми? Ўтган бир йил мобайнида Норбеков нима ишлар қилди? Қандай ютуқларга эришди? Унга нисбатан тўққизликлар бўлаётган эмиш — шу ҳақиқатми? Онлави аҳволи қандай? Шогирд тайёрлаётими? Норбеков қачон муқим бир жойда ишлайди? Умуман, у қандай касалликларни даволай олади? Ва ҳоказо ва ҳоказо саволлар...

«Фан ва турмуш» муҳарририяти Норбековнинг фаолиятини бир йил ичида кузатиб борди. Муштарийлардан олинаётган минглаб хатларнинг ҳар бирига алоҳида жавоб қайтаришга на бизнинг имкониятимиз бор, на Норбековнинг. Шу боис ҳам биз қаҳрамонимиздан муштарийларнинг саволларига ойнома саҳифалари орқали жавоб қайтариб, ўзи ҳақида гапириб беришни сўрадик. Норбеков рози бўлди, лекин аввал бизни даволаш сеансларида қатнашишга талиф этди.

Биз — «Фан ва турмуш»нинг раҳбарлари, ходимлари ва фаол муаллифларидан бир гуруҳи шу йил 20—24 июнь кунлари Норбековнинг Жиззах ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигида ва Жиззах шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри биносида ўтган даволаш сеансларида қатнашиб, мўъжизага гувоҳ бўлдик.

ҚУЙИДАГИ МАҚОЛАНИ МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ НОРБЕКОВ ҲАҚИДАГИ МИНГЛАБ МАКТУБЛАРИГА ЯЛПИ ЖАВОБ УРНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШЛАРИНИ СЎРАДИК.

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб
қалбу тан,
Ўзгалар дилини қилади равшан.
Абдурахмон ЖОМИЙ.

Маълумки, Оврүпо тиббиётининг рамзи кўрага чирмашган илон тасвиридан иборат. Шарқда эса ёниб турган шамни таботат рамзи деб билишган. Яъни, бемор дардига малҳам бўлишдек масъулиятли ишга ўта фидойи одамларгина ҳақлидур, демоқчи бўлишган ота-боболаримиз. Ўзгаларга шифо беришдек буюк бахтга муяссар бўлган оддий бир табиб сифатида бу доно фикрни тўла-тўқис маъқуллайман.

Энди, ўзим ҳақимда нима ҳам дейишим мумкин. Ўтган йилга қадар беморларни расман қабул қилмасдим, негаки шунга рухсат берадиган ҳужжат йўқ эди қўлимда. Лекин бутунлай даволашга ўтиш фикри менга тинчлик бермасди сира. Шу мақсадда анатомия, физиология, психология каби фанларни мустақил ўрганишимга тўғри келди. Уқалаш курсларини битирганимдан кейин Навоий шаҳрининг хўжалик ҳисобидаги шифохонаси менга қўл тегизмай уқалаш (биомассаж) бўйича ишга таклиф этди. Бу ерда бир неча ой ишладим, холос Чунки шу орада «Фан ва турмуш»нинг бўлим муҳаррири Рустам ака Обидов ҳамда техмуҳаррир Абдувоҳид Тўраев бориб, меннинг ишларимни ўргана бошлади. Аслида мени фельетон қилиш учун боришганимди балки. Рустам ака бир неча кун мобайнида асосан беморлару врачлар билан гаплашди, ўзимдан эса баъзи изоҳларни сўраб олди, холос. Қайтишда эса Рустам ака янада ўқиб-ўрганишим зарурлигини, ноёб қобилиятли кишиларнинг уюшмасини тузишга тайёргарлик бораётганини айтиб, мени Тошкентга таклиф этди.



1-кун. — Суггестив таъсирни кўриш, сезиш мумкин эмас. Унинг натижасини эса фақат касаллик тузалишидан билиш мумкин, холос.

Шу тариқа ишдан бўшаб, бултўр июль ойида Тошкентга келдим. Бу ерда ишларим тезда юришиб кетгани йўқ, албатта. Лекин ноёб қобилиятлилар уюшмасини тузишдек эзгу ишининг бошида туриш насиб этганидан хурсандман. Тошкентга келиб ноёб қобилиятли кўплаб кишилар билан танишдим, лекин дастлабки йўғилишимизга ўн тача одам тўплангани ёдимда, ҳозир эса жумҳуриятимиз бўйича рўйхатга олинган ноёб қобилиятли кишиларнинг сони 400 дан ошиб кетди. Сентябрда бўлиб ўтган биринчи йирки анжуманимизда эса Илмий-инженерлик жамиятлари иттифоқининг Ўзбекистон бошқармаси ҳузурда Табиатда қувват-ахборот алмашинуви

муаммолари бўйича жумҳурият қўмитаси тузилгани эълон қилинди. Мени ҳайъат аъзоси ва психознергосуггестия шўъбасининг раиси этиб сайлашди. Шу орада даволашга рухсат берадиган ҳужжатларини олиш учун қаерларда ўқимадим дейсиз.

Ниҳоят, декабрь ойида СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Космос» уюшмасининг Ўзбекистон бўлимига — «Шарқ» номли халқ таботати усуллари бўйича даволаш марказига, қўл тегизмай уқалаш усуллари билан даволовчи бўлиб ишга қабул қилиндим ва марказ директори, тажрибали врач, биотерапевт Мадийр Салоев раҳбарлигида ишлай бошладим. Луначарский кўчаси, 1-уйда жойлашган бу марказимизда бир неча ой мобайнида юзлаб беморларга нафим текканидан хурсандман.

Декабрь ойида Табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича I Бутуниттифоқ анжуманида 20 кишилик Ўзбекистон делегацияси таркибда қатнашдим. Москвада Альберт Игнатенко, Жуна Давиташвили, Эдуард Наумов каби ноёб қобилиятли машҳур кишилар, шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган таниқли олимлар, чет эллик атоқли экстрасенслар билан танишдим. Анжуман кунлари Австрия, Венгрия, Болгария телевидениелари вакиллари мени суратга олиб, ўз мамлакатларига, шунингдек, АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган Парапсихология институтига таклиф этишди. Анжумандан сўнг мутахассис олимлар мени Ленинград дорилфунунига қарашли махсус ўқишга таклиф этишди, уни битирганимдан кейин иттифоқ миқёсида Игнатенко, Чумак кабилардан кейин 8-сонли диплом олдим. Шу сафарим мобайнида Москвада Жунанинг илмий-методик марказида ҳам ўқиб, қўл тегизмай уқалаш (биомассаж) бўйича шаходатномага эга бўлдим.

Натижада 1990 йил мен учун бахтли келди. Февраль ойида Табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича жумҳурият қўмитамизнинг съездини ўт-

каздик. Москвадаги анжуманда мамлакатимиз миқёсида экстрасенсорика маркази Тошкентга топширилган эди. Март ойида Тошкентда СССР Экстрасенслар уюшмасининг I таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда қатнаша олмадим, чунки Мадийер Салоев билан биргаликда Москвада [250 кишидан иборат] махсус конференцияда иштирок этаётгандим.

Кўп ўтмай ЎзССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табиобатига ғамхўрлигини амалда кўрсатди. Марказимиз вазирлик ихтиёрига ўтиб, хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» халқ табиобати шифохонасига айлантирилди. Мен ҳозир шу ерда — қисқача тарзда Жумҳурият халқ табиобати марказида бош суггестолог бўлиб ишлаяпман. Утган бир йилдаги фаолиятим ва эришган ютуқларим қисқача ана шулардан иборат.

Муолажа усулимга келсак, у суггестив таъсирдан ва энг асосийси халқимизнинг минг йиллар давомида даволаб келган ота-боболаримиз илмидан ташкил топган. Хўш, «суггестив таъсир» нима дегани! Маълумки, гипноз кишини сўз орқали ишонтириш демакдир. Унинг олий даражаси эса «суггестология» — сўзсиз таъсир бериш деб аталади. «Суггестия» сўзи латинчада «ишонтириш», «суггестология» эса инглизчада «таклиф этиш» маъноларини билдиради. Яъни, суггестив таъсир орқали бемор гўё давланишга таклиф этилади, онг остидан берилаётган буйруқ билан унинг бутун руҳияти, вужуди шифо топиш сари йўналтирилади.

логия уюшмаси президенти Алберт Игнатенконинг изоҳи шундай.

Мақтубларнинг асариятида суггестив таъсир вақтинчалик эмасми, кейинроқ касаллик қайталанмайди, деб сўрашбди. Йўқ, қайталанмайди. Суггестив таъсир онг остига чуқур кириб бориб, мустақам ўрнашади. Лекин бу ҳаммаси эмас ҳали. А. Игнатенко постсуггестив таъсир ҳам мавжудлигини амалда исботлаб берди. Бу эса суггестолог касалликни даволаб кетганидан кейин ҳам у берган суггестив таъсир беморда ойлар, йиллар мобайнида сақланиб тураверади ва инсон руҳиятининг узвий қисмига айланади демакдир. Бошқача айтганда, суггестив таъсир жуда узоқ муддатли кафолат билан даволаш дегани.

Бултур Оққўрган ноҳияси марказидаги Маданият саройида сеанс бераётганимда бир киши микрофони сўраб олиб шундай деди:

— Мирзакарим ҳозир мени танимай турибди. 8 ой бурун Навоий ноҳиясидаги сеанс пайтида худди ҳозиргига ўхшаб сахнага чиққанман. Ҳеч қандай таъсири сезмаганимни айтиб, Мирзакаримни Фиррибарликда айблаганман. Лекин буни қарангки, орада бир ярим ой ўтгач, менда ўзгариш бошланди ва бир ярим ой ичида биронта касалим қолмай, соппа-соғ бўлиб кетдим. Ана ўшанда Мирзакаримнинг суггестив таъсир кейинроқ ҳам даволайди деб айтганига ишонмаганимдан, уни ноҳақ айблаганимдан минг бора пушаймон бўлдим. Ушандан буён бу йигитни вилоятма-вилоят

муолажа усулимнинг фақат бир қисми, холос. Йиллар давомида табиблардан бетиним ўқиб-ўрганманман. Асли табиблар сулоласиданман. Занжирдек тизилиб кетган табиб аждодларимнинг сўнггиси Девона тоғанинг қабри Уратепа яқинидаги Хўжаликнинг қишлоғида жойлашган, энгратоғ ҳисобланади. Мен шу кишининг жиянимман, тоғамдан менга ўта сезгирлик қобилияти ўтган бўлса керак, тагин ҳам билмадим. Табиобатда масофадан туриб бемор баданини қиздириш, ҳар бир аъзонининг қувватини ошириш, умуман, рисолага келтириш кабилар учун 700 дан зиёд муайян қўл ҳаракатлари мавжуд экан. Буни ҳозирги олимлар вужуднинг биоэнергетикасини ростлаш деб аташапти. Асрлар мобайнида эса вужуд қувватини ростлашни табиблар баъйини мусиқа асбобини сошлашга қиёслашган.

Менинг муолажа усулим ўйлаб табиб, бахши ва бошқалардан мисқоллаб йиғилган тажриба маҳсули, холос.

Бироқ бу усул беморларни яқка тартибда қабул қилишга увол. Масалан, ҳар кун икки соатдан яқка тартибда қабул қилганда 5-6 кун ичида 70 кишини, оммавий тартибда эса 1000 кишини даволаш мумкин. Шу йил 17-22 июнь кунлари Жиззах ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг Маданият саройи биносида ўтган сеансларда ҳар бири 800 кишилик иккита группа қатнашди. 6 кун мобайнида қарийб 1600 бемор дардига шифо топди — врачлар даволаниш 90 фоиз бўлганини расман тасдиқлаб, ноҳия рўзномаси «Коммунизм сари» саҳифаларида бу воқеани ҳақиқий мўъжиза деб баҳолашди. Шу биргина мисолининг ўзиёқ оммавий сеанслар нақадар самарадорлигини кўрсатмайдими ахир! Қолаверса, яқка тартибда даволашда бемор сизга «ўлигини ташлаб» олади, шифо топишга ўзи уринмайди сира. Қолбукки, Оллоҳ таоло ҳам сендан ҳаракат, мендан баракат деган. Залда 2-кундан оқ даволанишга интилиш руҳи пайдо бўлиб, тобора кучая боришини ва 5-6-кунлари қарийб ҳаммани қамраб олишини мен бутун борлигим билан сезиб тураман.

Сеансларнинг 1-кунини ҳамма қани, бу йигитнинг қўлидан нималар келаркин деб имтиҳон қилиб ўтиради. Эртасдан эса зал билан менинг орамиздаги руҳий гов йўқолиб, ўрнини самимийлик ва тўлиқ ишонч эгаллайди. 3-кундан даволаниш кучайиб самимийлик тиниқ меҳрга айланади. Сўнгги кунларга бориб-ку бир-биримиздан қадрлироқ одам бўлмай қолади, хайрлашувимизда юракларимизда нимадир узилиб кетаётгандек бўлади.

Энди Марказ ва сайёр даволаш гурӯҳимиз ҳақида. Жумҳурият халқ табиобати маркази ишга тушганига бир неча ой бўлди, холос. Бу ерда беморлар халқ табиобатининг 26 усули бўйича даволанади. Турли соҳаларнинг мутахассиси бўлган медик олимлар илмий маслаҳатчи сифатида ёрдам беришади. Марказ унчалик катта эмас — бир неча киши ишлайди, холос негаки бош врач Мадийер Салоев ҳар бир ходимни юксак талабчанлик билан ишга олади. Бир қанча вилоятларда Марказнинг филиалларини очишни талаб қилишаётгани табиийдир.

Марказ ишга тушганидан оқ беморларнинг тўхтовсиз оқиб келиши аниқлиги бизни аввалбошдан оқ тайёргарлик кўришга ундагани. Турли вилоят ноҳиялардан йўлга чиққан ҳар бир беморга икки, жуда бўлмаганда бир киши ҳамроҳлик қилади. Энди ўйлаб кўринг: 2-3 киши Марказда навбат кўтиб 10-15 кун қолиб кетиши мумкин, йўлкира, меҳмонхона, кундалик



6-кун. — Дардига даво топганлар, қўлингизни кўтаринг!

Тадқиқотларда суггестив таъсирда фикр узатиш ва, албатта, биомайдон иштирок этиши аниқланган. Зотан, беморга «Тузала-сиз!» деб айтганининг ўзи билан у тузалиб қолавермайди, бу ўринда биомайдоннинг аҳамияти катта. Маълумки, биомайдон ёки биоэнергетик қувват ҳар бир одамда бор, унинг мувозанати бузилиши ҳар хил касалликларга олиб келади. Бошқача айтганда, ана шу мувозанатнинг сақланиши ҳар бир жонли вужуд тириклигининг асосидир.

Суггестив таъсир ана шу мувозанатни ростлайди — биоэнергетик қувват етиш-маса тўлдиради, кўп бўлса камайитириб, рисолага олиб келади. Узидаги биоэнергетик қувватни бошқаришга ҳамма ҳам қодир эмас, суггестолог эса беморнинг шу қувватини унинг ўзи билан бирга бошқара олади. Бу борада мен мутахассис олим эмасман, албатта, лекин Халқаро суггестоло-

ахтараман, кечирим сўрамагунча виждоним қийнапти. Мирзакарим ука, мен сизни халқ олдида ҳақорат қилгандим, яна халқ олдида узр айтаман. Сизни ярим йил қидириб бўлса ҳам топганимдан хурсандман...

Дарҳақиқат, суггестив таъсирни кўриш, ҳис қилиш мумкин эмас, унинг натижасини касаллик тузалишидан билиш мумкин холос. Суггестив таъсир ёрдамида юзлаб одами орқа-олдинга, ён томонларга тебранириш ва қўлининг енгил бир ҳаракати билан ҳаммани бараварига йиқитиб юбориш мумкин.

Зотан, суггестив таъсирда фикр узатиш ҳодисаси мавжуд деб айтиб ўтдик. Телепатия учун эса ҳатто минглаб километр масофа ҳам ҳеч гап эмас. Масалан, америкалик астронавт Эдгар Митчелл Ойдан туриб фикран буйруқ берганида Ердаги тўрт киши бир-бирини танимаган ҳолда, ўзаро мустақил равишда ўша буйруқни айнан бир хилда бажаргани маълум. Лекин шунга қарамай, суггестив таъсир

эҳтиёж сарф-ҳаражатлари озмунча бўлади! У ёқда оила бесаранжом. Халқимиз эса нимага бой — касалликка бой. Шу сабабли ҳам беморларни ортиқча қийнамаслик учун Марказ ҳузурида жойларга бориб ишлайдиган сайёр даволаш гуруҳи тuzилди.

Биз ишимизда айниқса кўриқка катта аҳамият берамиз. Модомики, даволанишга кафолат берилар экан, сеансга фақат таъсирга тушадиган, яъни даволашга кучимиз етадиган беморларгина киритилиши шарт деб биламан. 12 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта кишилар суггестив таъсирини қабул қилишлари қийинлиги бонс сеансга қўйилмайди.

Урни келганида қандай касалликлар даволаниши ҳақида икки оғиз айтиб ўтсам. Аввало асаб касалликлари, бош, бел, оёқ оғриқлари, қон босими, истерик фалажлик, кўз ва қулоқ қувватининг заифлашуви, юрак, жигар, буйрак, ошқозон-ичак касалликлари, уйқусизлик ва ҳоказолар, ўт пуфаги ва буйракдаги қумлар, майда тошлар тушади, лекин йирик тошларга тегинмаймиз. «Москва» жамоа ҳўжалигидаги сеансларда 28 кишидан тош тушди, бошқа касалликлар даволанганини қўя турганимизда ҳам шунча беморни жарроҳ пичоғидан сақлаб қолишининг ўзиёқ нақадар қувончли.

Бироқ шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида санаб ўтилган касалликларнинг ҳам фақатгина функционал турлари, яъни асосан асабга боғлиқ бўлган, лекин аъзолардаги органик ўзгаришлари кам бўлган турларигина даволанади. Шу хил ўзгаришларга боғлиқ бўлган, яъни органик касалликлар, шунингдек, тўғма, руҳий, ўткир юқумли касалликлар, оғир ҳолатдаги беморлар қабул қилинмайди.

Бир-иккита мисол. Шу йилнинг 18-31 май кунлари Қорақалпоғистоннинг Амударё ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа ҳўжалигида ўтган сеанслар ниҳоясида сўралганда ҳар бири 600 кишилик учта группанинг биринчисидан 11 киши, иккинчисидан 6 ва учинчисидан 17 кишигина ўрнидан туриб, ҳеч қандай ўзгариш сезмаганликларини айтишди, яъни, даволаниш 90 фонздан ҳам зиёд.

Шу сеансларда 45 йил эшитмаган аёлнинг қулоқларини очиб бердим (очиги, бу иш билан шогирдларим сеансдан ташқари вақтда, яъни тартибда шугулланишади, ҳар бири ярим соатда 13-15 тадан беморнинг қулоқларини очади). Бироқ бу ҳамманинг қўлоғи очилаверди деган гап эмас. Қулоқда органик ўзгаришлар бўлса, шунингдек, тўғма, марказий асаб системасига боғлиқ касалликларга, 1-2 ёшда хасталанганларга ёрдам беришга ожизмиз-у, лекин бунинг ҳам имконияти борга ўхшайди. Бунинг учун халқ таъбабини чуқурроқ ўрганишимиз керак. Шунингдек, июнь ойининг биринчи ярмида Шаҳрисабз ноҳиясининг «Гулистон» жамоа ҳўжалигида ўтган сеанслардаги даволаниш фонзи юксаклигини ҳам врачларнинг ўзи расман тасдиқлаб беришди.

Сеанслар халқ таъбабатида, ота-бобола-римизнинг сирли илмларига онд изоҳлар билан қўшиб олиб борилади. Вақти-вақти билан журналистлар, турли соҳа олимлари таклиф этилади, беморлар истаган саволларига қониқарли жавоб олишлари мумкин. Сеанслар бошидан-охиригача врачлар иштирокида ўтказилади. Ниҳоясида эса ҳар бир бемордан исми-шарифи, аниқ манзилгоҳи, ёши, касаллиги ва қандай даволангани ўз қўли билан ёздириб олинади. Бу маълумотлар кейин Марказдаги компьютерда ўрганиб чиқилади. Қўшимча даволаш кур-

сини олиши керак бўлган беморлар бево-сита Марказга таклиф этилади. Зотан, да-волаш сеансларида қатнашган ҳар бир бе-морнинг саломатлиги учун масъулиятни шу кундан бошлаб Жумҳурият халқ таъбабати маркази ўз зиммасига олади.

Хатларда шогирдларим, оилам ҳақида сўрашибди. Ургутлик Шодимурод Салимов, жиззахлик Шўхрат Сўюндиқов ва укам Мирзақобил Норбековдан бошқа шогирдларим йўқ. Пулининг кетига тушмаган, ўз устида тинмай ишлайдиган, халқ дардини енгиллатиши шахсий манфаатидан устун қўядиган шогирдларимни кўриб меҳнатларим зое кетмаётганидан қувонаман.

Оддий колхозчи оиладанман. Ота-онам ишимдан мамнун, халққа фойданг тегса бас, деб дуо қилиб ўтиришади. Оилада 4 ўғил, 3 қизимиз. Иккита ўғлим бор, уларнинг онаси билан шу даражада аҳил-мизки, ҳанузгача чилламиз чиқмаган десам бўлади. Сизларга ҳам шунини тилайман.

Ишингизда тўққинликка дуч келганимиз, сизга ҳасад қиладиганлар ҳам бордир, деб ёзишибди бир талай муштарийлар. Нима ҳам дердим, икковидан ҳам камчилик йўқ. Халқ таъбабати тиклаш катта иш, катта ишлар олдиндаги тўққинлар ҳам катта бўлади. Ҳамма соҳада бўлганидек бизнинг ишимизда ҳам чайқовчилар етарли. Бу эса халқ таъбабати қаддини кўтаришдек савоб ишга жуда катта зарба бераёпти — жаҳонда тенгсиз таъбабати яратиб қўйиб, касалликлардан боши чиқмаётган халқнинг ўз илмига бўлган ишончини сўндираёпти. Ҳар ким ўзини ишда кўрсатсин, ким-кимлигини халқнинг ўзи ажратиб олади.

НАВОИЙ ТИББИЁТ ҲАҚИДА

Хушмуомала таъбабнинг юзи хасталар кўнглида севимлидир, сўзи эса беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар бир нафаси беморларга даво, ҳар бир қадами эса хасталарга шифодир, унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тирклик сувини эслатади.

Таъбабат фанида саводсиз таъбаб худди жаллоднинг шогирди кабидир. У тиг билан ўлдирса, бу заҳар билан азоблайди. Шубҳасиз жаллод бундай таъбабдан яхшироқдир. Зеро, у гуноҳкорларни ўлдирди, бу эса бегуноҳларни ҳалок қилади. Ҳеч гуноҳкор жаллод қўлида хор бўлмасин, ҳеч бир бегуноҳ касалманд бундай таъбабга зор бўлмасин.

Хозик таъбаби хушғўй
тан ранжига шифодур,
Омию тунду бадхўй
эл жонига балодур.

Ютуқларингизнинг сирини нимада деб сўрашибди. Авваламбор, азизлар, мен ўзимни экстрасенс деб мутлақо ҳисобламайман. Оддийгина бир таъбабман, холос. Қаерда бирорта таъбабини эшитсам бориб кўнглини олишга ҳаракат қилдим, ўчоғининг кулини тозалаб бўлса ҳам шифокор онахонлар ва отахонларнинг илмини ўргандим. Бу меҳнатларнинг маҳсули шу бўлдики, 10-20 йиллаб эшитмай қийналганлар бир неча лаҳзадаёқ дардидан фориг бўлишаёттибди. Қисқаси, менда ҳеч қандай қобилиятнинг ўзи йўқ, бари ота-боболар илми, уларга раҳмат айтиш керак. Сизларни аслида минг-минг йиллик халқ таъбабати даволаёпти, мен эса шунчаки воситачиман, холос. Ютуқларимизнинг сирини, биринчи галда, жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарларининг, хусусан, ҳўжалик ҳисобидаги муассасалар бошқармасининг бошлиги Абдулла Насриддинович Шоносиров, молия ишлари бўйича вазир ўринбосари Баҳодир Ҳамидович Умрзоқов каби инсонларнинг халқ таъбабатида бўлган хайрихоҳ муносабатида. Халқ таъбабати марказини очиб берганлари учун аввало муҳтарам вазиримизга ва у кишининг ана шу ёрдамчиларига раҳмат айтингизлар.

Ютуғимизнинг яна бир сирини жойлардаги раҳбарлар ишимизга катта ёрдам бераётганида. Қаерда бўлмайлик, ҳўжалик раҳбарлари, ноҳия соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бўлимининг раҳбарларию ходимлари ҳаммиша ёрдамга тайёр. Менга айниқса шуниси таъсир қиладики, врачлар бизга аввалгидек рақиб сифатида эмас, балки ҳашарчи сифатида қарашаяпти. Беморлар ўт пуфаги ва буйракдан тушган тошларни келтириб кўрсатганда, хира кўзлар тиниклашиб столим усти энди керак бўлмайдиган кўзойнақларга тўлиб кетганда, залдаги гаранглар саҳнадан пичирлаб гапирганимни яққол эшитганида, нуруний отахонлар залдан ҳассасини қўлида ўйнаб чиқиб кетаётганида уларга қўшилиб менинг кўзларим ҳам севинч ёшларига тўлади. Зал тўла юзлаб одам бетинин қарсақ чалаётган кезлари хаёлан ибн синоларимизга, шундай таъбабати яратиб қўйган халқимизга таъзим қиламан, тиббиёт билан шарқ таъбабати қўш қанотли қўш бўлсин, ҳамкорлиги ҳеч қачон дарз кетмасин дея илтижо этаман.

Жуда кўп хатларда сизни қаердан топсак бўлади деб сўрашибди. Мўқим иш жойим аниқ бўлмаган давр ўтди, азизларим. Шу бир йил ичида «Фан ва турмуш» ходимларини ҳам анча қийнаб қўйибсизлар, энди ундай қилмангизлар, илтимос. Жумҳурият халқ таъбабати марказининг манзилгоҳини ёзиб олингиз: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, 1-ётоқхона («Нукус» кинотеатри ёнида). Тел: 46-23-36. Гуруҳимиз қаерда қанча муддат ишлашини бу ердагилар аниқ айтиб беришади. Тўғри, мен Марказда деярли бўлмайман ҳисоб, лекин сайёр даволаш гуруҳини ҳам сиз, азизларни ортиқча овора қилмаслик учун тўзганмиз-да.

Яна бир илтимос, азизларим. Узоқроқ вилоятга бориб юрмангизлар, ўзимиз келишимизни кўтингизлар. Сизлардан бирон жамоа ёки давлат ҳўжалиги ёхуд бошқа ташкилот, корхона, муассаса Марказ билан шартнома тўзса бас, бориб хизматингизда бўламиз.

Мен йиллар мобайнида беҳисоб касалликларни кўравериб, бутун умримни кейинги 70 йил мобайнида ноҳақ топталган халқ таъбабати ниҳоят қаддини тиклаши учун бағишладим. Етса-имконим, етмаса-жоним. Дардингизни олай, азизлар!

НАВОИЙ ВА ТИББИЁТ



Халқимизнинг буюк шоири ва мутафаккир олими Алишер Навоийнинг адабий-илмий, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида анчайин кўп ёзилган бўлса-да, биз шоир фаолиятининг барча томонлари етарлича ёритилган деб айта олмаемиз.

Машҳур тиббиёт тарихчиси Б. Петров Абу Али ибн Сино ҳақида сўзлаб олимнинг шуғулланган соҳаларидан кўра шуғулланмаганларини санаб бериш осон деган экан. Бу қиёсни Навоий фаолиятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. У ўзининг мураккаб ҳаёт йўли ҳақида шундай деб ёзган эди: «... Бу хоксор ва паришон рўзгор камина болалиқдан то қарилликка қадар кўхна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна кўзговчи буқаламунлигидан — товламачилигидан, замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил ҳаёл ва тараддудлар билан овра бўлиб юрдим...» («Маҳбуб ул-қулуб»).

Тарихчиларнинг ёзишича, Навоий бадий адабиётдан ташқари фалсафа, риёзиёт, тарих ва бошқа фанлар билан, бирга тиббиётни ҳам ўрганган. Бу фикрга тарихчи Хондамирнинг куйидаги маълумотлари далил бўла олади: «Навоий Султон Абу Саиднинг подшоҳлик даврида зўр олим ва донишмандлиги туфайли иккинчи Ибн Сино номини олган мударрис жаноблари Хожа Фазлуллоҳ Абулайсийнинг ҳузурига Самарқандга бориб у жанобнинг хонақоҳидан ҳужра олди. Бир қанча вақт тегишинча илм таҳсил қилишга киришди. Хожа жаноблари ҳар вақт у зотнинг табидаги ўткирликни мақтар ва бошқа талабалардан уни ортиқ кўрарди («Мақорим ул-ахлоқ»).

Навоий ўзининг Самарқанддаги ҳаёти ва олган таълими ҳақида «Мажолис ун-нафоис» асаридан шундай ёзади:

«Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий Самарқанд ақибрларидандур, Фақх

Абуллайс авлодидандур. Фикҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб Каффасида турлар эрди. Фақир икки йил аларнинг қошида сабоқ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким «фарзанд» дер эдилар».

Навоийнинг табиблар ва тиббиёт ҳақидаги фикрлари асосан машҳур «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан баён этилган. Асарнинг махсус бир бўлими — 15-фасли тиббиётга бағишланган. Шоир бу фасл муқаддимасида аввало табибнинг ўзи қандай киши бўлиши ва қайси фазилатларга эга бўлиш кераклиги ҳақида тўхталади. Шоир тиб китобларини ўқиб ўзлаштирган ҳар ким ҳам яхши табиб бўлавермайди дейди.

Тиббиётда сўзнинг киши руҳига таъсири ҳақида Навоий кўп бора таъкидлаган: «Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-ю аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам бари бир унинг мижозидан ўзгариш пайдо қила олмайди».

Навоий табиблар олдида жуда масъулиятли талаблар қўйган. Дарҳақиқат, табиб ўз касбининг моҳир билимдони бўлиши керак. Агар у ўз касбини яхши ўзлаштирмаган, саёз фикрли, тажрибасиз бўлса, касаликни аниқлай олмайди ҳам, даволай олмайди ҳам, дейди.

Навоий табиблар олдида қўйган талабларидан иккинчиси «беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиш лозимлиги»дир. Бу ерда Навоий табиблик касбини бошқа ҳамма касблардан ажратиб турувчи асосий сифати — инсонпарварлиги ҳақида сўз юритади. Ҳақиқатан ҳам дунёдаги барча касблар ичида энг инсонпарвари табибликдир. Кишилар табибларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини — саломатликларини, ҳатто ҳаётларини топширадилар. Бинобарин, табиблар бу бебаҳо ишончли кадрлашлари, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилишлари, уларнинг ҳаётлари ва саломатликлари ҳақида қайғуришлари керак. Аммо, ҳаётда, беморларга нисбатан бешафқат ва бепарво табиблар афсуски учраб туради.

Навоий, табиб «асли тиб илмига табиати келишмоғи лозим», яъни табибда шу илмга нисбатан қобилият бўлмоғи керак деб таъкидлайди. Улуғ юнон ҳақими Бухрот (Гиппократ) — «тиббиёт барча санъатлар ичида энг улуғидир», — деган эди. Ҳақиқатан ҳам табиблик касби санъатдир. Бинобарин, табиблик барча санъатлар сингари маълум қобилият талаб қилади. Яхши табиб бўлмоқ учун тибга оид

илмларни ўрганишнинг ўзи кифоя эмас. Буни Алишер Навоий яхши тунган.

Навоийнинг фикрича, табиблик касбига қобилияти бор кишигина бу касбни эгаллаши лозим.

Ниҳоят, Навоий «табиб мулоим сўзли ва бемор кўнглини кўтарувчи, андишали ва хушфеъл бўлиши керак»-лигини уқдиради. Халқимизда «бемор одамнинг кўнгли яримта» деган нақл бор. Ҳақиқатан бемор касаллик азобларидан жафо тортиб, қандайдир фариб ва кўнгли ботиқ бўлиб қолади. Бундай пайтда киши ширин сўз ва хуш муомалага муҳтож бўлади. Ширин сўз ва хуш муомала беморга мадад бағишлайди. Унда соғайишга умидини оширади. Табиб беморга нисбатан қанчалик хуш муомалада бўлса, унинг аҳволи шунчалик енгиллашиб касалликдан фориг бўлиши осонлашади. Тажрибали табиблар буни яхши билдилар ва бу қоидага доимо амал қиладилар.

Шоир замондошлари ва тарихчиларнинг маълумотида кўра унинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида Хуросон ва Мовароуннаҳрда уч юздан ортиқ турли бинолар, масжид, мадраса, карвонсарой билан бирга кўплаб ҳаммом ва шифохоналар барпо этилган. Бу тўғрида Хондамир кўп маълумотлар қолдирган. Шу билан бирга қурилган биноларни бирма-бир санаб, қаерда, қачон барпо этилганлигини баён этади. Шулардан бири «Шифоия» касалхонаси тўғрисида шундай маълумотлар бор: «... у «Ихлосия» мадрасасининг ғарб томонида, ниҳоятда чиройли қурилган. «Шифоия»-да талабаларга тиб илмидан дарс берилади». Маълум бўлишича бу шифохонага ўша замоннинг йирик тиб олимларидан Гиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин раҳбарлик қилган. Шифохона ёнида ҳаммом барпо этилган.

Алишер Навоийнинг тиббиёт билан амалий равишда шуғулланганлиги маълум эмас. Шундай бўлса-да, у тиббий муассасалар барпо этиш, тиб илми бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида катта ишларни амалга оширганлиги, шубҳасиз.

Буюк ва фидойи инсонлар илми, қилган ишлари узоқ йиллар халққа, инсониятга хизмат қилади. Бобомиз Навоийнинг асрлар тўфони ичра етиб келган ҳаёт ва ижодига оид саҳифалар кўп. Уни ўқий олиш зарургина эмас, оддий бурч ҳам.

Асадулла ҚОДИРОВ,
Самарқанд Тиббиёт институтининг
профессори.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ: ҲАҚИҚАТ ВА УЙДИРМА

Охир-оқибатда Эски шаҳарда митинг ва намойиш ўтказишга қарор қилинди. Янги шаҳарда ўтказиш эса ман этилди. Бу билан, ўша пайтда чиқадиган «Наша газета»нинг ёзишича, шаҳар Кенгаши «кенг мусулмонлар оммасининг фитначи аксилинкилобий рус буржуазияси қўлида кўр-кўрона қуролга айланишига йўл қўймасликни кўзда тутди». Шу мақсадда 13 декабрь тонги соат 5 да Тошкент Урдасидаги ҳарбий қисмлар Эски шаҳарга ўтадиган ҳамма асосий йўллари тўсди.

Эрталабки Тошкент байрам тусини олди. Бу кун ислом оламидаги йирик байрамлардан Муҳаммад мавлуди куниди. Турли кўча ва торкўчалардан йиғилиб келган мусулмонлар Шайхантоҳур масжиди томон йўналди. Соат 12 да бу ерда кўп минг кишилик халойиқ йиғилди, ҳукмрон коалициядаги партиялар йўлбошчилари ва Совнарком аъзолари ҳам намойишга келиб қўшилди. Шунингдек, байроғига «Туркистон ўлкасига мухторият берилсин!» деган шиор ёзилган йирик гуруҳ — шаҳарнинг рус аҳолиси жамоатчилиги делегацияси эрта тонгдан Эски шаҳар томон юрди. Улар ҳарбийлар томонидан ўтказиб юборилди. 9⁰⁰ дақиқада Урда кўприги томон 2—3 минг кишилик гуруҳ яқинлашди, ҳарбийлар қон тўкилишини истамай уларни ҳам ўтказди. Йиғилганлар орасидан кимлардир солиқ Вақтли ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси ҳарбий комиссари Дорерни қамоқдан озод қилишга чақирди. Намойишдан ажралиб чиққан катта гуруҳ Урдадан ўтиб шаҳарнинг рус аҳолиси яшайдиган қисмида жойлашган қамоқхонадан Дорер ва полковник Бек-Ивановни озод қилди. Кауфман хиёбони (ҳозирги Инкилоб хиёбони)га томон машинада оломон ўровида қайтишаётганда аскарлар аввал милтиқ, кейин пулемётдан ўқ узади, эски-шаҳарлик 16 киши ҳалок бўлади. Дорер ва Бек-Иванов судсиз отиб ташланади.

Бўлиб ўтган фожеа ҳақида дарҳол Петроградга хабар берилади. Хабарда жумладан шундай дейилади: «Қўқонда реакцион буржуазия синфи томонидан тайёрланган съездда принципа Туркистон ўлка-

си мухторияти ўрнатилган эди» ва «Туркистон пролетар оммаси томонидан тан олинмаган мухторият ҳукумати ўлкадаги айрим шаҳарларда мухторият ўрнатишга бутун кучи билан тайёрланмоқда. Мазкур декабрнинг 13-да Муҳаммад мавлуди кунини Тошкентда мухторият ўрнатилди». Уша пайтда Улка Совнаркоми раиси бўлиб ишлаган Ф. Колесов марказдан йўл-йўриқ беришларини сўради.

Марказнинг муносабати 27 декабрда И. В. Сталиннинг Марказий Рада билан ўзаро муносабатлар ҳақидаги маърузасида, бундай йўл-йўриқ сўраган регионлар, жумладан, Туркистонга нисбатан шундай бўлди: «Халқ Комиссарлари Кенгаши жавобан айтади: сиз жойларда ўзингиз ҳукуматсиз, йўл-йўриқларни ўзингиз ишлаб чиқишингиз керак».

26 декабрда I Фавқулодда мусулмон ишчи ва аскар депутатлари съезди чақирилади. Унда қўрилган масалалар орасида В. И. Ленин билан мухторият масаласида учрашиш учун вакиллар юбориш ҳам бор эди. Бироқ съезд телеграмма юборишга қарор қилди: «Туркистон I Фавқулодда мусулмон ишчи ва аскар депутатлари съездида қабул қилинган резолюцияни йўллаб, Сиздан Россия демократик жумҳурияси олий ҳокимияти сифатида Туркистон халқ Комиссарлари Кенгашига ўлка ҳокимиятини Туркистон Вақтли мухторият ҳукумати топшириш учун фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу, Туркистонни улкан ҳалокатга келтириши мумкин бўлган бебошлик, иккиҳокимиятчиликнинг олдини олиш учун зарур». Сайланганларнинг мўътабар вакилиги мухторият фойдасига эди, албатта. Улар ортида ўлканинг минглаб эмас, миллионлаб аҳолиси турарди.

Улка ҳукумати раҳбарияти эса Қўқондаги воқеаларни диққат билан кузатибгина қолмай, уларга таъсир этишга ҳаракат қилди. Масалан, бу съездда сўз олган большевик П. Полторацкий Туркистон ўлка кенгашлари съезди бўлиши, унда Туркистон мухторияти масаласи кўриб чиқиши ҳақида хабар бериб, яна шундай деди: «Биз камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз, бироқ биз бойлар мухториятига қаршимиз. Биз мухторият учун курашдик ва ҳокимият-

ни ўз-ўзимиз учун эмас, ишчи синфи ва камбағаллар манфаати учун буржуазия қўлидан олдик. Биз ҳокимиятни рус буржуазияси қўлидан уни мусулмон буржуазияси қўлига топшириш учун олганимиз йўқ. Ҳокимиятни биз Ишчи ва аскар депутатлари кенгаши учун олдик. Биз мусулмонларни ўз томонимизга жалб этиш учун ишладик ва ишляпмиз».

П. Полторацкий сўзидан сўнг съезд маҳсус қарор қабул қилди. Унда: «1) Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари кенгаши барча аҳоли, айниқса мусулмонлар хоҳиш-истакларининг ифодачиси эмаслигини; 2) Туркистон ўлкаси халқлари иродаси икки съездда мухторият эълон қилинганида ифодалангани; 3) Туркистонда ягона ҳукумат органи умумий мусулмонлар съездида ва уни тўлдирган мусулмон ишчи, деҳқон ва аскарлар съездида ташкил бўлган Туркистон мухторияти ҳукуматига эканлиги эътиборга олингани» қайд этилди. Мазкур съезд «Туркистон халқ комиссарлари кенгашига ҳокимиятни дарҳол Туркистон мухторияти ҳукумати ва Халқ кенгашига топширсин деб истак билдирди, чунки ушбу съезд мухтор Туркистондаги барча демократик қатламлардан ташкил топиб, бутун пролетариат ўй-фикрларининг ифодачисидир».

Съезд томонидан мухтор ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ва В. И. Ленин номига телеграмма юбориш ҳақида қарор қабул қилинган, П. Полторацкий ва унга тарафдор бўлган депутатлар мажлислар залини тарк этди.

Туркистон мухториятининг давлат сифатида ташкил этилишига тарафдор бўлганларни Мусулмонлар бутунроссия кенгашининг «Миллий Шўро» ижроқўми қўллаб-қувватлади. У 1917 йил май ойида Мусулмонлар I бутунроссия съездида ташкил этилиб, раҳбари А. Цаликов ўз фаолиятида қуйидаги қарашларни тарғиб этди: «Деярли барча мусулмонлар ўртақолдир ва орамазда йирик бойлар йўқ. Мусулмонлар ўртасидаги синфий тафовутлар унча кўп эмас», «бизнинг устунлигимиз шунда», чунки «синфий тафовутлар сиёсий ҳаётни жуда кескинлаштириб юборади... Бу ҳол миллатнинг куч-қудратини бўлиб ташлайди», шу боис «Бизнинг шиор — мусулмонлар, бирлашингиз».

Бу пайтда Тошкентда, воқеаларни бутунлай назорат қилиб бўлмаётганлигини, чамаси, тушуниб етиб, Туркистон мухторияти ҳукумати ва уни қўллаб-қувватлаётган шахслар жамғарма ҳисобидаги барча пулларни мусодара қилиш иши яқинда «мағлуб» бўлиб қайтган П. Полторацкийга топширишга қарор қилинди. Бу тадбир жуда кучли реакция уйғотди. Мухторият вакиллари кабинети ва уни қўллаб-қувватловчи сармоядор доиралар ўртасида келишмовчиликлар чиқиб, бош вазир Танишбоевни лавозимидан четлатиш билан тугади. Унинг ўрнига тайинланган Муштафо Чўқоев «мусулмонлар манфаатини муҳофаза қилиш ишида» қатъий чора-тадбирлар дастурини амалга оширишга ваъда беради.

Ҳукумат илгари ўз оммавий ахборот воситаларини яратиб, ўзбек тилида «Эл байроғи» номли, рус ва қозоқчада ҳам рўзнома нашр этганди. Кейин у молча ишларини яхшилаш учун 30 миллион сўмлик заём чиқаради. Ҳукумат ўз миллий армиясини яратишга киришади. Тарихчи П. Алексеев 1931 йилда чиққан «Кокандская автономия» китобида ёзишича, унинг сони атиги 60 кишидан иборат бўлган, аскарларга бир неча антисовет кайфиятидаги рус зобитларидан иборат гуруҳ таълим берган. Ҳукумат томонидан халқ милицияси бошлиги лавозимига чор империяси даврида

[Боши ўтган сонда]



Ҳарбий вазир Абдулла Хўжаев.

қамалиб чиққан Эргаш тасдиқлаиб, унинг тахминан 4 минг йигити бор эди, бироқ улар яхши қуролланмаганди.

1918 йил январининг бошларида Кўқондан Тошкентга телеграмма йўлланди. Унда Тошкентда мусулмонлар съезди ўтказилиши муносабати билан Туркистон халқ комиссарлари кенгаши съездини 25 январгача қолдириш, бу съездга қўшилишга имкон бериш сўралганди. И. Тоболин бу таклифни рад этди. Нима учун, деган савол туғилади. Назаримда, Тошкентда бу пайтга келиб Кўқондаги воқеаларга салбий муносабат шаклланиб бўлганди. Бунда «Жануби-шарқий иттифоқ» билан шартномали муносабатлар масаласи бўйича юқорида эслатиб ўтилган қарор машъум роль ўйнаган.

Зиддиятлар кучайишига ўлка ҳукумати-нинг ноқулай аҳволда қолгани — Москва-нинг мухторият масаласи бўйича тутган нуқтаи назари аниқлашгани сабаб бўлди. Бу, Германия билан урушни тугатиш бўйича олиб борилган музокаралар чоғида рўй берди. Музокаралар «Тинчлик ҳақида»ги декретдан келиб чиқадиган принципларга кўра олиб борилиб, 6 модда асос қилиб олинди. Шулардан бирида айтилишича, «қурушгача сиёсий мустақилликдан фойдаланмаган миллий гуруҳлар у ёки бу давлатга мансублиги ёки референдум йўли билан мустақил давлат бўлиши масаласини эркин ҳал этиш имкониятига кафолат берилади». Сўнги моддада алоҳида кўрсатилдики, мустамлакачилик масалалари ушбу шартлар асосида ҳал этилади. Моддаларнинг бирида мазкур сарҳадлардан қўшинларни олиб чиқиб кетиш шarti кўзда тутилди.

Туркистон мухторияти ҳукумати Улка кенгашининг бўлғуси IV съездида қатнашиб, марказнинг бу ва бошқа ҳужжатлари асосида дарҳол иш юритишни талаб қилиши мумкинлиги кундек аён эди. 1918 йил январда ўтказилган бу съездда И. Тоболин мухториятни дарҳол ҳаётга татбиқ этиш аввало қўшинларни олиб чиқиш шarti сабабли мумкин эмас, деди. Мухтор ёки ҳатто мустақил мамлакатни барпо этиш учун зарур ишларни бажаришга ваъда берди. Хуллас, нима қилишса қилишди-

ки, муторият масаласини ҳал этишни номаълум муддатга чўзишди. Большевикларнинг ўзи туркистонликларга адолатсиз муносабатда бўлишаётганини тан олишган. Масалан, давлат арбоби Д. Манжара: «Кўпгина русларнинг, ҳатто раҳбар ўртоқларнинг калласидан улўф давлат шовинизми руҳи мустаҳкам ўрин олган», деган.

Мухторият ҳукумати съезд номига телеграмма йўллаб, 20 мартда Таъсис мажлиси ўтказиш мўлжалланаётгани, депутатликка учдан бир ўрин номусулмон (европалик) вакилларга ажратилгани, камчиликни ташкил этган миллатлар ҳуқуқи таъминланиши, ўлкада демократик принципларни ҳаётга татбиқ этишга киришилаётганини уқтирдди.

Ўрни келганда эътиборга лойиқ бир воқеа хусусида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Социал-революционерлар партияси МК аъзоси, Бутуниттифоқ таъсис мажлиси Фарғонадан депутат этиб сайланган В. Чайкин Туркистон мусулмон деҳқон ва ишчилари съезди топшириғига кўра, телеграф орқали марказдаги ҳукумат аъзоларидан бирининг воситачилигида Сталиндан миллий озчилик манфаатлари вакили сифатида Туркистонда ҳокимиятни маҳаллий ишчи ва деҳқонлар кўлига ўтишини ғоявий зарур деб ҳисоблайдими, деб сўрайди. Сталин жавоб беради: «Советлар ўз ички ишларида мухтордир ва улар тегишли реал кучларга таяниб ҳаракат қилади. Шу боис Туркистондаги маҳаллий пролетарлар марказий совет ҳокимиятига Туркистон Совнаркоми ҳарбий қисмларидан бергана кучларга таянганларни тарқатиб юбориш ҳақида арз этиб мувожаат қилиши лозим эмас, балки агар маҳаллий пролетар ва деҳқонларда куч топилса, уни шу куч билан тарқатилсин».

Айни пайтда Кўқонда, мухториятчилар ва аҳолини қирғин қилишда иштирок этганларнинг хотирлашича, «ғалати» воқеалар юз бера бошлади. Шаҳарда амалдаги ҳокимият кўлида бўлган Кўқон ишчи ва аскар депутатлари советининг пленуми бўлиб, унда мухториятчилардан дарҳол қуролсизланиш ва ҳарбий қисмларини тарқатиб юборишни талаб этувчи қарор қабул қилинди. Шу масала бўйича йўл-йўриқ ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш учун махсус гуруҳ белгиланди.

Мухториятчилар Советларнинг бу режани амалга оширишига йўл қўймади. Тунда шаҳардаги асосий ҳарбий объект—қалъага (собиқ хон ўрдаси ҳарбий қароргоҳга айлантилган — Ред.) ҳужум уюштирилди, лекин уни эгаллаш олишмади. Шу тунда бир неча рус офицерлари — мухториятчилар тарафдорлари шаҳар телефон станциясига келиб, телефон тармоғини узиб ташлади. Бироқ Кўқон Ревкоми Тошкентдан шошилинч ёрдам сўраб улгурганди. Тошкентдан жавоб келади: Фарғонада ҳарбий ҳолат эълон қилинади. Бунга кўра, «қуролли ва қуролсиз митинг, намойишлар» ман этилди. «Бу қарорни бузганлар, — деб ёзилди ўлка ҳукумати ҳужжатида, — пулемёт ва милтиқ ўқи билан қарши олинади». Улка ҳукумати Кўқонга ҳарбий қўшин юборишга ўша пайтда имкони йўқ эди. Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳри думаси раиси Дориомедовнинг қаршилигига қарамай, шаҳар ҳарбий дружинаси кўмондир К. Осипов маҳаллий советлар гапига кириб, 13 февраль тунида 120 аскар (баъзи маълумотларда — 140) 4 замбарак, 4 пулемёт билан Кўқонга келди, қалъага жойлашди.

Эртаси куни Осипов аскарларининг учдан бирини қолдириб, қолганлари билан Туркистон мухторияти ҳукумати қамоққа олишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Кучлар



ЎЛНАМИЗ ТАРИХИДАН

тенг бўлмаганидан ҳеч нарса қилолмади. аксинча ўққа тутилди. Шу кунларда мухториятчилар қалъани олишга шиддатли ҳаракат қилишди. Олдинда болта, чўкич, таёк кўтарган аҳоли, унинг ортидан яхши қуролланган миллий аскарлар (ҳаммаси 10 мингга етган) борган. Мухториятчилар тарафидан ўлимга борувчилар ҳаракат қилгани маълум. Кафанга ўралган бу кишилар ғазавотда қатнашиб, шаҳид бўлсалар, жаннат дарвозалари бизга очилади, деган эътиқод билан жангга киришган.

Қалъага яшириниб олган осиповчилар аҳволи танг эди, шунга қарамай зарбаларга дош бериб турди.

Ушбу шароитда Туркистон мухторияти раҳбарлари Ревкомни музокара олиб боришга таклиф этди. Мухториятчилар шартлари қўйидагича эди: шаҳарни биргалликда бошқарувчи орган тузиш, албатта, таркибда мухториятчилар вакиллари ортиқ бўлиши керак; қалъани бу орган назоратига топшириш. Милициядан бошқа ҳаммани қуролсизлантириш, ўлка ҳукумати-нинг шариятга зид декретларини ман этиш ва бошқалар. Бошқача айтганда шарт қўювчилар шундай демоқчи бўлишди: «Таслим бўлинг, бизда куч ва қурол кўпроқ, бизга ёрдам учун казаклар келиб қолади. Биз қалъадаги тинч аҳолининг қирилишини ис-тамаймиз, таслим бўлинг!» Ревком делегацияси буларни рад этди.

17 февралда музокаралар давом этди. Бу, ўз конференциясига йигилган Мусулмон ишчи ва аскарлари съезди вакиллари-нинг М. Чўқаев кабинетига тазийқи туфайли бўлди. Улар қон тўкилишини истамасликларини айтишди, ҳукумат улар билан келишишга мажбур бўлди. Айни пайтда ҳукуматдан Кўқон Ревкоми билан ҳар қандай алоқани буткул узиш ва жанговар ҳаракатларни бошлашни талаб этаётган кучлар билан ҳам ҳисоблашмай бўлмасди. Афтидан шу кучлар таъсирида ҳарбий вазир М. Чанишев ультиматум юборади: «Кучли кўзголган оммани тутиб туриш имкониятига эга эмасликдан, агар соат 4 гача қалъа топширилгани ёки бошқа тинч шароитлар ҳақида эълон қилинмаса, халқ интизом тўғонини бузиб юборади... Мен европалик ва арман тинч аҳолиси учун жавоб беролмайман».

Бироқ Мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари ультиматумни қайтариб олишни талаб этишди ва Чанишев бунга кўнишга мажбур бўлди. 18 февралда музокаралар қайта тикланди. Шу чоғда «Шўрои уламо» ва унга тарафдор бўлганлар бунга қарши чиқдилар. М. Чўқаев кабинети тугатилди, Чўқаев яқин кишилари билан қочиб кетди. Ҳарбий вазир М. Чанишев қамоққа олинди. Эргаш Кўқон хони деб эълон қилинди.

18 февралда бўлган бу тўнтаришнинг эртасига Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е. Перефильев шаҳар темир йўлига 11 эшелон пиёда, отлик ва артиллерия қисмлари билан кириб келди. Кўқон осмонини қора булутлар қоплади.

(Охири келгуси сонда)

Марат ҲАСАНОВ,
УзССР ФА Тарих институтининг
бўлим мудири, тарих фанлари
номзоди.

1943 йилнинг кузида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига таниқли ўзбек шоири Мадамин Давроннинг Курск остоналаридаги қақшатқич жангларда ҳалок бўлгани тўғрисида хабар етиб келди. М. Даврон Усмон Носир, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Иброҳим Назирий сингари кўчонлик шоирлар билан бирга улғайиб, бирга ижод майдонига кириб келган эди. У 1912 йилда Қўқонда таниқли маърифатпарвар Иброҳим Даврон оиласида туғилиб, 1924—1928 йилларда Фарғонадаги таълим-тарбия техникумини тугатганидан сўнг, 1931—1933 йилларда Самарқанддаги Акмал Икромов номли Педагогика академиясида таҳсил кўради ва, ниҳоят, Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг икки йиллик аспирантурасини тугатади. Мадамин Даврон 1934 йилда Тошкентга кўчиб келиб, «Гулистон» ойномаси идорасида дастлаб адабий ҳодим, кейинчалик эса масъул котиб лавозимларида ишлади. 1940 йилдан бошлаб жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг таржима шўъбасида маслаҳатчи вазифасини адо этди. 1926 йилдан бошлаб шоир, таржимон ва адабий танқидчи сифатида ижод қила бошлади. 30-йилларнинг одоғига келиб, эл оғзига тушди, асарларида шира пайдо бўлди. Унинг шоир сифатидаги истеъдоди шеърини муҳлисларида катта умид туғдиради.

Шоирга 1942 йил мартда армияга чақирилиши муносабати билан берилган қуйидаги тавсифнома ҳам ана шу умиднинг асосли эканлигидан дарак беради.

ТАВСИФНОМА

Ўзбекистон Совет Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси Мадамин Даврон ёзувчилар ташкилотининг асосий ходимларидан биридир. Унинг олти та тўпламида, рўзнома ва жаридаларда рус ва ўзбек тилларида чоп этилган шеърлари Ўзбекистон китобхонлари оммаси ўртасида машҳурдир.

Ур. Давроннинг таржима соҳасидаги ишлари ҳам катта аҳамиятга эга. У М. Горький, Лермонтов, Шота Руставели сингари жаҳон, рус классик ва совет адабларининг кўпгина асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ёзувчи Даврон уруш даврида совет ёзувчисига мансуб бўлган барча яхши фазилатларни намоён этди. У қизил аскарларнинг қатор оммабоп қўшиқларини яратди (улар Ўздавнашр томонидан ўзбек ва рус тилларида нашр этилган), фашистларга қарши қаратилган шеърлар тўпламини чиқарди, фашистларга қарши тарғибот кўргазмаларини — «ЎзТАГ ойнаси» плакатларини ташкил этишда кўзга кўринарли ишлар қилди.

Ёзувчи Давроннинг мудофаа мавзусидаги ижодий ишлари катта сиё-

ЭЪЗОЗ

ВА

ЖАЗО

(БИР ШОИР ТАҚДИРИ)



сий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ЎзСЭУ уни қайта аттестацияга тавсия этади ва ундан РККА (Қизил Армиянинг район комиссариятлари) қисмларида бевосита адабий ихтисоси бўйича фойдаланиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Совет Ёзувчилари уюшмасининг масъул котиби
Ҳамид ОЛИМЖОН.

Мана шу тавсифноманинг орқа томонига рус тилида яна қуйидаги сўзлар ёзилган: «РККА сафига чақирилган ўр. Даврон ўзининг ижодий ишларини давом эттирди. У қаерда бўлмасин, ватанпарварлик руҳида шеърлар ёзиб, Ўзбекистонга юбориб турди ва улар ўзбек ҳамда рус тилларида эълон қилинди. Ур. Давроннинг РККА сафида туриб яратган асарлари халқни Ватанимизга бостириб кирган немис варварларини узил-

кесил тор-мор этишга сиёсий сафарбар қилишга ёрдам берди ва ёрдам бермоқда».

Бу сўзларнинг ким томонидан ёзилгани қайд этилмаган. Лекин унда айтилган фикр ҳақиқатдан узоқ эмас. Даврон қайси фронтда бўлмасин, ватанпарварлик ғоялари билан йўрилган шеърлар ёзиб, Ёзувчилар уюшмаси, рўзнома таҳририяти, таниқли шоир ва ёзувчиларга йўллаб турган ҳамда улар жумҳурият матбуотида босилган.

Ана шундай ватанпарвар шоирнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабар ёзувчилар қалбини ларзага солди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг 1943 йил 24 ноябрда Ҳамид Олимжон раислигида бўлиб ўтган йиғилишида М. Давроннинг қаламкаш дўстлари марҳум жангчи шоир тўғрисида сўзлаб, унинг хотирасини абадийлаштириш бўйича қатор тадбирларни белгилашди. Ана шундай тадбирлардан бири 26—27 ноябрда «Фронтда, Ватан учун жангларда ҳалок бўлган» шоир хотирасига бағишланган кеча ўтказиш бўлиб, уни ташкил этиш Абдулла Қаҳҳор, Темур Фаттоҳ ва В. А. Вильховий зиммасига юклатилди. Жумҳурият матбуоти учун М. Давронга бағишланган мақолани ёзиш эса Шайхзодага топширилди. Шоир адабий меросини ўрганиб, унинг шеърлар китобини нашр учун тайёрлаб бериш вазифаси Темур Фаттоҳ чеккага тушди. Бундан ташқари, Ёзувчилар уюшмаси жумҳурият Халқ Вазирлари Кенгашига мурожаат этиб, М. Даврон оиласи аъзолари (қизи, ўғли ва синглиси)га шахсий нафақа белгилашни сўради; уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, пойафзал ва кийим-бош билан таъминлаш масаласи ҳам ўртага қўйилди. Ҳатто Тошкент кўчаларидан бирини Мадамин Даврон номи билан аташ ҳақидаги таклиф билан жумҳурият Олий Кенгашига мурожаат қилинди.

М. Даврон хотирасини абадийлаштириш бўйича белгиланган бу тадбирларнинг аксари тез орада амалга ошди. Бир қанча ойлар мобайнида М. Даврон фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган шоир сифатида ҳурмат қозониб келди.

Аммо орада хийла вақт ўтгач, турли миш-мишлар тарқади. М. Давроннинг тирик эканлиги, ҳатто немислар қўлида хизмат қилаётгани тўғрисида гаплар оралади.

1943 йилда рўй берган воқеани М. Давроннинг ўзи бундай ҳикоя қилган:

«1943 йилда Курск ёйида бўлган жангларда контузияга учраб, асир тушдим. Бир йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Белоруссия, Польша ва Германияда асирликда бўлдим. Саксониядаги концентрацион лагерда турганимда оғир хасталикка гирифторм бўлдим. Лагерга келган врачлардан бири мен билан сўхбатлашиб, Матёқуб Абдуллаевнинг Германияда



жарида нашр этаётгани, шунингдек Берлинда Туркистон қўмитаси деб аталган ташкилот мавжудлиги ва бу ташкилотда мен таниган бир неча киши хизмат қилаётганини айтди. Мен жаридида ишлашга розилик бердим. Орада бир неча кун ўтгач, немис армиясининг офицери келиб, мени Берлинга олиб кетди. Мен жаридида адабий ходим бўлиб ишга ўтдим ва Туркистон қўмитаси ташкилотига аъзо бўлиб кирдим.

Жаридида ишга кирганим ва Туркистон қўмитаси ташкилотига аъзо бўлганимнинг боиси шунда эдики, мен урушдан кейин ўз халқимнинг бахт-саодати йўлида ишлашда давом этиш учун ижодий кучимни сақлаб қолмоқчи ва ҳарбий саноатга алоқадор фронт орқасидаги ишлардан ўзимни олиб қочмоқчи эдим.

Мен жаридида ҳеч нарса ёзмадим ва ҳеч нарса эълон қилмадим. Аммо мен бир неча ишқий шеър ва обзор мақолалар ёзишга мажбур бўлдим ва бу нарсалар немис рўзномаларида босилиб чиқди. Мен ўзимнинг жаридида олиб борган ишимни ва немис рўзномаларида эълон қилган асарларимни, шунингдек Берлинга боришимни нафақат хато, балки жиноят деб ҳисоблайман.

Берлин совет қўшинлари томонидан ишғол этилгач, мен 1945 йилнинг июни ойида Совет Иттифоқида бош эгиб келдим ва етти йилга кесилдим. СССР Олий Кенгашининг 1955 йил 17 сентябрда қабул қилган фармонида кўра, озод этилдим ва барча ҳуқуқларим тикланди».

Шундай қилиб, Мадамин Даврон фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлмаган, аксинча, душманга асир тушиб, Туркистон қўмитасида хизмат қилган эди. У Ватан олдидаги ана шу айби учун етти йил қамоқ муддатини ўтагач, яна уч йил мобайнида Красноярск ўлкасидаги ўрмон саноатига қарашли корхонада ишлади. Бу корхонада ишлаганлар уч йиллик меҳнат стажига эга бўлганларида йиллик даромадининг 10 фонзи, беш йиллик стаж эгалари эса йиллик даромадининг 20 фонзи миқдоридан мукофот олганлар. Шу тарзда корхона ишчиларининг ойлиги 40 фонзга қадар ошиб борган. Аммо М. Даврон корхонада талаб этилган тезкорликка эга бўлмагани учун бундай имтиёзли жойда ишлаш олмади. Шунинг учун у ўзининг кейинги ҳаётини адабиёт билан, бадий ижод билан боғлашга уриниб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ариза билан мурожаат этишга мажбур бўлди. У 1955 йил 23 сентябрда уюшма номига йўллаган рус тилидаги аризасида бундай деб ёзди:

«Мен ҳарбий хизматга сафарбар этилганим (1942 йил март)га қадар сизларда ишлаганим учун мени ЎзСЕС ёхуд Адабий жамғарма қошидаги бирор ишга тиклашингизни илтимос қиламан. СССР Олий Кенгашининг 17.IX.55 й. фармонида мувофиқ мен

Улуғ Ватан уруши фронтдан қайтган ҳисобланаман.

Иш жойига келишим учун йўл ҳаражатлари билан ёрдам беришингизни сўрайман».

М. Даврон мазкур аризадан ташқари, уюшма ҳайъатига мурожаатнома ҳам йўллаб, даҳшатли қамоқхона ҳаёти маҳсули «ширу шакар» услубидаги бундай сўзларни айтган:

«Агар сизлар мени башарти адабий ижодга яроқсиз топган тақдирингизда ҳам, лучше мне быть околелитературным типом, чем примазываться к другим профессиям. Я должен остаток своей жизни прожить прокармливаясь около литературы. На худой конец я гождусь в завхозы в доме отдыха «Инжиқобод», должность которая в одно время никто не хотел взять на себя, даже из-за этого закрыли дом отдыха.

СССР Олий Советининг 17.IX.55 йилда эълон этилган фармони асосида мен Ўзбекистон Ёзувчилар союзи идорасида 1942 йил мартга қадар ишлаб турган ўрнимни талаб этишга ҳақлидирман. Лекин бундай масала Тошкентга етиб борганимда ҳал бўлажак.

Ҳозирча сиз мени союзнинг завхозими, қоровули ёки печларга ўт қаловчиси сифатида ишга қабул этишингизни илтимос этаман. Қонун бўйича узоқ ердан ишга қабул этилган одамнинг оиласини иш жойига келтириш учун поезд кира ва йўл харжи тўланади...»

М. Давроннинг ана шундай мазмундаги ариза ва мурожаатномасига рад жавоби берилган. Аммо кўп ўтмай, унинг ўзи Тошкентга қайтиб келиб, Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигига тиклашларини сўраб, яна ариза берди. Жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг 1956 йил 27 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида М. Давроннинг шахсий иши ва аризаси кенг муҳокама қилинди. Муҳокамада сўзга чиққан ёзувчилар собиқ ҳамкасбларига турли саволлар бериб, унинг уюшмага аъзо бўлиб тикланиши масаласига ўз муносабатларини изҳор этдилар.

Мана, йиғилишнинг рус тилидаги қайдномасидан кўчирмалар:

«А. Қаҳҳор. Немислар билан ҳамкорлик қилганмисиз?»

Даврон. Туркистон қўмитаси томонидан нашр этилган немис жаридасида ҳамкорлик қилганман. Рўзномаларга ишқий шеърлар ва обзор мақолалар ёзиб берганман.

А. Қаҳҳор. Ниқобланиш мақсадидами?

Даврон. Мен шундай қилишга мажбур эдим.

А. Қаҳҳор. Сиз асирликдан ўз юртингиздаги қариндош-уруғларингизга хат ёзиб турганмисиз?

Даврон. Йўқ, ёзмаганман, иложим йўқ эди.

А. Қаҳҳор. Бир эслаб кўринг, балки ёзгандирсиз? Сизнинг хатингиз мактаб дафтарининг варақларига ёзилган эди. Мен уни ҳаммага кўрсатганман.

Уч ойдан ортиқ вақт давомида ўша хатингизни олиб келган Ватан хоинини қидирдик, аммо топа олмадик. Яна сиз виждонингизнинг тозаллиги ҳақида сўзлаб ўтирибсиз.

И. Султонов. Муса Жалил деган шоирни биласизми? Ана ўшандай кишилардан ёзувчи чиқади, сизга ўхшаганлардан эмас!

Шеввердин. Сиз немислардан маош олганмисиз ё қалам ҳақи? Қаерда яшагансиз? Соқчининг назари остидами ё йўқми? Чиқарган варақаларингизнинг характери қандай эди?

Даврон. Мен ойлик олганман — ойига 300 марка. Хусусий хонадонда яшаганман ва Берлинда эркин юрганман. Туркистон қўмитаси совет қўшинларига қарши курашга чорловчи миллатчилик руҳидаги ва тўхматдан иборат варақалар чиқарар, улар асирлар ўртасида тарқатилар эди.

М. Муҳамедов. Сиз пешқадам ўзбек ёзувчилари тўғрисида немис рўзномаларида нималарни ёзгансиз?

(Даврон жавоб бермади.)

Ғ. Фулом. Немис тилини биласизми? Сиз ахир Гейнени асл нусхадан таржима қилгансиз?

(Даврон жавоб бермади.)

Мирмуҳсин. Узингизни хоин деб ҳисоблайсизми?

Даврон. Ҳа, ҳисоблайман.

А. Раҳмат. Шахсан сиз араб ва лотин ёзувларида чиқарилган советларга қарши варақаларни ёзганмисиз?

(Даврон жавоб бермади.)

М. Бобоев. Сизни лагердан Берлинга қандай юборишган, соқчи биланми, ё?..

Даврон. Мени немис офицери олиб борган.

М. Ҳақимов. Қандай ҳолатда контузия бўлгансиз? Сиз қатнашган рўзноманинг муҳаррири ким эди?

Даврон. Мени 1943 йилнинг 8 июнида ертўладан олиб чиқишган. Рўзноманинг муҳаррири Абдулла Тўлаганов эди».

Шундай мазмундаги савол-жавоблардан сўнг ёзувчилар Давроннинг шахсий иши бўйича сўзга чиқишган:

«М. Ҳақимов. Даврон ўз аризасида контузия орқасида асирликка тушганман, деб ёзган. Мен уни соппасоғ ҳолда асир тушган, деб айтишни хоҳлардим. У Туркистон қўмитасига ўз ихтиёри билан ишга кирган. Модомики, у хусусий хонадонда яшган ва Берлинда эркин ҳаракат қилган экан, бизнинг томонга қайтиб ўтиши мумкин эди. Мени унинг «виждоним тоза» деган сўзлари ғазаблантирмоқда. Даврон сингари кимсалар туфайли бизнинг қанчадан-қанча ажойиб одамларимиз ҳалок бўлиб кетди.

Инсоният тарихида ҳар қандай ижтимоий ҳодисада маълум бир рамзий белгилар, тафовутлар акс этган. Рамзий белгилар маълум жамият гуруҳларининг этник, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётларининг ифодасидан иборат бўлган. Туркий халқларнинг Хун даврида шарқ томон — мовий, ғарб — оқ, жануб — қизил, шимол — қора ранг билан ифодаланган. Бу рамзий белгилар туркий халқларнинг этник хусусиятларида, маънавий ҳаётида, ижтимоий муносабатларида ўз ифодасини топган, рамзий белгилар орқали табиат ҳодисаларига муносабат билдиришган, диний эътиқодларида ҳам рамзий ифодалар қоришиб кетган.

Қадимги туркий даврда ҳам рамзий сифатлар билан ифодаланган ранглардан фойдаланиш янада ривожланган, шаманлик (хамлар, қамлар) дини билан узвий боғланиб кетган, ҳаётнинг барча соҳаларида ўз аксини топган, туркий қавмларда бўри билан боғлиқ илоҳий, ижтимоий, этник тушунчалар кенгайган. Бўри туркий қавмларнинг этник жиҳатдан пайдо бўлишида асос ҳисобланган. Шунингдек, қатор йирткич ҳайвонларга, қушларга нисбатан шаманизм руҳида қараш ҳам кенгайган. Шунга кўра, ҳайвон ва қушларга нисбат берган этник, шахс номларини қўллаш ҳануз давом этмоқда.

Исломдан илгари, қадимги турк даврида буюк турк хоқонлиги давлати ўзининг рамзий ифодасини акс этдириш учун маълум белгилар қабул қилган, бу рамзий белги қадимги турк



ЎТМИШ ЛАВҲАЛАРИ

ТУРКИСТОННИНГ

МИЛЛИЙ

БАЙРОҒИ

давлатининг байроғида ўз ифодасини топган. Байроқ қизил (қон) рангли, жигаррангли ва сарик (турунч) рангли бўлиб ҳар уч ранг бир-биридан кейин йўл-йўл қилиб берилган, байроқ соли (таёғи) бош қисмига, баъзан байроқнинг ўрта йўл ичида бўри (қурт) боши ифодаси туширилган, байроқ

эни ва бўйига бир метрга яқин бўлган.

Турк халқлари ислом динини қабул қилганидан сўнг давлат байроқларида ҳам қисман ўзгариш юз берган. Қорахонийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар давлатларининг байроқларида қадимги турк хоқонлари давлатлари байроғига нисбатан қуйидагича ўзгаришлар киритилган. Байроқ ўлчами бўйига чўзилган, тўрт хил ранг билан ифодаланган, тўрт четидаги йўл яшил ранг билан бўялган. Байроқнинг уч томонидан йўл бирлаштирилиб, жигарранг билан берилган, яна учта йўл туташган ҳолда оқ рангда ифодаланган. Шунингдек, байроқнинг соли билан бирлаштирилган томонда яшил рангли йўлдан сўнг ярмига қадар қизил (қон) рангида бўялган, бу қизил рангли қисмида ярим ой ёки ҳиллол тасвирланиб, ҳиллолнинг бағрида беш қиррали юлдуз оқ рангда ифодаланган. Байроқнинг қизил рангли қисмидан кейинги бўлаги ҳам беш йўлдан иборат бўлиб, жигарранг оқ ранг-жигарранг оқ ранг-жигарранг бўёқлари орқали безатилган. Ислом лани қабул қилингунга қадар байроқнинг ўртасида бўрибошининг тасвири берилган эди, Туркистон ўлкалари ислом динини қабул қилганидан сўнг бўрибоши тасвири байроқ таёғининг бош қисмига ўрнатилди.

Муқовадаги бу, Туркистоннинг миллий байроғи Темур ва темурийзолалар даврида ҳам давлат рамзи бўлган.

Султон МАҲМУД

Туркистон қўмитаси чиқарган варақалар ва немис рўзномалари бизнинг фронтдаги ишимизга жуда катта талафот келтирган. У бўлса, бу рўзномаларда ишқий шеърлар билангина иштирок этган эмас...

Ғ. Ғулом. Муса Жалил мардлиги ва совет кишининг пок юрагига эга бўлгани учун унга вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. У чеккан азоб-уқубатларига қарамай, сўнги кунларига қадар ўз Ватанига содиқ бўлиб қолган. Мен таклиф этаман: бундан кейин Даврон ташкилотимиз бўсағасини хатлаб ўтмасин. У ҳозирнинг ўзидаёқ бу хонани бўшатиб қўйсин. Бизнинг орамизда унга жой йўқ!

Уйғун. Сиз, Даврон, аблаҳ эдингиз ва аблаҳ бўлиб қолгансиз... Давроннинг совет халқининг юзига қарашга ҳеч бир маънавий ҳуқуқи йўқ. У илгари ҳам истёвдодсиз, разил бир одам эди...

М. Бобоев. Мен Муса Жалил асарларини ўзбек тилига таржима қилдим. Китоб ҳозир босмадан чиқди. У софдил инсон эди. У бизнинг тузумимиз, бизнинг Ватанимизни севарди. У ўз жонини сақлаб немисларга адабий иши билан хизмат қилиш ўрнига ишчи батальонларида ишлаши лозим эди... Бу шарманда-

ли жиноят. У бизга ёлғон гапиряпти. Унинг сўзларига ишониб мумкин эмас.

Мирмуҳсин. Даврон нима учундир бизни лақиллатмоқчи. Авфга кўра, озодликка чиққан кишилар яшаб иш-лашлари мумкин. Совет ҳукумати уларга нисбатан инсонпарварлик қилган... Аммо биз сизни ўртоқ деб айтолмаймиз. Сизнинг йўлингиз — Ватан хоинининг йўли. Сизнинг бирор сатрингиз ҳам матбуотда босилмаслиги керак. Сизга ўхшаган кишиларга бизнинг сафимизда ўрин йўқ.

М. Муҳамедов. Ватанимиз унинг ҳаётини сақлаб қолгани учун у ўзини бахтиёр деб билиши лозим. Унга ўхшаган кишиларнинг яшашга ҳақлари йўқ...»

Езувчилар уюшмасининг ҳайъати шу кун М. Давроннинг аризасини бир оғиздан рад этиб, унинг уюшмага аъзо қилиб тикланишига қарши овоз берган. Даврон кейинчалик ҳам Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг раҳбариятига мурожаат этиб, аъзолик ҳуқуқини тиклаб беришларини бир неча бор сўради. Шеърлар китобини нашр этиш учун саъй-ҳаракат қилди. Аммо унинг манглайидаги хоинлик тамғаси бу ҳар икки ишнинг рўёбга чиқишига ҳалал бериб турди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланганига букун ярим асрдан ошди.

Урушда вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар аллақачон тикланган. Қаңчадан-қанча ҳарбий жиноятчилар вақт ўтиши сабабли авф этилган. Шунинг учун ҳам бугун Мадаммин Даврон сингари замона зайли билан урушнинг ўзга соҳилда қолган қурбонларига, уларнинг ҳар икки соҳилдаги фаолиятларига янгича тафаккур қонунилари асосида ёндошиш лозим бўлади. Агар уларнинг ўз халқлари маданиятининг манфаати йўлида чеккан заҳматлари тароз босгудек бўлса, ҳамюртларимизни балки улар ижоди билан таништириш вақти етиб келгандир. Ахир, рус биродарларимиз ҳам аллақачоноқ шу йўлдан оғмай-толмай бормоқда.

Инсонпарварлик ва олижаноблик биз яшаётган хилқатнинг ягона қонуни бўлиши лозим.

Тўғри, шундай гуноҳлар бўладик, улар ҳамиша афсус ва надомат билан, лаънат сўзлари билан тилга олинади. Бу — халқига, ватанига нисбатан қилинган жиноятдир. Халқ ва ватан олдидаги жиноят эса фақат уруш майдонларида эмас, тинчлик ва омонлик йилларида, Орол бўйлари ва Чернобилдек бахти қаро жойларда ҳам содир бўлиши мумкин. Буни авлодлар ёдда тутатиши лозим.

Наим КАРИМОВ.

ҲУР ФИКР

«Фан ва турмуш» муҳарририятига ҳар ойда келаётган бир неча юзлаб мактубларни ойномада кенгроқ ёритиш имкони йўқлигига таасуф билдириб, «бир чимдим»ини эътиборингизга ҳавола этдик.

ТЕМУР ҲАЙКАЛИГА МУНОСИБ ЖОЙ

Севимли ойномамиз саҳифаларида бобомиз Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб йил бўйи мақолалар бериб борилгани савоб иш бўлди. (Журналхонлар у ҳақда ўқиб боришаётганидан, кўп тўхталиб ўтирмаймиз). Бу улўғ инсон айниқса меъморчилик ишларини ўз замонасида олий даражага кўтарганини Хўжа Ҳофиз «ер юзидаги гўзал шаҳар» деб атаган Самарқанд мисолида кўриш мумкин. Менинг назаримда, бир нарса камдек, етишмаётгандек. У ҳам бўлса Самарқандда шу пайтгача Темурга ҳайкал ўрнатилмагани.

Темур давлатининг пойтахти — Самарқанд, унинг «юраги» эса Регистон. Бу ерда Темур ҳайкали ўрнатилса, узукка кўз қўйгандек бўларди. Тагин, билмадим, юрти учун куч-қудратини, меҳр-муҳаббатини аямаган, шавкатини оламга ёйган Темурга унинг юрти, халқи биргина ҳайкални қўя олармикан!! Бунга халқимиз нима дер экан! Шу таклифимни ойномада ёритсангиз деб,

Рустам МУРОДОВ,
Бахмал ноҳиясидаги
Усман қасабасидан

ПАРВОЗНИ ИХТИЕР ЭТГ АНИМИЗДА...

Фарғона фожеаларидан сўнг роппа-роса бир йил утгач, Уш фожеалари келтириб чиқарилди. Фарғона фожеаларидан юз марта оғир жиноят қилганларни ҳеч ким, ҳеч бир матбуотда нашаванд, гиёҳванд, экстремист қилди, деб ёзмади-ку! Ана сизга ҳақиқат... Унда айбдор ким? Гитлер қилмаган-ку бу хунрезликларни? Унинг сабаблари қачон очилади? Агар ҳақиқат очиб берилмас экан (ҳозиргидек), ўзбек бутун дунёда яна тўхматга қолиб, урушқоққа чиқиб қолиши ҳеч гап эмас.

Мана, Уш вилоятида қон тўкилди — лом-мим демадик. Фарғонада қон тўкилди — ўз халқимизни айбладик. Ажабо, ажабо! 20 грузин ҳалок бўлганида грузин депутатлари минглаб депутатларни оёққа турғазди, сукут сақлатди. 28-съездда жумҳуриятимиз коммунистлари партия, яъни ўз обрўларини тиклашга жон-жаҳдлари билан киришдилар-у, бироқ ўз халқи қурбон бўлган вакилларининг руҳи ҳақи бир дақиқа сукут сақлаш лозим деб айтишга ярамадилар. Бунинг устига, 20-йиллардаги адолатсизлик туфайли ҳозирги сарҳадларимиздан ташқарида қолган қариндошларимиз билан ўзимиз мансуб турк қавмларидан бўлган қирғизлар уруштирилиб, юзлаб инсонлар қони тўкилса-ю, бизнинг матбуот, газеталаримиз бор ҳақиқат-

ни ёзиш ўрнига замонни, даврни «улўғловчи» мақолалар босаверса, ТВ да, радиода партияни «шарафловчи» яллалар берилверса, байроқларда мотам белгиси кўринмаса... «Кимга тўй, кимга аза». Бу юрт — хўрликларга, заҳарларга, ёлғонларга кўниктириш учун халқлар сақланадиган маконми ёхуд бир карвонсарой? Бу тупроқда фақат шундай хаёлларга бориш мумкин. Дунёнинг нариги чеккасида ўлдирилган негрлар тақдирига ачиниб, ирқчилик, геноцид қурбони деймиз. Оёғимиз остидаги хунрезликларга лом-мим демаймиз. Шуларни кўриб, ўзбеклар осмонни бунчалар булутли, сабр-тоқати бунчалар бепоеён, дийдаси бунчалар қаттиқ бўлмаса деб ўйлайсан, киши.

Мана шундай фожеалар юз бераётгани «жавоб»дир, балки. Жумҳуриятимизда демократиянинг илк қалдирғочлари — «Бирлик», «Эрк» фаолияти, бу регионда биринчи бўлиб бизда «Мустақиллик декларацияси»нинг Олий Кенгашимиз томонидан қабул қилингани ва асосан зиёлиларимизнинг чинакам мустақил давлат ҳақида ўйлаётгани сабабдир?

Парвоз айламакни унутар эмиш,
Фақат гўнг титиб, дон излаган қуш.

Эҳтимол, бошимизга ёғилаётган бу кўргиликлар парвозни ихтиёр этганимиздандир?

Олимжон ЮНУСОВ,
Уйчи ноҳиясидаги Ерқўрғон
қишлоғидан, тарих муаллими.

ЎЗБЕКУ ТУРК — БИР ҚАВМДАН

Биз, месхети турклари кўрган шу оғир кулфат илоҳим ҳеч бир халқнинг бошига тушмасин. Фарғона фожеалари бутун афкор омма олдида ачинарли иш бўлди, чунки биз ўзбеклар билан бир қавм, бир миллат, динимиз, тилимиз ва гўримиз ҳам масжидимиз бир. Бизнинг халқ Гуржистоннинг 4 ноҳиясида тахминан 500 йил яшаган, 1829 йилда рус подшоши босиб, Туркиянинг қўлидан тортиб олган, шундан сўнг неча бор гоҳ у, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келган. Золим Сталин 1944 йили бизни Урта Осиёга сургунга юборди. Ўзбек халқи ҳеч эсдан чиқмайдиган меҳрибонлик қилди, бир бурда нонини бўлиб, уйининг ярмини бўшатиб берди. Шу фожеаларни кўриб, кўзимизга ишонмаймиз: 45 йил ичида ҳеч қандай жанжал бўлмаган, ҳурматдан бошқасини кўрмадик. Фарғонага тез-тез бориб тураман, ўртоқларим қайтиб келинглр деб таклиф қилишади. Фожеаларга асосий сабаблардан бири саводсизлик, ўз тарихини билмаслик. Кўп ўзбеклар турклар кимлигини яхши билишмайди. Мендан сўрашади: турклар мусулмонми! Бу ерда айб ўзбекларда эмас, жаллод Сталин турк сўзини эшитса, бошига гурзи билан ургандек бўларди, турклар тарихини таъқиқлаган, бизни турк эмас, озарбайжон деб ёздирган. Аслида ҳаммамиз: ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқалар ягона турк қавми, миллати — катта бир дарахтнинг бутуқларимиз. Илгари кўпчилик зиёлилар Туркияга бориб-келиб туришарди, у ерда ўқишарди; масалан, Ҳ. Ҳакимзода, Фитрат ва бошқалар. Фарғонага борганимда мендан турклар қасос олармиш деб сўрашади. Кимдан!! Россияда армияда хизмат қилаётган ёш йигитданми, ёки трикчилик учун борган камбағал бир деҳқонданми!! Мен айтдим: йўқ, ўртоқлар, турклар адолатли халқ, бегуноҳни жазоламайди, Алижоннинг қасдини Валижондан олмайди, мард халқ, ҳеч қачон ўзбекларга ёмонлик қилмайди, чунки шу ишни қилган одамларни ҳукумат ўзи яширди, ким ишонади, фақат безориларнинг қўлидан шу иш келади деб, кўр одам ҳам ишонмайди. Ўзбеклар билан бирлик ўла билмайди. Турклар ўлмайди, биз меҳнаткаш халқимиз, яна ўзимизни ўнглаймиз, аммо, кимлар халқларимиз бошига шу кунларни солган бўлса, уларнинг бошига бундан ҳам баттар кулфат тушсин...

Ҳасан ИСМОИЛОВ, нафақахўр,
Орёл вилояти, Россия.



Сўз сизга,
муштарий!

МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Ҳозирги мураккаб давримизда кишилар ўртасидаги оддий инсоний қадриятлар, яъни меҳр-шафқат, ўзининг қадрига етиш, ҳурматини ўрнига қўйиш, илтифотли ва кечиримли бўлиш, ўзга миллатлар урф-одатларини ҳурмат қилиш, бир-бирига хайрихоҳ ва мададкор бўлиш каби туйғулар борган сари камайиб, ҳатто йўқолиб кетаётганлигининг гувоҳимиз. Ҳатто, жамиятимизда жиноятчиликнинг турли кўринишлари авж олиб бораётганлиги, бу иллатга кўпроқ ёшларимиз гирифторм бўлаётгани ҳам шундан далолат беради. Бунга сабаб нима? Бизнингча, аввало, турғунлик ва маънавий қарахлик йилларида ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик, бир халқни улуғлаб, бошқасининг камситилиши туфайли ҳам жамиятнинг, ҳам халқларнинг, ҳам алоҳида шахснинг қадриятининг, шаъни-шавкати завоқ топди. Иккинчидан, асрлар давомида халқлар ўртасида авлоддан-авлодга, отадан-болога ўтиб келаётган инсоний урф-одатларимизнинг, ахлоқий қадриятларимизнинг, маънавий аъёнларимизнинг оёқ ости қилинганлиги ғоят даражада салбий таъсир кўрсатди. Эндиги қийин ва ғоят мураккаб вазифа ана шу қадриятларни тиклашдан иборат. Бунга биз шу йил Наврўз аъёнлари тикланиб, халққа қайтариб берилганлигида ҳам яққол кўрдик. Бутун жумҳуриятимизда халқимиз қайтадан туғилгандай бўлди. Шунча йиллардан бери қатагон қилинган, тилга олиниши ҳам таъқиқланган Наврўз маросимлари зўр ҳаяжон, кўтаринки руҳ билан ўтказилди, шукроналар айтилди.

Ахир бундай маросимлар, инсоний ва ахлоқий қадриятлар халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, гўзаллашиб келаётган оғзаки ижоди

да ўз аксини топган-ку! Чунки халқ оғзаки ижоди асарларида халқнинг овоз ва қувноқ ҳаётга интилишлари, ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши ўткир ғазаб ва кескин нафрат билан курашганлари фольклорга хос бадиий бўёқларда ифодаланар экан, уларда оила ва бола тарбияси, келин-куёв мадҳияси ва уларнинг бурчлари, дўстлик ва ҳамкорлик, севги ва садоқат, ота-онага ва ўзгаларга ҳурмат каби қатор муаммолар халқнинг тажрибаси, ақл-заковати ва урф-одатлари асосида қандай ҳал этилганлиги улуғланади.

Шу маънода ҳозирги кунда йўқолиб бораётган инсоний қадриятларни қайтадан тиклашда, ёшларимизни миллий-ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганиш, уларда илғари суринган муҳим ғоялардан ёш авлодни тарбиялашда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек-қозоқ филологияси факультети талабалари билан ҳар йили ёзги таътил вақтида турли вилоят ва шаҳарларда фольклор материалларини тўплаймиз. Қуйида халқ ижодкорларидан ёзиб олинган халқ кўшиқлари, лапар ва термалари, ёр-ёрлари ва марсияларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола эътиборимиз. Уларнинг баъзилари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ёзиб олинган.

Маҳмуда ОБИДОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг доценти.

ДЕЙДИ-Ё, ДЕЙДИ-Ё

Дейди-ё, дейди-ё
бугун Наврўз, дейди-ё.
Эски ўпка-гиналарни
қилма ҳаргиз, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё
гул сайилим, дейди-ё.
Бул кўнглимни кимга берсам
ўз майилим, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё
кўшиқ айтгин, дейди-ё.
Кўшигинга бахтинангни
қўшиб айтгин, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё
омон бўлинг дейди-ё
Пок меҳнату яхшилик
томон бўлинг, дейди-ё.

ЁР-ЁР

Тўрда турган гиламнинг
Бир гуллидинг, ёр-ёр.
Отанг билан онангинг
Булбулидинг, ёр-ёр.

Йиғлама қиз, йиғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Бадавлатли бек йигит,
Ёр сеники, ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни
Отанг отган, ёр-ёр.
Ўз қизини танимай,
Отанг сотган, ёр-ёр.

Қозондаги қатлама
Қатланади, ёр-ёр.
Қизни олиб янғаси
Отланади, ёр-ёр.

Йиғлама қиз йиғлама
Йўлинг бўлсин, ёр-ёр.
Қўлга олиб суйғудай
Уғлинг бўлсин, ёр-ёр

Тахта кўпир устидан
Той боради, ёр-ёр
Дарвозани кенг очинг,
Ой боради, ёр-ёр.

АССАЛОМ-АЛИК

САЛОМ

Ассалому алайкум,
Саломат салом.
Келин билан куёвдан
Барча дўстларга салом.
Алик салом!
Ичи тушган қовундай,
Юзи кўпирган совундай,
Қайнонасига салом.
Қоринлари қолдай,
Мўйловлари шопдай
Қайнотасига салом.

Алик салом!
Югуриб юрган куёндай
Дугонасига бир салом.
Очилиб турган гулдай,
Қайинсинглисига салом.

Алик салом!

Қизил олманинг пўсти,
Куёв боланинг дўсти,
Қолмасин ками-кўсти,
Ҳаммаларига салом.
Алик салом!

ҲАЙ-ҲАЙ ЎЛАН...

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
жоним қурбон, ёр-ёр,
Умидим кўп ўзимнинг,
оти раҳмон, ёр-ёр.
Алар учун бу жоним
қурбон қилай, ёр-ёр,
Ошиқ бўлиб жонимни
шайдо қилай, ёр-ёр.
Жону-дилни, ўзимни
адо қилай, ёр-ёр
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан
ширин сўзим ёр-ёр,
Термуладир ёр учун
икки кўзим, ёр-ёр.
Ул ёр учун сўзимни
тамом қилдим, ёр-ёр,
Дуо тилаб барчадин
ҳам вассалом, ёр-ёр.
Биринг мармар, биринг
маржон тизилибсиз, ёр-ёр,
Биринг булбул, биринг
гул ёр бўлибсиз, ёр-ёр.
Биринг олтин, биринг қумуш
қуш бўлибсиз, ёр-ёр.



Абдувоҳид ТУРАЕВ суратга олган.

Биринг хондир, биринг хонча,
кўшилибсиз, ёр-ёр.
Биринг мушку, биринг анбар
хуш бўлибсиз, ёр-ёр,
Биринг ойдир, биринг кундир,
кўшилингиз, ёр-ёр.
Замон охир бўлгунча
айрилмангиз, ёр-ёр.

Биринг хурдир, биринг нурдир,
ярашибсиз ёр-ёр.
Сиз шаҳзода, биз хизматкор,
мошаоллоҳ, ёр-ёр,
Сенинг молинг-соғлигиндир
ёринг бирла, ёр-ёр,
Ёри йўқнинг жони йўқдир,
бебахрадир, ёр-ёр.

МАРСИЯЛАР

Осмондаги булутни-ё
Ёғишини билмадим.
Эссизгина отамни-ё
Улишини билмадим.
Вой дод-ей, вой дод.
Рўмолимни ювдим-о
Учишини билмадим.
Эссизгина отамни-ё
Улишини билмадим.
Вой дод-ей, вой дод-ей.

ВОЙ, БОЛАМ-ЕЙ

Бўғзимга нолалар котди-ей, болам-ей,
Кипригим, кўзимга ботди-ей, болам-ей.
Ким сени зулматга отди-ей, болам-ей,
Фалакка етди-ку фиғоним, болам-ей.
Мен сенга зор бўлдим, болам-ей.
Вой дод-ей, вой дод-ей, болагинам-ей.

Тош бошга кировлар котди-ей, болам-ей,
Тўшаклар тикандек ботди-ей, болам-ей,
Бўғзимни куйдирди додим-ей, болам-ей,
Ажал сени ютди-ей, болам-ей,
Вой дод-ей, вой дод-ей, болагинам-ей.

Ох, сендан энди ман айрилдим, болам-ей,
Навқирон ёшингда тайрилдинг, болам-ей,
Кўзларим ҳажрингда юмилди, болам-ей,
Кўзларинг тупроққа кўмилди, болам-ей,
Вой дод-ей, вой дод-ей, болагинам-ей.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

О Олмониёнинг «Розен-кранц» ширкати дунёда энг баланд автокрани ишлаб чиқарди. У ўттиз тонна юкни 160 метр юқорига кўтара олади.



О Дунёдаги энг катта қайиқ «Сага» сувости илмий текшириш қайиғидир. У Марокаш қирғоқлари атрофида муваффақиятли синаб кўрилди. «Ифремер» ва «Коменс» номли француз ширкатида ишланган, узунлиги 28 метр бўлган бу қайиқ ўз атрофида келаётган сув ости атом қайиғига ҳам йўл бермайди. Унинг ичига ўрнатилган нодир техника энг қийин илмий текшириш ишларини ва амалий тажрибаларни бажариш имкониятини беради.

О Япон мутахассислари тиббий диагнозини жуда тез аниқламоқдалар. Улар касални ўз уйида беш дақиқа ичида тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказа оладиган — компьютердан фойдаланадилар. Компьютернинг асосий дастурида 233 та савол сақланади. Савол-жавоб тугагач компьютер беморнинг қайси шифо-

корга мурожаат қилиши кераклигини маслаҳат беради.

О Ҳозирга қадар машҳур бўлган энг қадимги геологик харита XII асрда Миср фиръавни Рамзес IV томонидан тузилган экан. Яқинда Американинг Огайо штатидаги Толидо шахри дорилфунунининг геологлари харитада тасвирланган жойларни ҳақиқийси билан солиштиришди. Ҳозир Турин музейида сақланаётган папирус қоғозидagi харитада, Нил воҳасининг чўлларидаги баланд тепаликлар оралиғида дарё ўзани бор эканлиги ҳам кўрсатилган. Тўғри, ҳозир бу дарё йўқ. Лекин, бу харитадаги қизил, қора, жигарранг ва оқ ранглар мавжуд гранит қатламларини аниқлашга имкон берди. У ерда бошқа хил конлар ҳам кўрсатилган.



Ҳақиқ

Муҳаммад ҳақиқатпарварлик ҳаёти, фарқликлари ва кўрсатишлари ҳақиқат қалбидир

РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ
НОМИ БИЛАН
РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИС САЛОМ
АЙТАДИЛАР:

Қайси бир банданинг бўйнида қарзи бўлиб, нияти уни узишлик бўлса, Тангри унга ўз ёрдамидан кўрсатади.

Бирор қалб йўқки, Тангрининг қўлида бўлмаса, агар хоҳласа у қалбни тўғрилаб қўяди, хоҳласа адаштириб қўяди. Даражалар тарозуси ҳам унинг қўлидадир. Бировларнинг даражасини кўтариб, бошқаларни пасайтириб туради.

Одам танасида қориндан ёмонроқ идиш йўқдир. Инсон бир неча ошам овқат билан кифояланади. Агар зарур бўлса, қориннинг учдан бирини овқатга, яна учдан бирини сувга, қолган учдан бирини нафас олишга ажратсин.

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

Яхши одам бамисоли аттордир. Аттордан бирор нарса олмасанг-да, ундаги нарсаларнинг ҳидларидан баҳраманд бўлиб турасан.

Одамларга яхши ваъз-насиҳатлар қилиб, ўзи унга амал қилмайдиган олим, гўёки одамларга ёруғлик таратиб ўзини кўйдириб тугатаётган шамчиноқ кабудир.

Инсон қалби бамисоли саҳродаги бир қуш қанотининг патидир: шамол уни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ағдариб туради.

Илми ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

Қайси бир халқнинг ичида жиноят ва гуноҳ иш қилувчилардан кўра қилмайдиганлар кўп ва кучли бўлатуриб уларни тийиб қўймасалар Тангрининг офати ҳаммаларига баробар бўлади.

Инсон фарзанди яратилганда ёнида ўлимнинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади. Агар у шу ўлимлардан халос топиб яшасанига унга қариллик насиб этади.

Умнатларим бамисоли ёмғир кабудир-ким, ёмғирнинг бошланиши ҳам, охири ҳам фойдалидир.

Менга нисбатан сизлар гўё ёқиб қўйилган ўтга ўзини ураётган парвона ва чигирткалар кабудирсизлар. Мен сизларни ўтга тушишдан сақлаш учун белбоғларингдан ушлаб қанчалик тортмайин, сизлар қўлимдан чиқиб кетиб, ўзларингизни ўтга ташлаверасизлар.

Гарчи ўзларингиз амал қилмасангиз-да, одамларга амри маъруф қилаверинглар ва гарчи ўзларингиз сақланмасангиз-

да, ёмон ишлардан бошқаларни қайтараверинглар.

Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиффор¹ айтадилар.

Бешта ғойибона илм борки, уларни Тангридан ўзга ҳеч ким билмайди:

1. Тангридан бошқа ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди.

2. Тангридан бошқа ҳеч ким она қорнида қандай ҳомила борлигини билмайди.

3. Қиёмат қачон бўлишини ҳам Тангридан ўзга ҳеч ким билмайди.

4. Ҳеч бир инсон ўзининг қаерда вафот этишини билмайди.

5. Қачон ёмғир ёғишини ҳам Тангридан ўзга ҳеч ким билмайди.

«Инжил»да² шундай ибора бор: «Диёнатиингга яраша азоб ёки мукофот олурсан ва ўлчовингга яраша улуш олурсан».

Беморни кўргани борганда унинг пешонасига қўлни қўйиб ҳол-аҳвол сўраш баркамол зиёрат ҳисобланади. Қўл бериб кўришиб саломлашиш мукамал бўлади.

Ҳиёнатларнинг энг ашаддийси — бу амирининг ўз фуқароси билан савдогарлик қилишидир.

Тангри томонидан берилган неъматни яширмай ўзидан кўрсатишлик унга шукур қилишлик демакдир.

Кимки Тангридан сўрамаса ҳам бошқалар томонидан молу дунё ато қилса, уни олаверсин. Зеро бу Тангрининг унга етказган ризқу насибасидир.

Кимки мўминларга уларнинг йўлларида азият тўғдирса, унга уларнинг лаънати ёғилур.

Кимки бирор мўминга озор берса, гўё у Менга озор берган бўлади; Менга озор берган Тангрига озор берган бўлади.

Кимки турли воситачилар орқали қозилик мансабини эгаллаган бўлса, у ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бордию ўзи хоҳламанса-да, уни мажбуран қози қилиб қўйилса, Тангри унинг сўзларини тўғрилаб турувчи ёрдамчи бир фариштани ҳамроҳ қилиб қўяди.

Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродалари билан алоқани узмасин.

Кимки ёшлигида ўқ отиш санъатини яхши эгаллаб, сўнг уни тарк этиб юборган

¹ Кечирим сўраш.

² Инжил — носораларнинг муқаддас китоби.

бўлса, демак у улуг неъматлардан бирини қўлдан берибди.

Кимки узиш нияти билан одамлардан қарз олса, унга Тангрининг ўзи ёрдам беради. Бордию еб кетиш нияти билан қарз олган бўлса, Тангри ҳам унинг дунёсидан баракани кетказиб қўяди.

Кимки бирор нарсани ноҳақ йўл билан ўзлаштирмоқчи бўлиб даъво қилса, ундай одам мўмин эмас, у дўзахдан ўзига жой танлайверсин.

Кимки Парвардигорнинг ғазаби келади-ган йўл орқали подшоҳни рози қиламан деса, у Тангрининг динидан чиққан бўлади.

Кимки Оллоҳни ўртага қўйиб сизлардан паноҳ тиласа, сизлар унга паноҳ берингиз. Ва кимки Оллоҳ номи билан сизлардан бирор нарса тиласа, албатта беринглар. Кимки сизларни зиёфатга чақирса, боринглар. Сизларга биров хайр-эҳсон қилса, сизлар ҳам унга шу миқдорда қайтаринглар. Бордию, ўша баробарида қайтаришга маблағ топа олмасанглар, қилган эҳсонини баробарида унинг ҳаққига дуо қилинглар.

Кимни биз бирор амалга сайлаб қўйган бўлсак ва унга шу амалдан ризқу насиба етиб турган бўлса, шундан зиёда олган нарсаси ҳиёнатдир.

Кимни биз бирор амалга тайин этиб қўйганимиздан кейин у нима миқдорида ва ундан ортиқ нарсани биздан яшириб ўзлаштирмоқчи бўлса, қиёмат кунини шу олган нарсаси билан ҳиёнатчи бўлиб туради.

Кимки бирор мўмин биродари ёқтириб турган таомини тайёрлаб унга едирса, Тангри бундай кишини дўзахдан омон қолдиради.

Кимки қашшоқлик балосига мубтало бўлиб, ундан қутулиш учун одамлардан мадад сўраса, албатта уни икки йўлнинг бири билан: ё ажални тезлатиб, ёки бойитиш йўли билан халос қилур.

Кимки бирор мўмин кишининг айби ёки гуноҳини билиб туриб уни фош этмай яширса, гўё тиригича кўмилган гўдакни тирилтирганчалик савобга эга бўлур.

Бировнинг уйига берухсат эшик ёни тешикдан мўралаган одамнинг кўзини ўйиб олиш жоиздир.

Кимки бировнинг ёзаётган ёки келган хатини берухсат ўқишга интилса, гўёки у дўзахга интилган бўлади.

Кимки Тангри йўлида жанг қилувчига ёки оғир қарздорга ёки озодлик учун пул излаб юрган қулга моддий ёрдам берса, Тангри унга ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунини (қиёмат кунини) соя бергай.

Биродарининг ўзини қабул этмаган кишининг гуноҳи судхўрнинг гуноҳи билан баробардир.

Кимки қул ва чўриларнинг кўплиги билан фахрланса, Тангри уни хорликка маҳкум этур.

Кимки бир мўмин қулни озод қилса, унинг барча аъзолари баробарида бунинг ҳам аъзоларини дўзахдан қутқаради.

Билими етмаган нарсага фатво берган киши унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олур. Кимки ҳақиқатни билиб туриб, нотўғри маслаҳат берса, демак унга хиёнат қилибди.

Кимки бировнинг ерини зулм билан ноҳақ эгаллаб олса, қиёмат кўни Тангри ғабига учрар.

Кимки саримсоқ ёки хом пиёз еган бўлса, биздан ва масжиддан узоқлашсин, то ҳиди аригунча уйда ўтирсин.

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайд.

Қўлларида овқатдан қолган ёғ қолдиқлари билан ётиб ухлаган одамга бирор касаллик етишса, ўзидан кўрсин.

Ҳовлисини сотган одам, ўша баҳонинг ўзига яна ҳовли сотиб олмаса, орттирган пулининг баракаси кетади.

Сабабсиз ўз ҳовлиси ёки ерини сотган одам молу дунёсининг баракасини кеткизиб туриш учун Тангри турли сабабларни пайдо қилиб қўяди.

Учрашганлардан қайси бири биринчи салом берса, ўша одамга Тангри ҳам, унинг Расули ҳам яқиндир.

Кимки бадавнийлик (саҳрода яшаш)ни ихтиёр қилса, демак у ўзига жафо қилади. Кимки овчиликка ортиқча берилиб кетса, бошқа кўп фойдали нарсалардан ғафлатда қолади. Кимки подшоҳлар саройига қатнайверса, фитнага қолади.

Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради.

Кимки бирор миллатни ҳавас қилиб, кийиниш ва зийнатда ўзини уларга ўхшатиб юрса, ўша миллатга мансуб бўлиб қолади.

Тангрига суяниш ўрнига бошқа сеҳру жоду, туморларга ихлос қилган кишини Тангри ўз ҳолига ташлаб қўяди (яъни ердан бермайди).

Кимки Тангри учун ўзини камтар тутса, унинг мартабаси ва обрўсини зиёда қилур.

Ўзи билмсиз бўла туриб, турли низо ва муҳокама ишларида қатнашиб юрадиган одам то бу ишдан қайтмагунча Тангрининг ғазабида бўлур.

Кимки одамлар ўртасида қозилик лавозимига тайинланган бўлса, демак у пичоқсиз сўйилибди¹.

Кимки ҳадисларини ривоят қилишда ёлғонмикан деб ҳаёп қилса, демак у ёлгончиларнинг ёлгончисидир.

Кимки гапирётган гапларининг ҳам номаънаъмолига ёзилишига ишонса, бемаъни гаплардан тилини тийишга ўтади.

Ҳар қандай одамнинг ҳам қилган ишлари яхши ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, албатта [у] азобга мустаҳқик бўлиб чиқади.

Кимки бировни ўз номи ўрнига бирор лақаб билан қақирса, уни фаришталар лаянатлайдилар.

Кимки ўз жаҳлу ғазабини қайтарса Тангри ундан ўз азобини қайтаради. Кимки одамларни ғийбат қилишдан тилини тийса, Тангри ҳам унинг айбу нуқсонларини фош қилмайди.

Кимки чумчүкдек қушни сўйишда ҳам ўз раҳмдиллигини кўрсатадиган бўлса, Тангри бундай кишига қиёмат кўни ўз меҳрибонлигини кўрсатади.

Кимки сув тошқини ёки ёнғиннинг олдини олса, унга шахид бўлганнинг савоби берилур.

Бирор касбу ҳунар орқасидан ризқу насибага эга бўлиб яшавётган одам, шу касбини беузр ўзгартирмасин!

Кимки мўмин кишини «кофирсан» деб ҳақоратласа, гўё унинг қонини тўкканчалик гуноҳ қилган бўлади.

Кимки зино қилса, унинг имони учади.

Тавба қилса, Тангри кечиради.

Қайси бир олим илмидан сўралганда қизганиб гапириб бермаса, қиёмат кўни оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади.

Одамларнинг сирларини билиб олиб, ташмачилик қилувчи ҳақимчининг насли пок эканлиги шубҳалидир.

Кимки бизларга қарши тиг кўтарса, у аҳли исломдан эмас.

Тангри сизларни оталаринг номи билан қасам ичишдан қайтаради.

Кимки ўз подшоҳини гуноҳ ва маъсият ишларига тарғиб этса, қиёмат кўни ўзи ҳижолат ва шармисор бўлур.

Икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан Мен жаннатда бирга бўлурман.

Кимки хиёнат қилувчи бўлса, у аҳли исломдан эмас.

Кимки сулҳ битими билан яшаётган ғайри динни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди. Ваҳоланки унинг бўйи қирқ йиллик масофада сезилиб туради.

Кимки сулҳ битими билан яшаётган ғайридинини сулҳ муддати тугамай ўлдирса, жаннатдан бенасиб бўлур.

Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат кўни ўтдан ясалган қамчи билан урилади.

Бу дунёда иккиюзламачи бўлган одамнинг қиёматда ўтдан ясалган икки тили бўлади.

Ким соч қўйган бўлса, уни эъзозлаб тоза ва тартибли тутсин!

Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга гўдакларча қилиқ қилиб эркалатсин!

Кимки менинг номимдан ёлғон ҳадис тў-

қиб тарқатса, дўзахнинг хоҳлаган ердан ўзига жой танлайверсин!

Кимки шухрат топиш нияти билан ясабди кийим кийса, у то уни ечмагунча Тангрининг раҳмат назаридан узоқда бўлур.

Кимки душман билан жанг майдонида тўқнашганда сабру матонат билан урушиб ҳалок бўлса ёки ғалаба қилса, ўлганда гўр азобидан омон бўлур.

Кимки бировга қарз берса, ёки эҳсон қилса¹, ёки адашган одамни йўлга солиб қўйса, гўё бир қулни озод қилганчалик савобга эга бўлур.

Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Тангридан ҳам уялмайди.

Қайси бир кимсага Тангри яхшиликни раво кўрса, уни диний ва ҳуқуқшунослик илмларига моҳир қилиб қўяди ва унга тўғри йўлни илҳом қилиб туради.

Бехосдан содир бўлган фожияли ўлим — мўмин киши учун раҳмат, фосиқу фожир одам учун ҳасратдир.

Мўмин — мўминнинг кўзгусидир. Мўмин — мўминнинг биродаридир, унга маншай ишларида ердамлашади, йўқлигида моли ва обрўсини ҳимоя қилади.

Мўмин мўмин билан бамисоли ўрта деворлари бир бўлган ва ёнма-ён қурилган уйлардек бир-бирларини тутиб туришлари керак.

Мўмин киши ғайратли бўлади. Тангри энг кучли ғайрат эгасидир.

Мўмин киши соддадил, сахий бўлади, фосиқ одам ҳийлакор, маккор ва бахил бўлади.

Оллоҳнинг ризоси учун ҳаракат қилувчи одам ҳақиқий мужоҳиддир².

Маслаҳат сўралувчи одам омонатдордир. Ўзига қандай кўрса маслаҳат сўраганга ҳам шундай тўғри ва фойдали маслаҳат берсин!

Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар.

Мусулмоннинг тили ва қўлидан мусулмонларга азият етмайди, мўмин эса мўминларнинг молу жонларига тажовуз қилмайди.

Мўмин-мўминнинг кўзгусидир. Унда бирор камчилик ёки нуқсонни кўриб қолса, дарҳол тузатиб қўяди.

Мўминларнинг ҳаммаси бир-бирларига биродардилар. Уларнинг бири иккинчисидан ортиқ эмас, балки ортиқ-камлик тақвога қараб белгиланади.

Мўминлар келишилган шартномаларга қатъий риоя қиладилар.

Вазифани ўз вақтидан кеч қолдириб бажариш ҳам зулм турларига кирди.

Таржимонлар:
Абдулазиз МАНСУРОВ,
Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

¹ Матнда: «сут эҳсон қилса».

² Худо йўлида жанг қилувчидир.

³ Одамларни мўросига келтириш ишининг мушқуллиги назарда тутиляпти.

ҚЎҚОН ҲҲҲҲ

Фарғона водийсидаги қадимий шаҳарлардан бўлган Қўқонда водийдаги бошқа шаҳарларга нисбатан меъморий ёдгорликлар кўп сақланиб қолган. Даҳман шоҳон, Жоме масжиди, Комолқози (Хўжа додхо), Норбўтабий, Миён ҳазрат, Дастурхончи мадрасалари, Мадарихон даҳмаси, Худоёрхон саройи ва бошқа кўплаб ёдгорликлар шаҳарнинг тарихий қиёфасини белгилаб, унинг ҳуснига ҳусн бағишлаб турибди.

Кўҳна шаҳар марказидаги тепаликда ўрнашган улкан сарой, Қўқон ўрдаси XIX аср меъморчилик ёдгорликлари ичида ташқи кўриниши ва меъморий тарҳи жиҳатидан энг кўркем ва улўғворидир.


1622 йили Қўқон хони Умархон вафот этгач, унинг ўн тўрт ёшли ўғли Алихон (Маъдалихон) тахтга ўтиради. Хон ёш бўлганлиги сабабли, давлат ишлари унинг онаси-таникли ўзбек шоираси Нодира (Моҳлар ойим) зиммасига тушади. Нодира маданият ва санъатни ривожлантиради, бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, хонақоҳ ва мақбаралар, ҳаммом ва карвонсаройлар қурилишига катта эътибор беради. Чунончи, Чалпак, Моҳларойим мадрасалари, Даҳман шоҳон ҳазирасини ва Мадарихон мақбарасини бунёд эттирди. Уша икки мадраса шу кунга қадар сақланиб қолмаган. Хон аёлларининг даҳмаси бўлмиш Мадарихон мақбараси ва Даҳман шоҳон ҳазираси эса Урта Осиёнинг энг кўркем меъморчилик обидаларидан ҳисобланади.

Бухоро эмири Насрулло 1842 йили шаҳарни забт этиб, уни талон-тарож қилди. Нодирани, ўғли Маъдалихонни қатл этди. Қурилиши тўғалланмаган хон саройи ва бошқа кўплаб маҳобатли биноларни буздириб ташлади.

Сарой қурилиши Қўқоннинг охириги хони Худоёрхон томонидан 1863 йилдан босқичма-босқич бир неча йил давом этди ва у Худоёрхон саройи деган ном олди.

Сарой қурилишида Фарғона усталари билан бирга Бухоро, Самарқанд ва Урта Осиёдаги бошқа шаҳарларнинг қурувчи-усталари фаол қатнашдилар. Қурилиш ишларини тезлаштириш мақсадида хон қора халқни ҳашарга жалб этади. Жаъми қурилиш ишларида 16 минг аҳоли, 80 нафар уста ишлади, мингдан ортиқ арава ва замбилгалтақдан фойдаланилди.

Сарой қурилиши замонасининг кўзга кўринган меъмор Мир Убайдулло муҳандис лойиҳаси асосида амалга оширилади. У бош меъмор сифатида сарой қурилишига раҳбарлик қилди. Бинодаги безак, кошин ишларини риштонлик кулол Уста Абдулло бажарган. Бино олд тарафи-




Қасрнинг шимолй буржи.

нинг жанубий қисмидаги «Нақшлар билан безаганининг санъати гўё Беҳзод санъатидек» деб битилган лавҳача эҳтимол унинг меҳнатига ишорадир. Уста Абдулланинг отаси Риштонда кулол сифатида доврў таратган эди. Унинг фарзанди Абдулла эса ота йўлидан борди, бу касбни пухта эгаллади. Сўнгра бутун Фарғона водийсида шўҳрат қозонди. Кулол ясаган ажойиб сопол буюмларни айрим фарғоналиклар шу кунларга қадар авайлаб асраб келишмоқда. Эл эътиборига тушган машҳур уста Абдулла сарой сиртини рангли кошинлар билан безаб янада доврў таратди. Кошинкорлик ишларида яна риштондан усто Жамол ва усто Жамиллар ҳам қатнашдилар. Пскентлик уста Зокир эса аркнинг асосий пештоқини кошинлашдек масъулиятли вазифани бажаришга мушарраф бўлган.

Қўқонлик усталардан мулла Суяроқул, уста Солихўжа ва бухоролик уста Фозилхўжалар сарой қурилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Хона ичини турли нақш ҳамда ганч ўймакорлиги билан безашда уста Ҳакимбой, уста Сўфи Йўлдош, уста Марасуллар ўз маҳоратларини намойиш этганлар. Булардан ташқари, дарвозахона тепасига битилган «Муҳаммад Олам сирчи усто Муҳаммад Камол ўғли. 1287 сана ҳижрий» ёзуви нақш ишларини бажарган уста ҳақида маълумот беради.



Қўқон ўрдаси 1880 йил.



Урда пештоқи.

Саройнинг ўймакор эшигини ишлаган уста Маҳсум-хўжа, Ғозиён мадрасасидаги катта эшик ва Тошкентдаги Шайхонтоҳур эшигини ҳам қўлдан чиқарган. Урданинг безак ишларида халқ меъморчилиги санъатининг бадий кулолчилик, наққошлик, ёғоч, ганч ўймакорлиги ва бошқа кўп турларидан фойдаланилган. Моҳирлик билан терилган турли ранг ва ҳар хил шаклдаги кошинлар уйғунлиги ҳамда нафислиги Фарғона кулолли санъати XIX асрда юксак даражага етганлигидан далolat беради.

Урданинг умумий сатҳи саккиз гектардан ошиқ текис майдон бўлиб, унинг теварак-атрофи мустақкам қалъа девори билан ўралган, шарқий томонига пештоқли дарвозахона ишланган. Девор ичкарасида боғ, узумзор, ҳовуз, сарбозлар машқ ўтказадиган майдон, аслаҳона, аскархона ва бошқа бинолар бўлган. Девор ташқарисида чуқур хандақ қазилиб, у сув билан тўлдирилган.

Юздан ортиқ хонадон, бир неча ҳовлидан ташкил топган сарой хизмат вазифасига кўра асосан уч қисмга — Маҳкама, Шоҳнишин ва ҳарамга бўлинади. Маҳкама ва Шоҳнишин қисмлари бир қаватли, ҳарам икки қаватли қилиб қурилган.

Худоёрхон саройи тўғри бурчак шаклидаги тарҳ бўйича [68×143 метр] қурилган бўлиб, уни баландлиги [4,3×5,6 метр] тағқават кўтариб туради. Саройнинг бош биноси шарққа қаратиб, бир қаватли қилиб туширилган. Унинг тағқавати ганч қорیشма билан пишиқ гиштдан терилган. Унинг кошин ва нақшлари сақланиб қолмаган.

Ёрдан пештоқ томон узунлиги 40, эни 6 метрли қия гишткўприк кўтарилган. Бош бинонинг ўрта қисмида ҳашаматли қилиб, сарой девори сатҳидан бир оз бўрттириб пештоқ солинган. Унинг китобасига араб имлосида «Арки олий Саид Муҳаммад Худоёрхон, сана 1287 хижрий» деб битилган. Бош бинонинг икки бурчагида иккитадан тўртта минора — гулдаста ишланган, уларнинг тепа қисми гумбазли мезаналар билан якунланган.

Гулдасталардан бири, жануб қисмидагиси олти қиррали қилиб, қолган учтаси эса гўласимон шаклда. Пештоқнинг икки чекирасидагиси ва бош бинонинг шимолий томонидагисини бухоролик уста Исо Маҳзум, жанубий бурчагидагисини эса Азамат домла қурган. Гулдасталар деб аталган бурчак миноралари кўк, сариқ оқзангори рангларга бой, шакли ва ранги турлича бўлган кошинлар билан безатилган. Улар хилма-хил геометрик нақшлар ҳосил қилиб турибди.

Пештоқ орқали кираверишдан кенг тўғрибурчак шаклидаги дарвозахона ва унинг ёнларида ҳовли билан боғланган шифти нақшли хоналар бор. Дарвозахона томи — гумбазли ўзаро кесишган равоқлар устида ўрнашган бўлиб, сиртига гумбазли ҳаштак ишланган. Дарвозахона ичига ҳаштак панжаралари орқали ёруғ тушиб туради. Илгари

қия гишткўприк остида зиндон ва ер ости йўли бўлган. Ҳозир улар кўмилиб кетган.

Бош бинонинг ёйсимон равоқлари, тимпанлари, китобалари ҳамда деворлари, ўсимликсимон шаклдаги кошинлар, нақшлар, гириҳлар ҳамда диний ва фалсафий мазмундаги ёзувлари хилма-хил шаклдаги, ҳар хил рангдаги сиркор парчинлар асосида, татотлик қондаларига кўра безатилган. Бу ёзувлар ажойиб ҳатот Мирзо Мирмаҳмуд Хўқандийнинг хатлари асосида бажарилган. Масалан, чиқиш эшигида «Чиройли юздан саховат сезилиб турган доно меъмор қулоғимга деди: Иштиёқ билан қилинган ижод хайрли натижа беради, 1258-ҳижрий» деган сўзлар битилган.

Бош бинонинг тепа қисмида бор-йўғи уч дона лола шаклли мадохил сақланиб қолган. Деворлар тагига қаттиқ арча ёғочлари ётқизилган бўлиб у зах кўтарилишига йўл қўймайди. Ҳозир ҳовлидаги хоналарнинг жуда оз қисми сақланиб қолган холос.

Октябрь инқилобидан кейин Урдага қизил армия гарнизони жойлаштирилиб, 1918—1919 йилларда шаҳарда ўз ҳоқимиятини ўрнатди. 1924 йили бу ерда қишлоқ хўжалик ютуқлари кўргазмаси ўтказилди. 1925 йилдан бошлаб сарой ўлкани ўрганиш ажойибхонасига айлантирилди. Музей жиҳозлари Қўқон шаҳар тарихи, Фарғона водийсининг табиати, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси ва санъати билан таништиради.

Сарой биноларида таъмирлаш, тузатиш ишлари ҳам амалга оширилди. 1938 йили илк бор меъмор Обид Зайниддинов собиқ хон саройининг сақланиб қолган қисми бўйича ўлчаш ва бош бино қисмини таъмирлаш ишларини олиб борди. Бу ишда Қўқоннинг моҳир таъмирчи ustalари қатнашдилар.

Пештоқ ортидаги гумбазли дарвозахонага киришдаги ўймакор эшикни ёғоч устаси Қодиржон Ҳайдаров таъмирлаб ўз номини ёзиб қўйган. Хона ҳамда айвон шифтларидаги нақш ишларини Саидмаҳмуд Норқўзиев, Саидмахмад Маҳмудов, Шукурхон Маҳмудов ва бошқа наққош ustalар таъмир қилишди.

1971 йилдан институтимиз ходимлари ёдгорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, таъмир-лойиҳа ишлари олиб боришмоқда. Атрофлича илмий изланишлардан кейин саройнинг тўқис лойиҳаси яратилди. Лойиҳани яратишда архив материаллари, тарихий адабиётлар ва ҳарбий чизмалар кенг ўрганилди. Айниқса, 1876 йили ҳарбий инженер штабс-капитан Н. Воронец ишлаган Қўқон Урдаси ва мудофаа учун мослаштирилган ишоотлар бош тарҳи, 1878 йили топограф А. Борисовский тузган Қўқон Урдаси ва унга ёндош ерлар бош тарҳи, 1882 йили Коник тузган Қўқон Урдаси ва қаландархонанинг бош тарҳидан кенг фойдаланилди.

Шунингдек, А. Федченконинг «Туркистонга саёҳат», француз сайёҳи М. Бурдонинг «Париждан Самарқандгача», М. Алибековнинг «Худоёрхоннинг уй ҳаёти», машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулло Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» тарихий асаридан ва яна қатор тарихий адабиётлардан олинган маълумотлар бизга жуда катта ёрдам берди. Юқорида келтирилган маълумотларнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида археологик қазिशма ишлари ҳам олиб борилди.

Ҳозир янги лойиҳа асосида саройни тўла тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Бу масъулиятли вазифа Қўқондаги маҳсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг ходимлари зиммасига тушди. Таъмир ишларини наққош Шукурхон Маҳмудов ва ганчкор гишт терувчи уста Самғожон Мўйдиновлар ўз шогирдлари билан бирга амалга оширишмоқдалар.

XIX асрнинг ноёб тарихий-меъморий ёдгорлиги бўлмиш Қўқон Урдасида Урта Осиё меъморчилигидаги саройлар қурилишига хос анъанавий услуб ва мухтасарлик ўз ифодасини топган, ундаги бино хоналарининг ички манзараси бетакрор бир бадий асар бўлиб қолади.

Абдужаббор ЯҲҒЕЕВ,
Ўзбекистон маданий ёдгорликларни
таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш
институтининг лойиҳа бош меъмори.

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Амир Тему́р Мовароуннахр ва Хуросоннинг ўзидан аввалги мўғул ҳокимларидан тубдан фарқ қилиб, у ўз ватани ҳудудида қаср ва кўрғонлар, қасаба ва рустақлар, работ ва иморатлар қурдирди, кўплаб боғлар барпо эттирди, ариқ ва анҳорлар қаздириб сув келтирди, ҳуллас мамлакатни ободонлаштиришга катта эътибор берди. Мўғул ҳокимлари Чингизхоннинг васиятига амал қилиб умуман девор ва иморат қурдирмаган, ариқ қаздирмаган, лоақал биронта дарахт ўтқазмаган. Аксинча улар аҳолиси қирилиб, бўм-бўш бўлиб қолган шаҳар, работ ва қишлоқларни текислатиб, сон-саноксиз йилқи ва молларини боқадиган яйловга айлантиришган.

Тему́р мусулмон турк сифатида улардан тубдан фарқ қиларди. 1365—1366 йилнинг қишидаёқ, яъни амир Ҳусайн билан кураш кетаётган пайтида Қарши шаҳрининг атрофини девор билан ўрайди, 1370 йили Самарқандни девор билан ўраб кўрғон бунёд эттиради, 1380 йили Шаҳрисабзда Оқсаройни барпо этиб, шаҳар атрофини девор билан ўрайди. Мабодо аҳолиси бўйсунмаган бирор шаҳарга нисбатан Тему́р қаҳр қилиб, уни вайронага айлантирган бўлса ҳам, кейинчалик уни қайтадан тиклатган. Хоразмнинг қадимги шаҳри Гурганч ана шундай тикланган.

Тему́р XIV асрнинг 80-йиллари ўртасига келиб ўз мамлакатида бутунлай осойишталик ўрнатди. Бундан кейин у ҳарбий ҳаракатларни, урушларни Мовароуннахр ва Хуросондан ташқарида олиб борди. И. М. Мўминовнинг машҳур рисоласида [айрим парчалар ойномамизнинг шу йил 2—4-сонларида chop этилган—Ред.] бу урушларга ҳаққоний баҳо берилган. Лекин шуни айтиш керакки, Тему́рнинг урушлари ва умуман унинг сиёсатини баҳолашда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленинларнинг фикрларига кўр-кўрона эргашиш ва қайтаравериш калтабинлик бўлур эди. Чунки уларнинг биронтаси шарқ тилларини билмаган ва шу тилларда ёзилган адабиётни ўқишга, демак, тўла баҳо беришга қодир бўлишмаган.

Тему́р кўп жанг қилган... Лекин улардан «уч йиллик юриш», «беш йиллик юриш» ва «етти йиллик юриш»лари айниқса машҳур бўлган. Тему́р бу жанглар натижасида муваққат бўлса ҳам, Қора, Эгей ва Урта денгиздан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Урол тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган ҳудудни забт этди ва буюк бир салтанат барпо қилди. Бу улкан давлатнинг

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

ҳудудлари Чингизхондан кейин иккинчи, лекин Искандар Зулқарнайн давлати ҳамда Араб халифалигидан кичик эмас эди. Албатта бу жангларда кўп қон тўкилган. Шу бонс юзаки қарашда Тему́рни, яқин кунларгача айюҳаннос солиб бақираётганларга қўшилиб, қонхўр, золим, дейиш мумкин. Лекин бу билан тарихий ҳақиқатни ойдинлаштириб бўлмайди. Тему́р юришларига тарихийлик ва адолат юзасидан қараш тақозо этилади. Майли, ҳозирча Тему́рни қўятуриб, ўзимизнинг, яъни дунёда энг «инсонпарвар», «бутун дунё халқларининг жонкуяри», «адолатли» деб ардоқланган Совет Иттифоқининг яқин ўтмишига бир назар ташлайликчи.

1950 йилларнинг иккинчи ярмида Венгрия, Чехословакияга «дўстона ёрдам» кўрсатиш баҳонасида қуроли тожовуз қилинди. Еки бўлмаса, 70-йилларнинг охирида Совет аскарлари Афғонистонни том маънода босиб олиб, тинч яшаётган афғон халқига нисбатан зўравонлик урушини бошлаб берди. Байналмилал ёрдам ниқоби остида совет аскарлари афғон халқини талади, юз минглаб афғонларнинг ёстиғини қуритди. Раҳбарларимиз куни кеча мактабни тугатиб, ҳали оғзидан она сuti кетмаган йигитларимизни билатуриб оловга ташлади. Шаҳид кетган йигитларимизнинг арвоғи уларни урмайдими! Бир умр ногирон бўлиб қолган фарзандларимиз ноласига ким қулоқ солади! Юртимиз тинч бир замонда фарзанд доғида юраги қон бўлган оналаримизнинг аламзада қалбига ким таскин бера олади! Қайта қуриш шарофати туфайли юзага келган халқаро ва мамлакат ичидаги ижтимоий-сиёсий шароит «чекланган миқдордаги» совет аскарларини Афғонистондан шармандаларча чиқиб кетишига мажбур қилди.

Лекин 1986 йили Олмаотада, 1989 йили Тбилиси, Қўқон, Фарғона, Боку, Паркат ва бошқа ерларда тинч намойишчилар ўқча тутилди, яна қон тўкилди. 30—40-йиллардаги ўн миллионлаб совет халқлари қириб юборилганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хўш, ҳозирги кундаги, XX асрдаги «инсонпарвар сиёсатни олиб борувчи» мамлакатда аҳвол шундай экан, бундан 600 йил бурунги, қоқ ўрта асрнинг нотинч даврида яшаган Тему́рдан нимани кутиш мумкин эди! Имоним комилки Тему́р айрим совет раҳбарларига нисбатан одил ва халқпарвар бўлган. Бу хусусда Тему́р ўз таржимаи ҳолида ёзган ушбу парчалар диққатга сазовордир: «Менинг қудратли лашкарим Арзирум шаҳри атрофидаги бутун қўлни ишғол қилиб турар-

ди. Мен ўз лашкаримга бир назар ташладим-да, ўзимча ўйладим: мана мен бир ўзим айтарлик ҳеч қандай кучга ҳам эга эмасман, лекин бутун бу лашкар ва ҳар бир аскар алоҳида менинг иродамга сўзсиз бўйсунди. Мен бирор буйруқ берсам бас, дарров ва тўлиқ бажарилади. Ана шу тариқа ўйга чўмиб, парвардигорга ўз бандаларининг орасидан мени кўтариб улўғлаганлиги учун шукроналар айтдим. Ва олий даражадаги доно уламолардан шу тумонат одамнинг менга бўйсунининг сабаби нимада деб сўрадим. Уламолар айтдиларки, бу — Тангрининг амри, мендаги куч ва қувват Оллонинг хоҳиши ва қудрати деб. Улар Қуръоннинг шундай оятини келтирдиларки, унда агар подшоҳ ўзининг барча қилмишларида адолат билан иш тутса, у ҳолда барча фуқаролари унга сўзсиз бўйсундилар, душманлари эса ундан кўрқадилар».

Тему́р 21 ёшлигида пири Абу Бакр Тайободийдан илтимос қилиб, ундан йўл-йўриқ кўрсатишни ва панд-насиҳат қилишни сўраганида, бу шайх унга дуойи фотиҳа бериб, унга бир чиганоқ узук ҳада қилади. Узукнинг кўзига форсча «рости-расти» деган сўзлар битилган эдики, уларнинг маъноси: ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади, омад келтиради, демакдир. Тему́р бутун умр бўйи мана шу сўзларга амал қилди.

Тему́рнинг «қонхўрлиги» ҳақидаги сталинизм жарчиларининг «тадқиқотларни»га Рюи Гонзалес де Клавихоннинг бир хабари сабаб бўлган. Бу хабарга кўра, Тему́р «беш йиллик юриш» пайтида Туркиянинг шарқидаги Сивас шаҳрини забт этиб, Сурияга ўтаётганида у билан Туркия оралғидаги ерларда кўчманчилик қилиб юрвчи «оқ татар» номли элатга дуч келади. Тўсатдан жанг бошланиб кетади. Натижада оқ татарлар энгилиб, Тему́р уларни асир қилади ва яшайдиган ерларидан Эроннинг ши-молидаги Дамғон вилоятига кўчириб, бу ерларни ободонлаштиришни назарда тутди, чунки у ернинг аҳолиси кам эди. Бироқ оқ татарлар у ерга келганидан сўнг яна аввалгидек бўйсунмай итоатсизлик қилади. Узаро бирлашиб олиб, аста-секин фарбга, ўз ерларига силжий бошлайди. Йўл-йўлакай атрофдаги шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож ва вайрон қилади. Шунда Тему́р аскарларининг қаҳри келиб, оқ татарларни қириб ташлайди ва уларнинг каллаларидан тўртта кўрғон қуради. XIV асрнинг охирида бесабаб содир бўлмаган бу қонли интиқомда 600 минг киши қирилади. Лекин XX асрнинг 30—50-йилларида социалистик жамиятда Сталин томо-



Тахтада ўтирган Темур.
Берлиндаги қироллик этнография музейи-
да сақланаётган миниатюрадан

нидан миллионлаб (тахминан 50 миллион киши) бегуноҳларнинг қириб ташланиши олдида Темурнинг қилмиши қиёсга арзигуликмикан!

Бу ҳодисаларнинг барчасига умумий тарзда баҳо бериб айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳуқуқсиз давлатнинг катта сиёсати катта қурбонлар келтирилишига сабаб бўлади.

Темур муҳолифлари «Темур босиб олган ерларидан уста, меъмор ва олимларни кўчириб келиб, фақат Самарқандда қурилишлар олиб борган ва ободонлаштирган. Бошқа ерлар билан эса иши бўлмаган» деган сафсаталарни айтишади. Бу ҳақда аввалам бор шунини айтиш керакки, ҳар қандай буюк давлатдаги илм-фан ва маданият арбоблари фақат шу давлатдаги ҳукрон миллат вакилларидагина эмас, балки кўп миллат вакилларида иборат бўлиб, улар миллати жиҳатидан байналмилал бўлади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Араб халифалигинини олайлик. Араб маданияти энг гуллаган давр—X—XI асрларда Бағдод. Дамашқ ва бошқа шаҳарларда ижод этган олимларнинг кўпчилиги эронликлар, сурияликлар, хоразмликлар, сугдлар, яҳудийлар, юнонлар ва ҳатто Мовароуннаҳр туркларидан ҳам иборат эди. Рус империясинини олайлик. XVIII аср ва XIX аср биринчи ярмида Петербург академиясида ишлаган олимларнинг мутлақ кўпчилиги Ғарбий европалликлар бўлиб, аввалига улар орасида рус миллати вакилларида деярли йўқ эди. Рус олимлари кейинчалик шакллана бошлади.

Демак, илм ва маданият аҳлларининг ўз ижодларига шароит излаб, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ва, айниқса, йирик пойтахтларга кўчишлари табиий бир ҳол эди.

Темур минг-минглаб олим ва меъморларни ўз пойтахти Самарқандга йўллаб, фан, маданият юксалиши учун қадимий анъаналарга таянмаганида ва улар учун шароит яратиб бермаганида эди, олим у фозилларнинг қўлидан ҳеч нарса келмас ва улар тезда тарқалиб кетган бўларди. Фикримиз исботи сифатида иккита мисол келтирамиз.

Маълумки, мўғуллар 1221 йилнинг эрта баҳорида Буюк Хоразмшоҳлар пойтахти Урганчи забот этиб, шаҳар аҳолисини қирғин қилади ва улар орасидан юз минг энг зўр уста хунарманд ва олимларни Чингизхон империясининг пойтахти Қорақурумга олиб кетади. Шу воқеалардан 30—40 йилча кейин Қорақурумда бўлган италян сайёҳлари у ерда қарийб 2 миллион турли миллатга мансуб хунарманд ва донишмандларни учратган. Демак, мўғуллар босиб олган барча йирик шаҳарлардан зиё аҳли олиб кетилган. Лекин ўша олим, хунарманд ва донишмандларнинг ишларидан бирор асорат қолдими! Бу саволга иккиланмасдан «йўқ!» деб жавоб бериш мумкин. Чунки у олим, хунармандлар маданият марказларидан золимлик билан кўчириб кетилган бўлиб, сахро ўртасида жойлашган, ўтов ва капалардан иборат бир «шаҳар» бўлган Қорақурумда ижод аҳли учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ эди. Шунинг учун у бахтсизлар ўзларидан ҳеч қандай асорат қолдирмай, бекорга саҳрода ўлиб кетишди.

Иккинчи мисол тариқасида Қозизода Румийнинг тақдири ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. У аслида Туркиянинг шимоли-ғарбида Мармар денгизи соҳилидаги Бурса шаҳрида туғилган бўлиб, мадрасада ўқиб юрган йилларида устози Фанорий афандидан «Мовароуннаҳр уламосининг улуми риёзиядаки овозам машҳурасини эшита-эшита ниҳоят икмоли таҳсил учун у жониба гетмакка қарор вермиш»¹ экан. Агар Қозизода 1355—1365 йиллар орасида таваллуд этганини эътиборга олсак, бу воқеа XIV аср 80-йилларининг ўрталарига тўғри келишини кўрамиз. 1380 йилларнинг ўртасида Темур энди «уч йиллик юришга» отланаётган эди. Демак, ўша даврдаёқ, яъни Темур ҳали бегона мамлакатлардан олимларни келтирмасиданоқ Мовароуннаҳрдаги

¹ Солиҳ Закий. Осори боқия. I жилд. Истамбул, 1329 ҳижрий (1911 милодий), 186—187-бетлар.

олимларнинг математика илми соҳасидаги овозаси Осиё ва Европага ҳам, ҳатто Туркиянинг кичик бир шаҳарчасигача тарқалиб, у ердаги ёш йигит — Қозизодани ўз илмини камолотга етказишга даъват этган.

Албатта, Темур фан арбобларини бошқа ерлардан пойтахтига олиб келганини инкор этиб бўлмайди. Улар орасида Хусомиддин Иброҳимшоҳ Кермоний каби табиб, мавлоно Аҳмад каби астрономлар ҳам бор эди. Лекин аслида олим ва хунармандларни Мовароуннаҳрга ва унинг пойтахти Самарқандга бу ердаги илм ва хунарларнинг юксак даражадалиги ва шуҳрати жалб этганлиги шубҳасиздир.

Яна шунини ҳам қўшмача қилиб айтиш мумкинки, мўғул истилосидан анча авваллари ҳам, истило арафасида ҳам, Мовароуннаҳрда дунё фанининг шаклланиш ва ривожланишига муҳим ҳисса қўшган буюк олимлар ва меъморлар ўтган. У даврда ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Бухорий, ас-Самарқандий, аш-Шоший, ал-Фаробий, ал-Жавҳарий ва бошқа бизнинг еримизга мансуб исмлар Мовароуннаҳрнинг худудидан ташқарида жуда машҳур бўлган. Агар мўғул истилосидан илгари Мовароуннаҳрдан бундай олимлар етишиб чиқмаганида эди, ҳозирги замон «темуршунос»ларининг мазкур фикрлари тўғри бўлур эди. Мўғул истилоси бошқа мамлакатларга нисбатан Мовароуннаҳрга жуда катта талафот келтирди. Бу талафотлардан бири мўғул истилоси нажитасида кўп-лаб донишманд ва зиёли кишилар Мовароуннаҳрдан ҳорижий шарқ мамлакатларига қочиб кетишга мажбур бўлди. Кетолмаганлари эса Мўғулистонга олиб кетилган ёки қатл этилган. Темур хориждан Самарқандга олиб келган олимлар ҳеч уларнинг ўрнини тўлдирма олмас эди.

Энди Темурнинг мамлакатни ободонлаштириши масаласига келсак, бу борада Темур билан Чингизхон ва унинг авлодлари орасида ҳеч қандай ўхшашлик бўлиши мумкин эмас. Бу хусусда рус академиги В. В. Бартольд де Клавихога жўр бўлиб, унинг вайронагарчиликлар қилганлиги ҳақида гапирса ҳам, Темурнинг буюк бунёдкор ва ижодкор эканлигини тан олишга мажбур бўлган. У айтади: «Темур бир вақтнинг ўзида ашаддий бузғунчи ва ташаббускор қурувчи эди: у буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғу роғлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари барпо этилди ва бузилганлари тuzатилди. Маданият барпо этиш мумкин бўлган жойини бўш қолдирмас эди. Темурнинг ижодкорлик фаолияти ҳам унинг қилган вайронагарчиликлари каби кишини ҳайратда қолдирарди. Мусулмон меъморчилигидаги энг яхши давр Темур

ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ.

Албатта, Темур энг аввало пойтахти Самарқандни ободонлаштиришга, унинг салобати ва улугворлигини орттиришга ҳаракат қилган. Лекин у Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, сув иншоотларини қурдирган.

Юқорида айтганлардан кўриниб турибдики, Темурнинг қилган «вайронагарчиликлари», «ваҳшийликлари» ва «қонхўрликлари» ундан бир неча аср кейин яшаган лашкарбошчилари ва давлат арбобларининг фаолиятларидан ортиқ бўлмаган. Ҳатто бу борада Темур уларга етолмаган ҳам. Умуман олганда унинг барча қилмишларини тарозига қўядиган бўлсак, унинг ижобий фазилатлари посонгини босиб кетади.

Энди унинг хотинлари ва фарзандлари ҳақида икки оғиз. (Темур шажараси ҳақида «Фан ва турмуш»нинг келгуси сониде махсус мақола чоп этилади — Ред.) Темур хотинларининг сони ва уларнинг исмлари аниқ маълум эмас. Темурнинг айтишича, отаси уни 22 ёшга тўлганидан кейин, демак ҳижрий 757 (милодий 1356) йилнинг кузагида, амир Чағуӣ Барлоснинг қизига уйлантиради. Лекин ўша йилиёқ у амир Қазагоннинг набираси ва Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжай Туркон оғага уйланади. Темур 1360 йилгача икки ўғил кўради. Улардан бири Жаҳонгир 1376 йили 20 ёшида ўлади. Иккинчи ўғли Умаршайх 1394 йили 40 ёшдалигида Курдистондаги жангда ҳалок бўлади. Жаҳонгир онасининг исми Турмиш (ёки Бурмиш) оға бўлишига кўра, у Чағуӣ Барлоснинг қизи бўлса керак. Умаршайхнинг онасининг исми ҳақида маълумот йўқ. Лекин туғилган йилига кўра, у Ўлжай Туркон оғанинг ўғли бўлса керак. Чунки 1360 йилгача Темурнинг хотини иккита бўлганлиги аниқ. Ўлжай Туркон оға 1366 йили ўлади.

1370 йили Темур амир Ҳусайн ўлдирилганидан кейин унинг хотинларидан тўрттасини ўзига хотин қилиб олади. Улардан бири Қазон хоннинг қизи Сарой Мулк хоним эди. Бундан кейин Сарой Мулк хоним Темур хотинларининг каттаси («Катта хоним») деб ҳисобланадиган бўлди. Шу хотини орқали Темур Қазон хоннинг куёви бўлганлиги учун тўлиқ исмига «гурагон» (мўғулчада «куёв») қўшимчаси қўшиладиган бўлди. 1378 йили Темур Туман оға исми 12 яшар қизга уйланади. 1397 йилнинг охирида Темур навбатдаги мўғул хони Ҳизр хўжанинг қизи Тўкал хонимга уйланади. Бу хотин Темур хотинлари орасида иккинчи ўринда бўлиб, «Кичик хоним» деб аталадиган бўлди. Темурнинг яна бир хотини мўғул Хожибекнинг қизи Чўлпон Мулк гўзал бўлиб, уни амир хонликда айблаб қатл этади...

Темур «еттийиллик» урушдан келибоқ Хитойга отланган эди. Бу энг сўнгги юришининг асли мақсади аниқ эмас. Лекин Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, «жиҳод қилиб, шарқ аҳли ва диндан тойганлардан ислом қасосини олиш эди» («Зафарнома»). Темур бу юришга қаттиқ ҳозиргарчилик кўради. У мамлакатнинг шарқий чегараларида қатор истеҳкомлар кўтаради. Бундай истеҳкомлар Саврон, Тароз ва Тошкент шаҳарларида қурилади. Чингизхон вайрон қилган Банокат қайта тикланиб, мустаҳкам қалъага айлантирилади ва уни Темур энг кичик ўғлининг номи билан Шохруҳия деб атайдди. Шарафиддиннинг айтишича, «Темур юришни Мовароуннаҳр, Туркистон, Хоразм, Балх, Бадахшон, Хуросон, Сеистон, Мозандарон, тотор қавмидан, Румдан, Эронзамин, Озарбайжон ва Ироқдан келтирилган кучлар билан биргаликда икки юз минг отлиқ ва пиёда аскарни ҳозирлайди». Шу вақт 1404 йилнинг охири келиб, қаттиқ қиш бошланади. Темур лашкари билан қишлашга мажбур бўлади.

Темурнинг ўзи эса лашкарнинг қалби бўлган Утрор атрофидаги Оқсулот қишлоғи яқинидаги Қорабулоғ номли мавзеда тўхтади.

Амир Темур ўша йили декабрнинг кўп қисмини Оқсулотда ўтказиб 1404 йил 25 декабрь куни у ердан кўчиб, 1405 йил 14 январда Утрор шаҳрига келиб тушди.

Қиш шундай совуқ келадики, ҳатто Оби Хасарт, яъни Сирдарё музлайди. Лекин Темур етмиш яшар бўлишига қарамай, унинг жангларида чиниққан танаси қисқа муддат ичида узоқ масофаларга кўчишга ҳам, қаттиқ қишга ҳам бардош беради. Шарафуддин Темурнинг шижоатидан ҳайратла-

ниб, «Етти йилдан кейин асли ватанига қайтиб келганига ҳануз беш ой тўлмасидан, тўхтаб турмасдан Чину Хитой кофирларини ғазот қилиш учун азму жазм қилиб, юзини ўша тарафга қараб ўгирди, яъни юрди деб ёзади. Темур Утрорда сал кам бир ой (Фасих Ҳавофийда — 40 кун) соппа соғ яшайди. Уша кунлари у Олтин Урдани ташлаб қочилишга мажбур бўлган Тўхтамишхоннинг элчисини қабул қилади ва унга Хитойдан жанг қилиб қайтгач Олтин Урдага яна юриш қилажагини ва Тўхтамишни яна тахтига ўтказажагини айтади. Бироқ тақдир тақозоси бошқача эди. 1405 йил 11 февралда, Шарафиддиннинг ёзишича, амирнинг соғлиги «мувозанат кўчасидан оғади». Уни ўша давр табибларининг энг маҳоратлиси Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий муолажа қилади. Лекин аҳвол яхшиланиш ўрнига кундан кунга хасталикнинг бошқа иллатлари ҳам пайдо бўла бошлади. Касали оғир бўлишига қарамай, Темурнинг руҳи тетик ва димоғи саломатлигича қолаверади. Дарднинг иложи йўқлигига дили инонгач, Темур барча хотинлари, фарзандлари ва умарои хавослари ҳозир бўлсин деб фармон беради. У ўз васиятида амирзода Пир Мўхаммад Жаҳонгирни ўзидан кейин Самарқанд тахтига валиаҳд ва қойиммақом деб эълон қилади. Ундан ташқари фарзандлари ва умароларига мамлакат ва миллатнинг ва раъиятнинг, яъни халқнинг ҳамда лашкарнинг аҳволидан доимо бохабар бўлишни васият қилади.

Бундан кейин касалнинг шиддати янада зўраяди ва 807 йил 17 шаъбоннинг кейинги кунга ўтар кечаси — милодий 1405 йил 18 февраль кечаси Темур фонийдан бақога ўтади.

Темурнинг ўлими муносабати билан шеърӣ тарихлар (саналар) ёзилади. Шулардан Мавлоно Баҳоваддин Ҳожийнинг қуйидаги тўртлиги диққатга сазовордир:

Султон Темурдек мисли шох бўлмади,
Етти юз ўттиз бешда вужудга келиб,
Етти юз етмиш бирда қилди хуруж,
Саккиз юз еттида қилди оламни тарк.


Бу рубойда учта муҳим сана кўрсатилган: бири Темур туғилган 1335 йилга тўғри келса, қолганлари 1370 йилги Темурнинг биринчи катта жанги ва 1405 йилдаги вафотини кўрсатади. Унинг умри ҳижрий ҳисобда 71 йил бўлиб, Шарафиддин уни «Бақара» сурасининг калити бўлмиш П ҳарфларининг абжод ҳисобига мослигига ишорат қилади.

Жаҳонгир Амир Темурнинг ҳаёти ҳақидаги тарихий ҳақиқат ана шундай. Темур ўз замонасининг ва ўз синфининг вакили сифатида яшади, курашди ва барча доворак кишилар қатори ўлимини мардларча кутиб олди. У жаҳон тарихида буюк шахслар қаторида шарафли ўринни эгаллашга ҳақлидир.

Ашраф АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори.

FAVVOС ТЕМИРТАН

Австралиялик муҳандислар яратган темиртани Заме-ранген кўлининг тубида синиб кўришди. Суви унчалик тиниқ бўлмаган бир неча ўн метр чуқурликдаги бу кўлдан у тангалар топиб чиқди. Учта кучли ёритқич, иккита телекамера, иккита «қўл» ва топилмаларни соладиган «чўнтак»ли бу темиртан 120 метргача чуқурликда ишлай олади.




ЯНА УЧАР ЛИКОПЧАЛАР

Рустам ТУРСУНОВ,
муҳарририят ходими.

«Фан ва турмуш»нинг бултурги 9-сонида берилган «Гувоҳлар: «биз ўзимиз кўрдик» номли мақолада Тошкент осмонида кузатилган учар ликопчалар ҳақида ҳикоя қилган эдик. Унда Яланғоч мавзеида яшовчи Анвар Жўраев учар ликопчаларни кўпчилик бўлиб кузатишгани, кейин бу сирли жисмлар Яланғочдан Юнусобод томонга учиб кетгани ҳақида гапириб берганди. Кейин бу ҳикоясини «Оламга саёҳат» кўрсатувининг август сонида ҳам такрорлади. «Фан ва турмуш»нинг декабрь сонида эса ўзга олам вакиллари жумҳуриятимизнинг барча чеккаларида учратилаётгани ҳақида «Ўзбекистон осмонида учар ликопчалар» номли мақолани эълон қилдик.

Шундан бери ўтган бир йил мобайнида муҳарририятимизга учар ликопчаларни кўрган гувоҳлардан хабарлар ёғилиб кетди. Мен ўзим «Фан ва турмуш» ходими сифатида Ўзбекистонни кўп кезаман, турли вилоят ва ноҳияларда, шаҳару қишлоқларда бўламан. Қаерга бормай бу ғаройиб ҳодисага шохид бўлганлар келиб нима кўрганларини ҳикоя қилиб беришади. Учар ликопчалар ҳақидаги ҳикояларни шаҳарда яшовчи уй бекаларидан, чекка қишлоқ ёшларидан, тоғдаги чўпонлардан, зиёли кишилардан эшитдим. Учар ликопчада ўзга олам одамлари билан бирга сайр қилган одамлар билан сўхбатлашдим.



Тошкентнинг Хадра майдонда кузатилган номаълум учувчи жисмлар.

Эндиликда ўзга оламлар мавжудлиги, бошқа қуёс остида яшовчи онгли биродарларимиз Ерга кўплаб мон бўлиб келаётганлари ҳеч ким учун сир эмас. Биттифоқ телевидениесининг «НУО: кутилмаган ташд номли туркум кўрсатувларида турли соҳа олимларини оламлар билан алоқа боғлаш йўлларини излашми Мамлакатимиз миқёсида учар ликопчалар ҳақида маънашрлар чиқмоқда.

Яна Тошкентга қайтайлик.

— 14 июнь кеч соат 12 ларда балконда салқинлаб ўган эдим, — деб ҳикоя қилади Чилонзор даҳасидаги квартал 2-уй 51-хонадонда яшовчи Акрам Жумаев. — сатдан юқори қаватда турадиган кўшним Мэлс Афза «Қаранглар! Қаранглар! Учар ликопчалар!» деб бақи бутун уйни оёққа турғизди.

Янги қурилаётган кўп қаватли уйлар устида доира шадаги, атрофида қизил, сариқ чироқлари ўта ёрқин нур таётган бир жисм пайдо бўлганди. Тахминан 30 мет баландда, биздан 100 метрча нарида эди у. На қўнишча дарак бор, на ғойиб бўлиб кетишидан. 10—15 дақиқазайлда муаллақ турди.

Бў орада бутун кўни-кўшнилар бир-биримиз билан қарага тушиб қолдик. Учар ликопча бўлса хануз жойи, қимирламас эди. Ерга қўнса олдига борамиз деб биримиз шайландик ҳам. Анча вақтдан кейин бу сирли жиста-секин ҳаракатлана бошлади. Сўнгра шу қатта тезликда кўзимиздан ғойиб бўлдик, ҳамма кутилмаганда қотиб қолдик.

Бу ғаройиб ҳодисани мenden ташқари Мэлс ака турму ўртоғи Гули опа ва фарзандлари Мурод, Моҳира бил Шокир Исҳоқов турмуш ўртоғи Гулноза ҳамда Раҳ Муқимова ўғли Алишер билан бирга кузатиб, ҳайра тушдик. Сўнг бориб ўша жойни текширгандик, ҳеч қандиз кўрмадик, деб ҳикоясини яқунлайди Акрам Жума «Алгоритм» заводи яқинида кузатилган бу воқеад аввалроқ муштарийларимиз Тошкентдаги Халқлар дўсти саройи орқасида, Абулқосим мадрасаси устида ҳам учар ликопчалар кўрингани ҳақида хабар беришганди.

Сиз ушбу суратларда кўриб турганингиз номаълум учачи жисмлар шу йил 4 июль тунги соат 4 да Хадра майдони кузатилган. Уларни қурилиш техникумининг 3-курс таламаси Уктам Алланов техникумининг Хадрадаги ётоқхонаси 4-қаватдаги хонасидан туриб, цирк биноси устида ҳам учар ликопчалар кузатилган.

Муҳтарам муштарийлар! Модомики, ўзга оламлар билан алоқа боғлашдек оламшумул ҳодиса арафасида тур эканмиз, шунга мос ҳолда тайёргарлик кўрмоғимиз кер ўзга оламлар вакиллари билан учрашувлар ва учар ликопчалар ҳақида маълумот тўплаш учун Ўзбекистонни бе ним кезиб юрган бир қаламкаш сифатида сиз, азизлар, бир ўтинчим бор.

Ғаройиб ҳодисага дуч келганингизда ўзингизни йўқ қўймасдан уни диққат билан кузатишда ва сўнгра кўр нарсаларингизни тасвирлаб беришда этиборлироқ бўшингизни қайта-қайта илтимос қиламан. Мана, Тошкент осмонида рўй берган учта ғаройиб ҳодиса ҳақида ўқидигиз. Халқлар дўстлиги саройи теварагида яшовчи гувоҳ муҳарририятга телефон орқали хабар беришнинг ўзи лангина чекланиб қўя қолишди. Чилонзорлик Ақ Жумаев воқеани қисқача бўлса ҳам тасвирлашга урингяхши, лекин шунча гувоҳ учар ликопчани 10—15 дан кузатиб тургани ҳолда уни суратга олиш ҳеч кимнинг ёд келмагани ғоятда ачинарли. Уктам Алланов эса ом келиб учар ликопчаларни суратга туширибди, лекин вс тафсилотини ёзиб бераман деб ваъда қилганича беда кетди.

Азиз муштарийлар! Ўзингиз гувоҳ бўлган ғаройиб ҳодиса бошқалар учун ҳам қизиқарли эканлигини унутманг минглаб кишиларни билим доирасини кенгайтириш инидан маҳрум қилманг. Суратга олишнинг иложи бўлганда ҳам ақалли воқеа тафсилотини ёзиб, муҳарририят юборишга эринманг. Сизлардан ўзга оламлар билан учрашувлар ҳақидаги ҳикояларингиз ва суратларингизни кутиб қоламиз.

КЭМПО-



ЭВРИЛИШ САНЪАТИ

Табиат йўлида ҳар шай ҳаракатда, еч бири тўхталмайди, шундан тумонот одиса рўй беради. Донолар йўлида ар нарса ҳаракатда, ҳеч бири тўхталмайди, шундан баҳри муҳит уларга ўйинсунади.

ЧЖУАН-ЦЗИ (мозийнинг IV—III асрлари).

Инсон ҳақидаги барча шарқ илмлари, шу сумладан турфа ҳарбий-амалий йўналиши-и Йога ҳам табиий ҳодисаларга мослашиш амда ўсимлик ва ҳайвонот оламини диққат билан кузатиш натижасида юзага кели-и. Оламдаги турли-туман ўзгаришларнинг қонуниятларини тушуниб олишга нтилиш натижасида, унинг яхлитлиги ва эбийлиги қонуналиридан келиб чиққан олда қадимги даослар (диний оқим до-олари), сўнгра бошқа йўналишдаги зълимот соҳиблари турли жонзотлар — дамзотнинг ўзи яшаётган муҳитидаги иродарлари йўлидан боришга ҳаракат олишди.

Чунончи, Кэмпо ҳарбий санъатида асос элган усталар ҳозирги замон бионика аниникига яқин нуқтаи-назардан куза-шлар олиб боришган. Аввало ҳайвон иёфасидаги барча аломатлар ва олишув йитида юзага чиқадиган хатти-ҳаракат-ри уларнинг эътиборини тортган. Маса-ин, ҳайвоннинг юриш мақомлари, фазо-и ўзини тутта билиш маҳорати, нафас иш услуби, луқмаи ҳалолнинг (агарда у иртқич бўлса) изини пойлаш одати, уни виб етиши ва ҳамла қилиши, ҳатто ўйин йитидаги хатти-ҳаракатлари, қилиқлари ар назаридан четда қолмаган. Олимлар йвонларнигина эмас, балки қушлар, дралувчилар, ҳатто ҳашаротларни ҳам зофлича таҳлил этишган. Қадимда ши-р (ов) ва жанг ҳамдам ҳодисалар бўлган-бонс ҳайвонларнинг олишув сифатлари, иқиса муайян қабила ёхуд уруғ топинув-ҳайвон сифатлари илоҳийлаштирил-

ҳайвонни ўрганилаётган вақтда, шунинг-и у ёки бу ҳайвон услубини яратишда

Ҳозирги ошкоралик шароитида бундан ўн йил аввал қатагон этил-ган илдон (спорт) ўйинлари — каратэ яна оммавийлашиб бормоқда. Фақат бугина эмас, бутун Шарқда маълуму машҳур бўлган ва минг йиллар давомида ўзгаририлиб, сайқалланиб келган бир неча йўна-лишда таркиб топган шарқ ҳарбий санъати намуналари — у-шу, анки-до, тэквон-до ҳақида фильмлар намойиш этилмоқда, шаҳар ва қишлоқларда айрим-айрим тўгараклари юзага келмоқда. Таассуфки, бу кураш турлари хусусида бирор жиддий адабиёт яратилмаган. Қуйида биз яқинда Москвада «Наука» нашриётида чоп этилган А. До-лин ва Г. Поповларнинг «Кэмпо-ҳарбий санъат аъналарини» асаридан бир парчани диққатингизга ҳавола этамиз.

Кэмпо устасининг асосий мақсади қарқара, от ёхуд йўлбарснинг оддий ҳаракатлари-ни кузатиш эмас, балки биологик қувват ци(руҳ)нинг табиатнинг юксак мавжудоти бўлган мазкур ҳайвон танасидаги ўзига хос хислатларини аниқлашдан иборат ҳам эди. Эволюция жараёни асрлар ва минг йиллар мобайнида ҳар бир турни атроф-муҳитга мослашишнинг ажойиб қобилият-лари билан таъминлаган. Ҳайвон, қуш ва ҳашаротлар табиий танланиш асосида омон қолганликларининг ўзи шу турлар-нинг ниҳоятда узоқ ва қонли курашларда зафар кучиб ёхуд чап бериб келганлик-ларидан дарак беради. Уларнинг мосла-шувчанлик хислатлари авлоддан-авлодга сайқалланиб келган. Узини ҳимоя қилиш ва ҳужумкорлик маҳорати ҳам инсоннинг омон қолиш қобилиятини яхшилаш учун хизмат қилиши, шу тариқа унга бутун Олам мукамаллиги муайян қисмининг топширилиши деб англашилиши керак эди. Даос таълимоти ана шунга даъват этади.

Шундай қилиб, энг аввало, ци оқими-нинг йўлбарс, қоплон ёхуд илон танасида қандай ҳаракат қилишини, жумладан, у ҳайвоннинг ерга ястаниши ёхуд баланд сакраш, қафт билан уриши, тишлаб силта-ши, тирноқларини ботириб қийнашига қай йўсинда мажбур этишини илғаб олиш зарур. Навбатдаги вазифа, ўз руҳини (ци ни) қарқара, маймун, тўнғиз руҳига айлан-тиришга мажбур этишдан иборат.

Йўлбарс оҳишта, писиб-пойлаб ҳаракат-ланади. Йўлбарс услубидаги бир ҳаракат-дан бошқа бир ҳаракатга сўйри-силлиқ ўтишлар, жуда пастлаб донг қотиб туриш-лар, елқадан ошиб ўтишлар ана шундан олинган.

Фаниматига етишган йўлбарс уни қафт-лари билан уради ва кучдан тойдиради, сўнгра тирноқларини танасига ботиради. Рақиб танасидаги нозик нуқталарга «йўл-барс қафти» билан кучли зарб бериш, оғриқли нуқталарни «тирноқлар» билан чизиб ўтиши ва «қурбон»ни ёриб ташлагу-дек кескин ҳамлалар ана шу ҳолатни эслатади.

Қарқарақуш душманини оёқлари билан уради ва қанотларини силтаб ташлайди. Қарқара услубидаги типпа-тик донг қотиб туриш, ирғишлар, оёқ учида тепиш ва билак билан силтаб савалашлар, чимти-гандек турткилар (чўқишлар) барчаси шу қушнинг хатти-ҳаракатларидир.

Ҳар бир ҳайвоний услубда жонзотнинг ҳар бир кичик хатти-ҳаракатларидаги сези-лар-сезилмас тафовутлар ҳам «қувват оқими»га кўра таҳлил этилган бўлиб, Кэмпо санъати стратегияси ва тактикаси-нинг умумий асослари билан мувофиқ-лашади. Алоҳида бир ҳайвоннинг, баъзан эса иккитасининг (масалан қуш ва илон-нинг) жанговарлик маҳорати «Ўзгаришлар китоби»даги триграмма ва гексаграмма-ларда ифода этилган ҳаракат ва маневр-ларнинг қадимий чизмасига айнан мос тушади. Бу чизмада 12 та бурж — фала-киёт рамзлари, бешта табиат унсури

(дарахт, олов, ер, маъдан, сув) ҳамда қувват оқимининг нуқта ва меридианлари ҳақидаги таълимот қамраб олинган. Шун-дай қилиб, ҳар бир ҳайвоний услуб, бу жуда улкан ва яхлит Кэмпо мажмуаси-нинг ажралмас бир бўлагидир.

Ҳарбий кураш санъатларининг афсона-вий Шаолинь академияси роҳиблари учун бешта цюан-шу услубини ўрганиш шарт ҳисоблангани бежиз эмасди. Булар — Аждар, Йўлбарс, Қоплон, Илон ва Турна услубларидир.

ЙЎЛБАРС услуби асосан суякларни мус-таҳкамлаш (пишитиш)га қаратилган ва у бешта услуб ичда бирмунча шиддатли-сидир. Ғазабли, кучли, кескин ҳаракатлар қиши тасавурида йиртқич, ёвуз йўлбарс қиёфасини намоён қилади. Ци зарбалар ва тўсиқ солишлар, чўккалаш ва тик туриш-



лар, сакраш ва ирғишлар алмашинуви мобайнида бутун тана бўйлаб бетиним ҳаракатланади.

АЖДАР услуби ҳаётий қувватнинг уйғо-ниши ва ўсишига қаратилган бўлиб, энг аввало руҳга эрк берилади, бу ерда куч ишлатишнинг деярли аҳамияти қолмайди, ци қувват оқими тасавурдаги Марказга жамланиши, тана эса енгил ва ҳаракатчан бўлиши лозим. Бунда кифтлар ўзаро муво-занатда, беш аъзо (юрак ва оёқ-қўл) ўзаро муштаракликда тутилиши зарур. Расмий машқлар бажарилаётганда ци тана бўйлаб тўлқинланувчи оқим ҳосил қилади. Ҳара-катлар бирин-сирин гоҳ қанот қоқилиши-



ни, гоҳ аждар қўлларининг зарбини эслатади. У дам фазодан ҳужум қилади, дам ерда ястаниб ҳимояланади.

ҚОПЛОН услуби кучли ташланишлар натижасида жамланиб ва отилиб чиқадиган шахдам кучни ўзида жо этади. Одатда қоплоннинг бели ва қўл-оёқларини йўлбарсникига нисбатан бақувват деб ҳисоблайдилар. Бир лаҳзанинг ўзида «жавоб» қайтариши ва эпчиллиги унинг тўрт оёқли йиртқишлар ичида энг хавфлиси эканлигидан дарак беради.



ТУРНА услуби чидамлилиқ, мувозанатни сақлаш ва эшилувчанлик маҳоратини оширишга мўлжалланган.

ИЛОН услубида асосан, пастлаб донг қотишлар, шунингдек муайян вақт оралиғида бир маромда кечадиган хотиржам нафас олиш хусусияти устунлик қилади. Бу услубни танлаган кишининг бир ҳаракатдан бошқасига ўтиш ҳоллари ниҳоятда сокин ва таранг кечади, лекин улар унчалик равон ҳам, кўзга чалинмайдиган даражада майин ҳам эмас. Маълумки, илон хотиржам ҳолатда худди арқондек осилиб туриши ҳам мумкин. Уни бўйинга ташлаб олса, қўл ва баданга ўраса, думини тўрса, ҳатто ҳассадек қотириб қўйса бўлади. Аммо жаҳлини чиқарсангиз борми, шу лаҳзадаёқ унга жон киради-да бамисоли пўлат қайишга айланади қолади: думи билан уради, сапчийди, заҳарини солмоқчи бўлади, чирмаб олади ва бўғади. У ниҳоятда тез ҳаракатланади. Хитойликлар илон ци — қувват оқимини танасининг бир қисмидан бошқа қисмига яшин тезлигида ўткази олиш қобилияти тўғрисида шундай ҳаракат қилишга эришади, деб ҳисоблайдилар.

Жанубий Хитойда кенг тарқалган Цай мактаби вакилларининг Илон услуби ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу мактаб усуллари 18-асрда Маньчжурия босқинчиларига қарши курашда маҳаллий аҳолига жуда қўл келган. Цай таълимида бўғма илонга тақлид этилади. Шу боисдан аксари зарбалар ва тўсиқларда, қўл ва оёқ ҳаракатларида, қотиб туришлар, ошиб ўтишлар ва ҳатто мураккаб, кўп босқичли қурама ҳаракатларда бир қарашда ҳеч бир пинагини бўзмайдиган, аслида жуда маккор ва бешафқат питоннинг қиёфаси намоён бўлади.

Маълумки, питоннинг заҳри йўқ, чақмайди. Унинг асосий қуроли — бош. У боши билан уриб ганиматини ҳолдан тойдиради, сўнгра думи билан савайди, ниҳоят бутун танасини ишга солади-да луқмаи ҳалолини ўраб бўғади. Капча илон усулида бармоқлар найзага, кафт эса шишиб турган илон бошига айланиб, ҳужум олдидаги бу ҳаракатлар илон ўйинини эслатади. Питон услубининг асосий қуроли мушт бўлиб, у худди питоннинг бошидек залворли ва кескин ҳаракат қилади, яъни у душманини йиқмоғи керак. Бу ўринда ҳам куч, ҳам маҳорат зарур. Энди шаолин таълимига кўра муттасил тайёргарлик машқлари олиб борилди ва шу тариқа ҳар бир зарбанинг йиқитувчи кучга эга бўлиши таъминланади. Баъзан питоннинг боши ўрнида курашчи ўз боши билан ҳам ҳамла қилади.

Энди, шароитга кўра питоннинг серҳаракат думи вазифасини кафтнинг сиртки томони ёхуд билак билан, шунингдек оёқни турлича — орқага, рўпарага айлантириб амалга оширилади. Дум ҳаракатини кўпинча иккала қўл адо этади. Масалан, ҳужум чизигидан ортга ташланиш учун ўгирилган ҳолда иккала қўл шитоб билан ҳаракат қилиб тўсиқ солади. Бунда ҳар икки қўл илонизи бўйича ҳаракат қилади ва бутун баданни равон силтаб олдинги таянч нуқтадан орқага ташлайди.

Ушбу услубда шарсимон зарбалар ва иккала қўл ёрдамидаги тўсиқлар бирлашган ҳолда муайян ҳалқани ҳосил қилади. Зарба ёхуд тўсиқ солиш техникаси худди илоннинг ташланаётган чоғидаги гавдасини сиқиб-қўйиб юборишини эслатади.

Оёқ билан бажариладиган барча ҳаракатлар «питон думи» усулларини ўзида жо этади. Уларнинг аксари кўпчиликка таниш, лекин ўзига хос илон услубида бажарилади. Цай мактаби зарбаларининг барчаси бўкса билан боғлиқ қўшимча силтанишдаги қувват ва ҳаракат тезлигига асосланади. Ҳар бир зарбани шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: бошланғич ҳаракатлар — бўксани кучлантириш учун тайёргарлик, кейин оралиқ ҳаракатлар — бўксанинг катта тезликда шитоб билан кўзғалишини таъминлаш, ва ниҳоят якуний ҳаракат — бўксанинг бутун

ингилган қувватини оёқ ва қўлнинг зарбига йўналтириш. Ушбу вазифани адо этаётганингизда, гавдани олдинга ташлаб оёқ билан тепилганда гўё бутун танангиз рақиб томонга бориб тушгандек туюлса, аслида елка ўз жойида қолади. Чунки зарбани машқ қилганда хаёлан бошингизни шипга боғлаб қўйилган деб тасавву қиласиз ва у доимо ўз ўрнида қолади. Б. машқ бўғма илон бошини муаллақ тутган ҳолда думи билан рақибини қўлатиш маҳоратидан ўзлаштирилган.

Уқув машғулотларида кўпинча олдинги таянч нуқтадан ортга, ортки таянч нуқтадан олдинга ўтадиган «илон тўлғаниши» машқи такрор-такрор ўргатилади. Бунда иккала оёқнинг кафти силжима турлади. Энди муштлар белдан олдинга ташланади, яъни муштлар илон боши вазифасини ўтайди, қўл ва оёқлар эса илоннинг силжима турган гавдасини эслатади.

Майдон узра Цай мактаби услубида ҳаракатланиш ҳам худди илоннинг эгри-бугри юришига ўхшайди. Коньки учаётган кишининг сирпанма ҳаракати натижасида оёқларни олдинга тортиш ва уни ёй бўйича (ёхуд тесқари) силжитиш, тиззини ичкари олиб бутни ёпиш тез ва ишончли ҳаракатланишга ёрдам беради.

Бошқа бир илон услуби дэю-до ёки қаратздаги «оёқни тортиш» ҳолатини эслатади. Бунда ўнг ёки чап оёқ албатта олдинда бўлиб қолаверади, иккинчиси эса ҳар лаҳзада зарбага тайёр турган илоннинг бўшашган думидек унинг кетида судралаётганга ўхшаб тураверади. Бу машқда барча навбатдаги амаллар рақибнинг атрофидан айланиб ўтишга (одатда соат милига қарши йўналишда) қаратилди. «Дум билан уриш»нинг яна бир усулини бажариш учун «белқурак» номи билан машҳур бир ҳаракат бажарилади. Бунинг учун ён томонга сурилаётган бир оёқ бошқа оёққа яқин келади ва силтанади (ёки тепади) ва айланиб келиб тўғри бурчак остида ерга қўнади.

Одатда питон рақибини бўғиб ўлдиради. Бу эса курашнинг якунидир. Цай мактаби услубида мазкур ҳолат қўйидагича акс этади.

Кучли зарб билан келаётган рақибга чап бериб ўтказиб юборилади. Сўнгра бир неча усуллар билан унинг атрофидан айланиб ўтиб ҳужумга ўтилади. Ҳужум чизигидан қочишнинг олти хил усули бор, улар ҳам ўз навбатида тўрт гуруҳдаги ҳаракат хилларига асосланади. Ҳар бир усул муайян шарт-шароитга кўра танланади, яъни рақибнинг вазни ва бўйи, жанг қилиш услуби, тезлиги, «хавфлилик» даражаси ҳисобга олинади.

Учиб келиб ташланиш ҳолатлари (9 хили бор) илон найрангларининг оддий намуналаридан ҳисобланади. Одатда, ортга тисланиб, ўтириб, сўнгра шиддат билан рақиб оёқлари остига ташланилади. Айни пайтнинг ўзида чап ва ўнг оёқларни бирин-кетин олдинга ташлаб, танани ўқ деб билиб, қўл ҳаракати ёрдамида айланилади, бунинг эндигина қўйиб юборилган пилдироққа ўхшатиш мумкин. Агар шу усул усталик билан амалга оширилса, рақиб ҳеч қаерга ўзини олиб қочолмайди. Чунки сезинган хавфли ҳаракатингиз давраси уч метрлик жойни эгаллайди. Жуда уста курашчиларгина шу оннинг ўзида тикка сакраш ёки ихтиёрий равишда йиқилиб бериш билан чекланадилар холос. Бундай ташланишларни ниҳоятда етказиш учун «илон думи»нинг ҳаракатини оёқ ёрдамида, чўккалаган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми бор)

РУҲЛАР АБАДИЙМИ?

Кейинги пайтларда илоҳиёт илмига ишониш, унга алоҳида эътибор билан қараш хийла жонланиб бораётир. Шарқ халқларида руҳнинг ўлмаслиги илоҳиятга ўраб талқин қилиб келинган, унинг бадандан-баданга кўчиб юриши хусусида қадимдан ривоятлар, илмий-фалсафий йўналишдаги асарлар яратилган. Бугун шуларнинг баъзилари ҳақида бир-бирдан қизиқарли маълумотлар берилмоқда.

«Фан ва турмуш» ойномасининг шў йилги 1,4 — 5-сонларида эълон қилинган Рустам Обиднинг «У дунёдан ҳабарлар» номли илмий-хаёлий эссеси барча муштарийлар қатори мени ҳам шу мавзуда ўқиган, билган мулоҳазаларимни ўқувчилар билан ўртоқлашишга майл кўргизди.

Мусулмон дунёсининг буюк қомусшунос олими Ибн Сино ўз даврида ислом динига қаттиқ ишонгани ҳолда, ундаги ҳақиқатдан узоқ ва муайян қолипга туширилган сафсаталарга қарши тургани илм аҳлларига аён. Тутуруқсиз уйдирмаларга бутунлай танқидий ёндошган Ибн Сино «Китоб аш-шифо» асарида руҳнинг ўлмаслиги хусусида ишонч билан айтган сўзлари одамни ўйга чўмдиради: «Руҳ вужудга муҳрланмаган, мавжудлиги ҳам у туфайли эмас, зотан, вужуд унинг қуроли, холос. Бинобарин, вужуднинг йўқолиши руҳга зарар етказмайди, илло, руҳ унинг асосини ташкил этувчи мангу моҳият туфайли яшайверади». Ибн Синонинг руҳлар ҳақидаги бундай қарашлари унинг художўйлигидан эмас. У диний илмдан ташқари ўзигача мавжуд бўлган араб, ҳинд, эрон ва юнон оламида яратилган табобат, фалсафа, мантиқ ва адабиётга доир нодир асарларни чуқур ўзлаштирибгина шундай фикрларга етиб келган.

Шаҳодат калимаси мусулмон динининг шиори бўлганидек, Тангрини Жаброил, Марьям ва Исодан иборат дейиш насроний динининг аломати бўлиб келган. Шанба куни тирикчиликни ҳам ташлаб қўйиб, байрам қилиш эса аҳдийликнинг асосий белгиси бўлган. Худди шунингдек, руҳга қаттиқ ишониш ҳам ҳиндлар динининг олий нишони ҳисобланган. Ҳиндларда қадимдан (бугун ҳам) руҳнинг абадийлигига, унинг ўлмаслигига ишонмайдиган кишилар кам топиллади. Мабодо, топилса ҳам у ҳиндларнинг динидан ташқаридаги кишилар бўлиб чиқади.

Ислом динидаги ҳадисларнинг кўпчилигида ҳам одамзоднинг ақл-фаросати, билими бевосита ана шу руҳлар бошқариб борилиши қайта-қайта ўқтирилади. Бу ҳадисларда кўрсатилишича, одамзодда мавжуд бўлган кучлар туфайли, унинг феъл-атвори ҳам турличадир. Олам олам бўлиб яралгандан буён одам ҳеч қачон ишдан бекор қолдирилган эмас. У ўзидаги бирон мақсадга асосланиб, доимо бирор юмуш билан банд бўлиб туради. Демак, абадий яшаб қолувчи руҳ одамзод феълнинг яхши-ёмонлигига қараб эскирган бадандан чиқиб, янгисига келиб туради. Исломнинг ақидалари бўйича, баданга руҳ(қон) киргандан сўнг, унинг савобли иш қилиши кўпроқ юзага чиқади. Бунинг сабаби руҳнинг ҳамиша ёмонликдан узоқлашишга ҳаракат қилиши билан боғлиқдир. Руҳнинг баданга келишида ёмондан яхшига ва яхшидан ёмонга ўтиш эҳтимоли бор бўлса ҳам, у ёмондан яхшига ўтиш учунгина келади, лекин унинг аксича бўлмайди.

Олам беҳад жумбоқларга лиммо-лим эканлигини кўз олдимишга келтирадиган бўлсак, ҳиндларнинг буюк афсонавий қаҳрамони Кришна худосининг сифати саналган Васудева тилидан келтирилган мана бу муқаддас сиргоҳга ҳам одамнинг сира ақли бовар қилмайди. Лашкарбоши Аржуна оғир, таҳликали жангга кириш олдидан саросимага тушади. Чунки, душман беҳад кўп, шафқатсиз ва енгини муқаррар эди. Шунда ўлим ваҳимасидан қўрқувга тушган Аржунани жасоратга чорлаш учун Васудева муқаддас ҳинд қомусларида ёзилган руҳлар ҳақидаги таълимотни айтиб, уни жангга чорлайди: «Агар тақдири азалга

ишонсанг, душманлар ҳам, бизлар ҳам ўлмаймиз ва ёруғ дунёга бутунлай қайтмайдиган бўлиб йўқолиб ҳам кетмаймиз. Чунки руҳлар ўлмайди. Шунчаки, руҳ (жон) одамнинг болалик, йигитлик, кексалик, сўнгра натижаси ўлиш бўладиган чолликдан иборат баданларида келиб-кейтиб юради. Кейин яна келган жойларига қайтади».

Васудева яна фикрини давом эттириб дейди: «Руҳ (жон) абадий бор, у янгидан вужудга келмайди, ҳалок ҳам, йўқ ҳам бўлмайди, балки барқарор туради; уни қилич кесмайди, олов куйдирмайди, сув фарқ қилмайди, шамол қуритмайди; лекин киши эскирган кийимини янгисига алмаштиргани каби руҳ (жон) эскирган бадандан бошқа баданга кўчади. Шундай экан, киши ўзининг ўлиши ва ўлдирилишидан нечун ваҳимага тушсин? Ҳалок бўлмайдиган руҳимиз учун нега ғамгин бўлиб юришимиз керак? Агар руҳ (жон) ҳалок бўладиган, йўқолиб кетадиган, қайта учратилмайдиган нарса бўлса эди, бандаси беҳад қайғули ва мотамсаро бўлишга арзирди. Агар руҳ (жон) сиз қолган баданга қараб, унинг бузилганига ачинсанг, шуни билиб олгинки, ҳар бир туғилувчи бадан ўрлажак ва ҳар бир ўлик қайтадан тирилажак. Бу иккаласи одамзоднинг хоҳишидан ташқари, бу иш Тангриникидир, ҳамма нарса Тангридан ва яна унга қайтиб боради.

Ҳинд эпослари қаҳрамонининг бу некбин даъватини тинглаган Аржуна унга эътироз қилиб яна шундай савол беради: «Бароҳим билан дадил уришишга чорлаётирсан — бу яхши. Аммо, у билан қандай тенглашиб бўлади? Ахир Бароҳим биздан бир неча асрлар илгари туғилган-ку! Сен ва биз кечагина туғилган худонинг бандаларимиз». Васудева бу саволга қуйилдагича жавоб қилади: «Вақтнинг қадимийлиги сенга ҳам, менга ҳам, Бароҳимга ҳам баробар умумийдир. Ҳаммамиз неча мартадан ўлиб тирилганмиз. Мен қайта тирилган вақтларимни биламан, лекин улар сенга яширин. Қачон мен яхшилик қилишга қасд этсам, ўзимга бирон баданни кийганман, чунки инсон тусини олмай туриб, инсонлар билан бирлашиб бўлмайди».

Ҳинд афсоналарида келтирилган яна бир ривоятга кўра, номдор бир подшо ўлими олдидан умматларига танасини ҳеч бир ўлик куйдирилмаган жойда куйдиришларини васият қилган экан. Халқ шундай жойни қидираверириб, тинка-мадори қурийдилар, охири денгиз сувидан туртиб чиққан бир тош устини топиб, энди қидирган жойимизни топдик деганларида ғойибдан уларга шундай садо келади: «Шу подшоларнинг мана шу тош устида бир неча маротаба куйдирилган, энди хоҳлаган ишингизни қила беринг, чунки подшоҳнинг мақсади сизларга шуни билдириб қўйиш эди, унинг тилаги амалга ошди». Демак, ўлган подшонинг руҳи авваллари шу тош устига куйдирилган подшоларнинг руҳидан кўчган экан.

Қадимги ҳинд адабиётининг ёзма обидаси «Веда» асарида ҳам ана шу мазмунга яқин сўзлар учрайди: «Киши ўлишни истаб, дунёни ташлаб кетишга уринса-ю, аммо дили унга бўйинсунмаса, савоб олувчилар қаторида қилган ниятига яраша савоб олади. Бироқ камчилиги бўлганлиги сабабли мақсадига эришолмайди. Лекин у киши дунёга қайтиб келади, фақат бошқа баданни кийиб келади. Кейин ўша тана зоҳидликка маҳсус жинс қилиб киргизилади. Муқаддас илҳом унга бошқа бир баданда муваффақият бериб, ниҳоят, у аста-секин аввалги баданда тилаган мақсадига эришади. Дили ҳам унга бўйсунмади ва кетмакет туғилиш натижасида кўп баданларда тозаланиб, охир ҳалос бўлишга эришади».

Асли мовароуннаҳрлик бўлиб, Бағдодда яшаб, ўша ерда вафот этган тасаввуф аҳлининг катта билимдони Абу-бакр аш-Шиблий (861—945) ҳикоя қилган руҳлар ҳақидаги мана бу сўзлар ҳам ғоят ҳайратланарлидир: «Руҳ танадан ажралса, илмли бўлади, танага кириши билан булганиб, илмсизлашиб боради. У ўзини дунё ишлари учун белгилаб



қўйилган деб гумон қилиб, дунё ишларига тутинади. Сезилувчи нарсалар унда нақш олади, бадандан ажраганда унда сезилувчиларнинг излари қолади, ундан тамом ажралиб кетмайди. Рух танага муштоқ бўлиб, унга яна қайтади. Рухнинг шу аҳволда бир-бирига зид ўзгаришларни қабул қилиши унга дастлабки кучни ҳамиша бирлаштириб қўяди.

Шиблейнинг бундай фикрларига яқин ғоялар ҳиндларнинг ўн саккизта китобдан ташкил топган «Маҳабҳарата» эпосида такрорланиши кишини янада ажаблантиради: «Буюк олим бўлган киши инсонларнинг энг фазилатлисидир. Чунки у Тангрини, Тангри эса уни дўст тутати. Ундай инсон қайта-қайта ўлиб тирилган руҳлардан пайдо бўлган бўлади. У бутун умрида камолатни талаб қилиб, ниҳоят унга етишган бўлади».

Усмонли туркларнинг қадимий ҳикоятларидан бирида эса одамлар касаллик, очлик ва вабодан бешиб, балою офатдан беҳад мусибат чекиб, ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлганларида, уларнинг ораларидаги баъзи донишманд одамлар бир-бирларига «балки бу кулфатлар аввалги баданда қилинган гуноҳларнинг жазоси учундир» деб гумон қиладилар.

Қадимги ҳинд файласуфлари саналмиш «вардасан»ларнинг фикрича, руҳнинг бадандан кўтарилиши ва тозаланиши одамнинг ифлос ва гуноҳ йўлларга юз тутиши оқибатидир. Қабиҳлик ва ёвузлик руҳга душман эканини, жоннинг кўтарилишига тўсқинлик қилишини одамлар кўпинча билмайдилар. Ҳолбуки, одамзод бадани руҳ (жон) учун қамоқ ва у аламли азобдир. Одамзоднинг шу шакли ҳақ бўлса эди, Тангри уни эскириб ўлдирилишига йўл қўймас ва уни бачадонлардаги эрлик уруғ орқали қайта насланишига муҳтож қилмас эди».



Онаси Кришнанинг оғзига қараганда бутун коинотни, ҳатто ўзини ҳам кўрган экан.

Милоддан аввалги II асрда яшаган қадимги ҳинд файласуфи Патанжали «Жуга-сутра» китобида одамнинг руҳи ҳақида савол сўраган кишиларга жуда қизиқарли жавоблар қилган. Жумладан, «Рух савоб ва гуноҳ орасида бир баданга келиб, кейин туғилган болалар жинсига қараб, неъматга ёки ўч олинисига дуч келиб қолса, унинг холи қандай кечади?» деб сўралган саволга Патанжали шундай жавоб қилади: «Рух илгари қилган ишига ва касбига яраша роҳат ва қийинчилик орасида келиб кетади, алам ва лаззат ўртасида бундан-унга ўтиб юради» дейди.

Бу гаплар Сукротнинг руҳ (жон) баданда бўлиб турганида бизнинг илм ўрганишимиз ўтган замонларда бошқа баданда ўрганишимизни қайтадан эслашдан бошқа нарса эмас, деган таълимотини эслатади. Сукротнинг фикри ҳам ҳар бир инсоннинг жони шу инсонлик сувратига айланишидан илгари бирон жойда мавжуд бўлади, деган ақидани тасдиқлайди. Чиндан ҳам агар одам болалик чоғларида ишлатиб одатланган нарсаларини бировда кўриб қолгудек бўлса, ўша нарса кўзига иссиқ кўриниб, ёшликдаги ишларини эслаб кетади. Демак, унутиш билимнинг кетишидан, илм эса жоннинг баданга киришидан илгари ўрганганини эслашдан иборатдир.


«Бошқа бир юнон донишманди Проклус эслаш ва унутиш сўзлагувчи руҳ (жон)га хос ишлардир деган эди,— деб ёзади М. Рой «Ҳинд фалсафаси тарихи» асарида.— Сўзлагувчи руҳнинг ҳамиша мавжудлиги аниқ. Шундай бўлгач, унинг ҳамиша ҳам унутувчи бўлиши муқаррар. У бадандан ажраганида илмли бўлиб, баданга кирганида илми ўтмаслашади. Чунки сўзлагувчи руҳ (жон) бадандан ажрашида ақл макони бўлиб қолаверади. Жон баданга кирганида (бадан) унинг устидан куч билан бир қадар босиб ғалаба қилиб туради, уни ақлга маконлик мартабасидан пастга туширади».

Проклуснинг бу айтганлари Абубакр Шиблей, Боязид Бистомий, Абдулло Ансорий, Шайх Нажмиддин Кубро, Сайид Имомиддин Насимий, Жалолиддин Румий ва бошқа ислом сўфийларининг «дунё-ухлоқ жон; охират-уйғоқ жон» деб доимо тушунтириб келадиган таълимотларига ҳам мос келади. Бундай сўфиёна тариқат Мансур Халлож ва Насимийда худонинг бутун оламда-ҳайвон, ўсимлик, ҳатто жонсиз мавжудотларда бўлишини ақлга сиғадиган нарсалар деб қараши ҳам тирик руҳларнинг кўчиб юришига ишорадир. Худонинг барча нарсаларда тажаллий қилиб туришини улар «зуҳури кулли» деб атаганлар. Бу ақлга сиғадиган нарсалар бўлганлиги учун руҳларнинг келиб-кейтиб баданларга қайта жойланишлари таносух таълимотида ўлимга нисбатан хавф-хатар туғдирмас экан. Кўриниб турибдики, руҳнинг ўлмаслиги, бир бадандан иккинчи баданга кўчиб юриши ҳақидаги диний-илмий ақидалар ҳинд, юнон, араб, эрон ва туркий халқларда ҳам ўзаро туташ мазмунга эга экан.

Сукротнинг мавжуд барча илмлар биз учун янги кашфиёт эмас деган гаплари ҳозиргига ўхшаш тараққиёт қачонлардир ер юзида бир неча марта такрорланмаганмикан, деган фаразни илгари суради. Мусулмон халқлари бошига бирор мушкул иш тушганда азиз-авлиёлар, ота-боболаримиз руҳи мадад берсин деб тилак тилашларида ҳам қандайдир тирик руҳларга ишора қилувчи мазмун борлиги сезилиб туради. Қадимги даврлардан бошлаб, Шарқ маданияти тарихида ёзиб қолдирилган обидалардаги руҳ ўлмаслиги, кўчиб юриши ҳақида айтилган маълумотлар умумлаштирилиб ўрганиладиган сирли оламнинг бу сирларига одамзод бемалол ишониши мумкин.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди.

УЗОҚ ДЕКУЗИ СОХИЛЛАРИДА



«ШАРҚНИ ЭГАЛЛАДИК»

Тошкентдан тонгда кўтарилган «ИЛ-62» тайёраси Владивостокка оқшомда етиб келди. Кечаси алламаҳалда «Амур кўрфазини» меҳмонхонасига жойлашди. Сирасини айтганда, атрофини томоша қилишга ҳам мажолимиз қолмаганди шу тобда...

Бироқ эрта тонгда деразадан боқдиг-у лол қолдик. Беқийс гўзал манзара эди бу. Рўпарамизда, нақ меҳмонхона пойида Амур кўрфазини ястаниб ётарди. Нариги соҳил кўринмайди, ўнг томон ҳам сув, чап томон ҳам. Балиқчи қушлар чағиллаб, сувга тўш уришади. Салобат билан сузиб юрган кемаларини оппоқ тезиюрар катерлар қувиб ўтади. Елканли қайиқлар ким ўзарга ўйнаётгандек гўё. Қубшининг заррин нурлари мавжланаётган тўлқинларда беҳисоб кумуш тангалардек ярқираб кўзини олади...

Мамлакатимизнинг жануби-шарқий денгиз дарвозаси — Владивосток билан танишдик. Унинг қиёфаси қандайлигини «Амур кўрфазини» меҳмонхонасининг ўзидан бошлаш қолай.

Ичига томидан кириладиган бинони тасаввур қилинг. Яъни, унинг 8-қавати 1-қават ҳисобланади. 5-қаватда ҳужжатлар расмийлаштирилади, ресторан, ёдгорликлар дўкони ва ҳоказолар ҳам шу ерда. Қуйи қаватдан эса тўри... кўрфаз соҳилига чиқасиз.

Рим етти қир устига жойлашган, деган гап бор. Владивосток миллионга қирнинг устига жойлашгандир-ов. Аникроғи бу ерда кафтдеккина текис ернинг ўзи йўқдек кўринади, ҳатто ўзимизнинг Уратепа ҳам бу қадар кескин баланд-пастида жойлашмаган. Ҳар қандай йўл қия ёҳуд тоғ йўлидек айланма. Бу ерда ўта тажрибали ҳайдовчи бўлиш ҳам кифоя эмас, деб ҳазиллашишди. Владивосток кўчаларида — айниқса қишки яхмалакда — машина ҳайдаш учун фақат каскадёр бўлиш керак. Уйлар қирлар устига жойлашганлигидан деярли ҳар бир уйдан денгиз яққол кўриниб туради. Қолаверса, Владивосток Муравьев-Амур яриморалининг соҳили бўйлаб 100 километрдан узоққа чўзилган.

Шаҳар Сочидан ҳам жанубда, Олмаота, Нью-Йорк кенгламасида. Владивостокда — нонушта, Москвада эса тушлик қилиш мумкин, зотан, орадаги фарқ 7 соат. Шу бонс ҳам Владивостокликлар марказий газеталарини москваликлардан аввалроқ ўқишади.

Эртаси кун асосий қўналғамиз — денгизчиларнинг сафарлараро дам олиш уйи бўлган «Экватор» меҳмонхонасига кўчиб ўтиб, саёҳат охиригача шу ерда турдик. Бу ерда ҳам деразаларимиз денгизга қараган эди, қиқсаси, бутун сафаримиз мобайнида денгиз ҳавоси билан яшадик.

Шаҳар ўзининг 130 йиллик юбилейини нишонлаётган кунлар экан. 1860 йили бу ерларга етиб келган рус кемалари Петербургга «Мы уже владеем Востоком!» — «Шарқни эгалладик!» деб хабар беришган. Худди ўша кезлари Россия Урта Осиёни ҳам босиб олишга киришган эди. Узоқ Шарқ китоб нашриётида 1988 йили чоп этилган «Здравствуй, Владивосток!» номли китобда «Узоқ Шарқнинг забт этилиши рус халқининг улкан ғалабасидир» деган жумлага кўзим тушди. Яқин-яқинларда бизнинг олимлар ҳам «Урта Осиёнинг Россияга қўшилиши улкан тарихий воқеа бўлди» деб юришган эди.

«Фан ва турмуш» муҳарририяти, Ўзбекистон ойнаижаҳони кинокурсувлар бош муҳарририяти ва Тошкент шаҳар ҳамда Приморье ўлкасининг Владивосток шаҳар саёҳатчилар бюроси ўзаро ҳамкорликда муштарийлар ва томошабинлар учун Узоқ Шарқ дёбири тўғрисида ҳикоя қилиб беришга келишиб олишган эди. Шу мақсадда «Фан ва турмуш»дан ушбу сатрлар муаллифи, «Оламга саёҳат» кўрсатуви ижодкорларидан бўлим муҳаррири Равшан Акбаров, режиссёр Иосиф Фаттохов, тасвирчи Виталий Худяков 22 июлда сафарга отландик. Саёҳатимизда бизга Фўқаро авиацияси Ўзбекистон бўлимининг учувчиси Рафаэль Шаропов ҳамроҳ бўлди.

«РОБИН»НИНГ ШЎХЛИГИ

Владивостокнинг иқлими ҳам Тинч океан билан Сибирь қуруқлиги ўртасидаги абадий кураш оқибатидир. Езининг 40 даражаси иссиқлиги Тошкентда чидаш мумкин, лекин ҳавоси намлигидан Владивостокда 30 даражага тоқат қилиб бўлмайди.

Хайрияти, тез-тез ёлғир ёғиб тураркан. Келган кунларимиз ҳаво очик эди, Урта Осиёнинг кўёшини олиб келдингиз деб қулишганди. Йўқ, кейинча Астрободнинг ҳавоси бошланди. Айтишлари-ча, бу ерда июнь-июль ойлари серёғин бўларкан.

— Э, ҳолва буниси! — дейишди бизга. — Ҳали тайфун деган балони кўрмабсизлар.

Езда тайфун кўп талафот келтираркан. Биз бир ҳафтага кечкибмиз. 12—14 июль кунлари «Робин» номли тайфун Владивостокка 200 миллион куб метрга яқин сув билан ҳужум қилибди. Рўзнамалар орқали талафот оқибатлари билан танишдик. Шаҳарга жиддий зарар етган, аҳоли, бинолар, коммунификация ва саноат корхоналари қаттиқ шикастланган. Юзлаб кишилар бошпанасиз қолган, мол-мулк, боғлар далалари вайрон бўлган. Ёлғир оқимлари ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндиларини, талайгина нефть маҳсулотларини денгизга оқизиб кетибди. Денгизнинг соҳилбўйи қисмидаги сув сатҳи рағддор парда билан қопланганлиги шундан. Дастлабки кунлари бундан беҳабар денгизда маза қилиб чўмилгандик.

— Қайнатилмаган суви нча кўрманлар! — деб огоҳлантиришди бизни биринчи кунидек. Мен аллақачонок мириқиб ичиб олгандим. Бир-икки кун хавфсираб юрдим, лекин ўлкама-ўлка кезиб юрадиган сайёҳнинг вужуди хилма-хил сувга мослашиб қоларканми, ёинки бизга довуру сув тозагинаб ўлтурганми, ҳайтовур, асорати сезилмади. Бироқ, эҳтиёт эъти, денгиз ичкарисидеги кимсасиз оролларда яшай бошлагунча, шаҳар атрофида чўмилмай турдик.

«Робин» билан учрашувга кечикканимдан ачиндим. Табиий кўчларини — яшин, момақалдирак, бўрон, зилзила каби ҳодисаларини жуда-жуда ёқтираман. Назаримда, бундай кезлари табият инсонга унинг ўрнини кўрсатиб қўяди, лекин шундай табиятда яшаётгани учун инсон руҳи янада кучаяди.

ОЛТИН ШОХ БУХТАСИ

«Оламга саёҳат» кўрсатувини суратга олиш ишларини тайёралик Тошкентдан кўтарилгандаёқ — 10 километрдан зиёд баландликда, булутлар устида бошлаб юборгандик. Рафаэль аканинг ёрдами билан бутун биринчи қаторни эгалладик. Бу ва қўшни мўъжазгина хона ҳам ихтиёримизга берилгани бир дунё асбоб-анжомларимизни жойлаштиришга қулай бўлди. Сафаримизни суратга олишни учувчилар хонасидан бошладик — улардан бораётган манзилимиз Узоқ Шарқ дёбири ҳақида сўраб-суриштирдик.

Умуман, бизни ҳамроҳларимизнинг фикри ҳам қизиқтирарди. Тошкентдан сайёҳлар гуруҳи билан бирга йўлга чиққандик. Саёҳатимизнинг иккинчи кунидек ҳаммамизни денгиз сайрига таклиф этишди.

Амур ва Уссури кўрфазларини ажратиб турувчи Муравьев-Амур яриморалининг жанубида қуруқликка ярим ой шаклида анча ичкари кириб борган Олтин шох бухтаси Владивосток денгиз вокзали учун ниҳоятда қулай жой экан. Айтмоқчи, Транссибир темир йўли ҳам худди шу ерда тугайди — темир йўл ва денгиз вокзаллари ёнма-ён жойлашган.

Олтин шох авваллари японча «Ханшинвэй» — «Олтин трепанг» деб аталган экан. [Трепанг — умуртқасиз денгиз ҳайвони, денгиз бодринглариининг бир тури]. Ривоятларга кўра, бу олтин трепанг айнан шу Олтин шох бухтасида яшар ва уни кўрганларга бахт келтирар эмиш. Олтин шох бухтаси Муравьев-Амур ярим оролини Русь оролидан ажратиб турувчи Шарқий Босфор бўғозига олиб чиқади.

Тошкентлик сайёҳларнинг бари «Пассат» номли сайр катерига

таклиф этилди. Кемамиз Олтин шох бухтасини оҳиста айланиб чиққач, Шарқий Босфор бўғози орқали Амур кўрфазига йўл олди. Олтин шох ҳақиқатан гўзал экан. У соҳилидан бу соҳили кўриниб туришига қарамай анча кенг. Гир айлана қирғоқда кемалар қатор-қатор. Улар орасида мўъжазгина спорт катерларидан тортиб, турли юмушга мўлжалланган катта-кичик теплоходлар ва ҳатто йўловчи ташувчи баҳайбат океан лайнерларигача бор. Хорижий мамлакатларнинг кемалари ҳам талайгина.

Улкан ва салобатли, қордек оппоқ «Обь» кемаси ҳаммамизнинг диққатимизни тортди. Экскурсоводнинг изоҳига кўра, бу ҳарбий госпиталь бўлиб, 1200 беморга мўлжалланган, уларга хизмат кўрсатувчилар эса 300 киши экан.

Бу ерда музёраб кемаларни ҳам учратдик. Айтишларича, декабрь — январь ойларида Олтин шох бухтаси ва Амур, Уссури кўрфазлари музларкан. Сафаримизнинг сўнгги кунни Амур кўрфазида ҳарбий кемаларнинг Ҳарбий-Денгиз флоти кўнига бағишланган намойиши бўлиб ўтди.

«Пассат» йўлга тушиши биланоқ палубага чиқиб олдик. Денгиз манзараларини суратга олишга киришдик.

Шарқий Босфор бўғозидан чиқиб Амур кўрфази бўйлаб очик денгизга йўл олганимизда мовий худуднинг беҳудудлиги ўзига ром қилди қўйди. «Пассат» сайр катери бўлганидан оҳиста сузарди. Ортимиздан етиб келган тезюрар «Комета» катери қушдек гувиллаб ўтиб, бир зумда кўздан гойиб бўлганида унга маҳлиё бўлиб қолдик.

Сайёҳларга денгиз ҳайвоноти ҳақида ҳам қизиқарли маълумот беришди. Шимол ва жанубга хос антиқа ҳайвонлар, моллюска ва сув ўтлар учраши Япон денгизининг ўзига хос жиҳатларидан экан. Масалан, Хитой ва Ҳиндистонда яшайдиган холдор сельдь, макони Жанубий Америкада бўлган анчоус балиқлари шу жумладан. Владивостокнинг бутун ҳаёти денгиз билан боғлиқ. Шаҳар гербида уссури йўлбарси билан кесишган лангарларни кўрасиз. Кўчалар номи ҳам шунга яраша: Денгиз, Матрос, Флот, Кемалар соҳили, Океан шоҳкўчаси ва ҳоказо.

Менда айниқса дельфинарий кучли таассурот қолдирди. У тўрт қисмдан иборат экан. Биттасида — денгиз мушуклари, бошқаларида — дельфинлар. Ҳар бир «уй»да иккитадан тўрттагача. Томошабинлар азбаройи кўпчилигидан дельфинарийнинг палубаси тебранади, яна шунча одам кейинги томошага кириш умидида ташқарида қолди. Дельфинлар ўргатувчининг ҳар бир имо-ишорасини аниқ бажариб, сув остидан бараварига осмонга отилишар, арқондан тишлаб кўнгироқ чалишар, думида тўп ўйнашар, тўпларни бараварига олиб бориб саватга ташлашар, тик турганча айланиб рақс тушар, сувдан отилиб чиқиб ўргатувчини «ўпишарди». Томошабинларга айниқса томоша бошида дельфинларнинг бош силкиб саломлашгани, кейин эса хайрлашув ўрнида думи билан сувни уриб ҳаммани чўмилтиргани жуда ёқиб тушди.

Айниқса белуҳа деб аталувчи бўйи 6 метрча, вазни 1,5 тоннагача келадиган улкан дельфинлар ўргатувчининг ҳар бир имо-ишорасини аниқ тушуниб, бараварига аниқ бажариши ажабланарли эди. Қизиқ, улар ўзаро ҳаракатларини қандай уйғунлаштира оларкин! Эна тешинг орқали ҳаво чиқаргандаги ҳуштак чалиши — сўзлашганими ё улар бир-бирининг фикрини ўқий оладими!

Бу ақлли жониворлар инсонга нақадар ўрганиб қолганига мисол айтиб беришди. Апрель ойида денгизда бўрон бўлиб дельфинарийнинг панжарасини юлиб кетган экан. Бироқ озодликка чиққан жониворлар очик денгизга кетишни истамай яқин атрофда сузиб юраверишибди. Яъни инсон билан бирга бўлишни эркинликдан афзал кўришибди!



КИМСАСИЗ ОРОЛЛАРДА

Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи «Ост» («Шарқ») клуби бизни бир неча кун очик денгиздаги кимсасиз оролларда яшашига таклиф этди. Натжида, тошкентлик ҳамроҳлардан ажралишга тўғри келди. Биз «Вита» номли йирик катерда Кликово оролига йўл олдик.

Бу кимсасиз орол Владивостокдан анча жанубда, очик денгизда жойлашган экан. Лекин шу йил яримой шаклидаги мўъжазгина қумлоқ соҳилда клубнинг муваққат лагери ўрнатилибди. Унтача чодир уенглигина ошхона. Чор-атроф мовий денгиз, оролдаги қизғиш қоялари ям-яшил ўрмон, қумлоқ соҳил бўйлаб кетган оппоқ, қип-қизил, зангори чодирлар — бағоят гўзал манзара эди бу.


Уч кун шу жаннатда яшадик. Қаймоқдай ҳаводан симириб тўймайсиз, тип-тиник сувдан чиққингиз келмайди. Мовий осмонда оппоқ-оппоқ булутлар. Одатда, телевидение ходимлари кўпни кўрган тоифа бўлади, унча-бунча нарсага ажабланаверишмайди. Бироқ Япон денгиздаги бу жаннатмакон орол уларни ҳам лол қолдирди.

Мен денгизни болалиқдан орзу қилардим, лекин қаламқаш сифатида мамлакатни қанчалик кезмай ҳатто Орол денгизини кўриш ҳам насиб этмаганди. Омадни қарангки, тақдир бир йўла Тинч океанининг ўзига рўпара қилди.

Амур кўрфазиди ўзимни илк бор денгизга отганимдаёқ бундан гўзалроқ жой бўлмаса керак деб ўйлагандим. Шундай таассурот оғушида «Робин» тайфунни соҳилбўйидаги сувни хиралаштириб кетганига ҳам парво қилмабман. Фақат денгиз сувининг пешона теридек шўр таъми ва медузалар ёдимда қолганди. Илк бор калла ташлашдан аввал сув сатҳида қандайдир оқиш доғлар борлигини кўрувдим, лекин нефть пардасидан қолган доғлардир деган ўйда парво қилмадим. Лекин сув остиди бир неча марта аллақандай жонли мавжудотларга тегиниб кетдим. У нималигини тушунтиришгандан кейин аввалига сал жирканиш билан, кейин бемалол ушлаб кўрдим медузани. Тасаввур қилингки, бир ликопча ликилдоқни кафтингизда тутиб турибсиз, фақат у жонли. Устига-устак, ниҳоятда шилимшиқ. На оғзи, на кўзи кўринади, ҳар икки томони бир хилдек.

Денгиз суви нақадар тиник бўлишини эса Кликово ороли соҳилидагина кўрдим. Сув остиди тошлар, сувўтлар, балиқ ва денгиз типратканлари шунчалик аниқ ва яқин кўринадики, бир шўнгишда қўл етади деб ўйлайсиз бенхтиёр. Мени яна бир нарса мафтун қилдики, сув ости оламида нимранг йўқ экан. Ҳар қандай ранг ярқироқ — қизилми, бир йўла қип-қизил, қорамми — қоп-қора, яшилми — ям-яшил ва ҳоказо.

Ниқоб ойнасидан сузиб юрган нуқрадай балиқлар, шамолда эгилган майсадек у ёқдан-бу ёққа чайқалаётган ям-яшил сувўтлар.



Сайёҳатдан хотира — Япон денгизи чиганоқлари.

МУХТОРИЯТ

ўз иши билан қаёққадир йўл олган қора-қизғиш денгиз типратикани шунчалик яқин кўринадики, ушлаш учун беихтиёр қўл чўзганингизни сезмай қоласиз. Бу гўзалликдан кўз узолмай денгиз типратиканини босиб олганимни игналар оёқ қафтимга санчилганидан сезиб қолдим.

— Игнасини битта қолдирмай дарров сўгуриб ташла!— дейишди соҳилдагилар ва дарров йод топиб келиб суртишди.

Оролда яшай бошлаганимизнинг иккинчи кўни бир-иккита бошқа оролдаги қўшлар бозорини суратга олиш белгиланган эди. Бизни олиб юриш учун эса «Ост» клуби тезюрар катерини биринчи кўн кенқурун юборадиган эди. Бироқ соат 11 бўлди ҳамки катердан дарак йўқ. У адашганини сезиб ташвишлана бошладик. Ниҳоят, яна бир соатлардан кейин узоқдан чироғи кўриниб қолди. Дарҳол фонарда сигнал бера бошладик.

Кейин маълум бўлишича, катер ҳайдовчиси билан эгаси — икки Виктор катерни яқинда 14 минг сўлга сотиб олиб, «Ост» клубига эндигина ишга ўтишган, очик денгиздаги беҳисоб кимсасиз оролларнинг барини ҳали яхши билишмас экан. Лекин уларнинг маҳоратини эртаси кўн бўронда қолганимизда кўрдик.

27 июль тонгда уйғонсак, денгизнинг авзойи бузуқ. Осмонни бўлут қоплаган, шамол тўлқинларини ўйнатиб юрибди. Бир мўддат иккиландик. Шу бўронда мўъжазгина катерда ороллардан ҳоли очик денгизга чиқиб бўлармикан! Тўлқинлар бир ҳамлада ағдариб ташламайдими! Лекин чиқмасам ҳам бўлмайди — эртага бундан баттар бўлиши мўмкин, денгиз ҳавосига ишонч йўқ дейишди. Қолаверса, Владивостокка қайтишимиз ҳам керак. Уйлаб-уйлаб, асбобларимизнинг анча қисмини ва режиссёримизни лагерда қолдириб йўлга чиқдик.

Ороллар панасида ҳеч гап эмас экан. Очик денгизга чиқишимиз билан тўлқинлар жаҳоки катерни писта пўчоғидек ўйната бошлади. Ҳар бир тўлқин устига чиққандан кейин катер худди ерга тушаётгандек гурсиллаб тушади. Бунинг устига тўлқинлар кучлилигидан катеримизнинг тумшуги кўтарилиб, деярли тикка кетаяпмиз. Ҳозир орқага ағдариламиз деган хавотир бор ҳар биримизда.

Худди шу лаҳзада двигатель ўчиб қолса бўладими. Катер юриб турганда билинмаган эди, тўхтаган заҳоти узлуксиз тебранишдан бизда денгиз касаллиги пайдо бўлди, мажолсизланиб, чўзилиб қолдик. Кўнгил айнаши шу даражадаки, на қайт қила оламиз, на у қўйиб юборади. Қани энди шу тобда Япон денгизининг ўртасида ўзбекнинг бир дона қурти бўлса — шимсанг-у кўзинг мошдек очилса.

Худонинг раҳми келдими, двигатель бирдан ишлаб кетди, унга нима бўлганини эгалари ҳам тушунолмади. Верховск оролига ўлар ҳолатда етиб бордик. Денгиз шовуллашдан, қўшлар бозорининг чағир-чўғурдан қулоқлар қар бўлаёзди. Бу ёқда тебраниш қийнайди. Тезроқ ерга туша қолайлик десак, қирғоқлари тик қоятошлардан иборат бўлгани учун Верховск оролига тушишимиз ҳеч иложи йўқ экан.

Катердан туриб сал суратга олдинг-у тезроқ кетайлик десак, бир маҳал лангар кўтарилмади денг. Викторларнинг бири арқонни кесиб, лангарни ташлаб кетайлик деса, иккинчиси унамайди. Сув остига тушишмоқчи ҳам бўлишди-ку, чўқурликни ўйлаб қолишди. Охири нима қилишди денг! Тошлар орасигами, бошқа бирон нимагами илиниб қолган лангарни қўзғатиш учун катерни унинг атрофида гир айлантира бошлашди. Бизнинг эса бўладиганимиз бўлди.

Худонинг яна раҳми келди — лангар ўз-ўзидан чиқиб кетди. Энди Карамзин оролига қараб йўл олдик. У Верховскдан ҳам жанубда экан, умуман, харитадан кўрсам Карамзин ороли Япон денгизига биз борган энг олиқ нуқта экан — қайтишда Клиководаги лагеримизнинг узига тезюрар катерда бир соатда етиб келдик. Карамзин оролининг тошлоқ соҳилига тушдик, қўшлар бозорини бемалол суратга олдик.

Қайтишда бўрон кучайдими, катер тумшуги ниҳоятда кўтарилиб кетди. Ноилж икки кишини ўша ерга ўтқазиб қўйдик. Бўрон шовқинидан бир-биримизга овозимиз эшитилмайди. Шу алфозда ўтган бир соат бир умр ёдимда қолади-ёв. Фақат ороллар панасига кирганимиздан кейингина тўлқин сал тинчланди-ю, қароргоҳимизга эсон-омон етиб бордик.

Бўрон эртасига ҳам тинмади, «Вита» эрталаб келмоқчи эди, у ҳам тутилди. Пешидан кейингина йўлга чиқолдик. Бироқ Русь оролидаги лагерга ҳам қўниб ўтишга тўғри келди-ю Владивостокка оқшом кириб келдик. Иккита ҳамроҳимизни эртага бўладиган ҳарбий кемалар намойишини суратга олишга қолдирдинг-у тайёрагоҳга ошиқдик...

Мана, орадан неча ой ўтди-ю Япон денгизи соҳилларида бўлган кўнларимиз ҳануз кўз ўнгимда. Сафардошларим ҳам шундай саёҳат яна бир бор насиб этса кошкйиди деган орзуда.

Рустам ОБИД,
Владивосток — Япон денгизи —
Кликово ороли — Тошкент.

1917 йил Февраль рус буржуа-демократик инқилоби шабадалари таъсирида бошланган Туркистон мустақиллиги масаласи бу даврдаги кўпгина маҳаллий ва марказдаги Россия муслмонлари матбуотининг диққат-эътиборида турди. (Ойномамизнинг ўтган йилги ноябрь ойи сониде М. Беҳбудий, Н. Явушев, О. Тиркишев, М. Шермухамедовларнинг бу ҳақдаги мулоҳазалари ёритилган.— Ред.) 1917 йилнинг 28 ноябрида Кўконда Туркистон мухторияти эълон қилингандан сўнг матбуотда чоп этилган, айримлари эътиборингизга ҳавола этилаётган хабар, шеър, мақолалар бугунги кунда кўпгина воқеаларни ойдинлаштиришга, зиёлиларимизнинг (Фитрат, Ҳамза) муносабатини аниқлаштиришга ва тарихий ҳақиқатни тиклашга хизмат қилади.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ ТАРАФИДАН

Кўп миллионли Туркистон халқининг тилагина мувофиқ демократия революциясининг улғ асослари бўлгон халқларнинг ҳурриятини ҳам миллатларнинг ўз эъмишларини ўзлари тайинловларини вужудга келтуруви йўлинда Туркистондаги умум-муслмонларнинг фавқулодда Краевой съезди Туркистонни Русиянинг Федерацияси жумҳуриятининг бирлик мухториятига бир қисми деб эълон этди.

Туркистондаги ҳама уюшма қаватларнинг ҳозирги кўннинг биқ муҳим ва масъулиятли масалалари олдинда тургонлигини англагани ҳолда Туркистонда турли миллатларнинг маданий суратда тараққийларини ва алар орасидаги дўстликни таъмин этар учун Туркистоннинг ҳар еринда ҳаққониятли суратда тартиб ва интизом ўрнашдирурга интилиб, Краевой съезд муваққат Туркистон халқи Шўроси (Миллат мажлиси) сайлади. Бу Шўро ҳаёбатиндан Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумати вужудга келтурулиб, аларга ушбу хизматлар топширилди: мўмкин қадар тез орада Туркистон Учредительный собраниясини чақирув, Туркистон халқини овқат жиҳатиндан таъмин этув чораларига киришув, бунинг учун муваққат ўлароқ Шарқий-Жанубий союз бирла муносабат ясов, Туркистон мухториятининг молия ишларини таъсис қилурга киришув, халқ милицияси вужудга келтируви ҳамда Туркистонда ерлашган миллатларнинг ҳуқуқларини сақлов учун тевишли тадбирлар қилув [аскар ташкил қилув].

Умум-муслмонларнинг фавқулодда Краевой съезди Русиянинг буюқ революцияси тарафиндан эълон этилган бирлик, ҳуррият, тегизлик ҳам тўғонлик асосларини тасдиқ этув, Туркистоннинг ҳамма граждандарини, муслмонларини, рус яқудийларини, рабочий, солдат ҳам крестьянлар ва крайда ўрнашқон ҳамма уруғ, халқларни, шаҳар ва земство идораларини, сиёсий, ижтимоий ва синфий [профессиональный] муассаса ҳам союзларини, ҳамма давлат маҳкамаларини, умумий ва хусусий муассасаларини Туркистон халқи идораси теграсинда жийналиб, аларга устина юкланган овор [оғир] ишларда ёрдам қилурга даъват этади...

Ҳозир ҳар бир занжирлардан қўтилган Туркистонга ўзининг ерина ўзи хўжа бўлиб, ўз тарихини ўзи вужудга келтирув соатини сўқди. Биз олдимизда тургон масалаларнинг муҳимлигини ва улғулигини комил суратда англаб, ҳам ишлаган ишларимизнинг ҳаққлигини ишониб, худодан мадат тилаб ишга бошлаймиз.

Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумат аъзолари: Танишбоев, Чўқоев, Хўжаев, Бурали Огаев, Маҳмудов, Уразаев, Шоаҳмедов, Фиртасфилд.

(«Улғ Туркистон», 1917, 8 декабрь.)

МУХТОРИЯТ

Туркистон мухторияти... Тимур ҳоқонининг чин болаларининда, туркистонли тубчак турклар орасида, мундан уғурли,

ОВОЗИ РЎЗНОМАЛАРДА

мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмайман.

Туркистон туркнинг қонини қайнатувчи, имонини юксалтгучи бир қувват бор эса ёлғуз шу сўзда бордур: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди; тилимиз кесилди, оғзимиз қопонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз гасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди, тузимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйунсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Елғиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, имонларимизга авраб сақладик: Туркистон мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртғувчи жандармнинг тепгуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузулди, кўзимиз ёғдусиз қолди, бирор нарсани кўралмадик. Шул чоғда, тушгун руҳимизни кўтармак учун шул қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура эди. Бирор нарсага ўлмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аниқ била эдикким, золим Николай ҳукумати қанча яшарса яшасун, адолат ошиқи бўлган... рус демократияси, ҳақга таянган бир инқилоб чиқариб, ҳар миллатнинг ўз ҳақларини қайтарур.

Инқилоб бўлди. Русиянинг «кўшма халқ жумҳурияти» усули билан идора этилури жарланди (эълон қилинди). Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Кўнуқ (навбат) Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихи хонбалиқлариндан (пойтахтларидан) иккинчиси бўлган Хўқанд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 ноябрнинг (миллий лайлатулкадримиз бўлган) ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон қилди.

Лекин шуниси борким бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир съездинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдур. Съезд ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллатнинг вазифасидур. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдур. Бунларни миллат ҳозир қилсун.

ФИТРАТ («Хуррият», 1917, 5 декабрь.)

МИЛЛИЙ ҚЎШИН ҲАҚИДА

Ушбу январнинг тўққизида Хўқандда Туркистон мухторияти ҳукуматининг аскарини манёвр ясалган. Бир минг қадар мусулмон аскар тузулган экан, ҳаммаси мулла Абдураззоқбойнинг боғига йиғилганлар. Ҳукумат аъзоларидан ҳарбия ноziри Абдуллахўжаев ила молия ноziри Ислому Шохамедов бориб аскарни табрик қилгонлар. Оташли нутқлар сўзлагонлар.

Бу манёврдан сўнг, нақ бир мингга яқин аскар йиғилиб, ҳозир муваққат ҳукумат қарамоғида икки минг қадар мунтазам миллий армия бор экан.

(«Улуғ Туркистон», 1918, 21 январь.)

«МУСТАФО ЧЎҚАЕВ ХАТИ»ДАН

31 январь кундуз соат 12 да Хўқанд большевикларининг бизга берган ультиматумин текшириб ўтирганимизда бир тўхтовсиз милтиқ отабошладилар. Бу милтиқ отувчилар большевиклар бўлиб чиқди. Большевикларнинг ультиматуминда бизга 2 соат муддат тайин этилган ва ул муддат 2 соат 20 минутда тўлар эди. Не учундир алар ўз шартномасини хилоф ҳаракатга киришиб, муомила йўлини кесдилар. Шўройи исломия юртинда ҳукумат кишилариндан бошқа халқда жийилган эди. Большевик солдатлари яқинлашиб келарлар, деган хабарин эшитуб бошқа халқ

тарлаган кибики, ҳукумат кишиларида иккинчи бош кўшурга йўл қолмагач, таралишдилар. Чўнки халқ муваққат ҳукуматнинг «алида бўлса келушурмиз, большевикларга қарши курул кўтармангиз»,— деган сўзига қулоқ солмай, ҳар қайси боринча сўғиш асбобларин олиб ўрамга чиқдилар. Большевикларнинг ваъдалариндан илк ота бошловлари халқнинг кўнглина, алар муваққат ҳукумати тугил, бутун халққа қарши ҳаракат бошладилар, деган кўрқув солди. Бул вақт муваққат ҳукуматнинг йўли бутунлай кесилган эди.

Хўқандда бўлгон бу кўнгилисиз воқеанинг сиёсий сабабларин бошдан оёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармий...

(«Улуғ Туркистон», 1918, 2 март.)

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНА

Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати,
Кўтарилди асорат, хўрлик зиллати,
Насиб ўлди миллата қайтиб шавклати,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!

Хор учун:

Яшасун энди бирлашиб ислом миллати,
Бугун қайси бир кўнгил дилшод ўлмасун,
Бугун қайси бир мироншолар обод ўлмасун,
Ғофил қолманг, бул фурсат барбод ўлмасун,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб, ислом миллати!
Бугун (Чингиз, Темурдек) шоҳлар арвоҳи,
Дунё юзин титратган аскар сипоҳи
Кичқируб дер: Турк ўғли! Улмагиз сиз соҳи!
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб, ислом миллати!
Кичқируб дер: (қурбонлар) Улуғ Туркистон!
Унутмангиз қонмамиз, боқинг қабристон,
Бирлашингиз, араб, турк... Кобил, Ҳиндистон,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!
[Аҳмад] руҳи кичқируб дер: ҳой умматим!
Букунда ҳам хўр қолса, дин, миллатим,
Ҳақ шоҳиддир, керакмас сиздек умматим,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб, ислом миллати!
Ғойибдан келса нидолар, Исо муслимин,
Маҳрум қолманг, раҳмати тангридир яқин,
Тордур бундан сўнг сиза бу рўйи замин,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!
Келинг энди бирлашинг, ислом миллати,
Кетсин сунний, шиалик, нифоқ иллати,
Бир санжоққа тўплансин ислом давлати,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун эмди бирлашуб, ислом миллати!
Келди муборак бизга янги бир замон,
Янги давр кечурмак энди филламон,
Ед этмакка исмишимиз тарихи жаҳон,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!
Қутлуғ бўлсин эй ёшлар тўқуб қонингиз,
Берган қурбонингизга олган шонингиз,
Мангу қолди дунёда хуш унвонингиз,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!
Яшасун бу турк ўғлининг мангу давлати!

Ҳамза ҲАКИМЗОДА
(«Улуғ Туркистон», 1918, 11 январь.)

Нашрга тайёрловчи Ш. ТУРДИЕВ

«ФАН ВА ТУРМУШ» — 1991 ЙИЛДА

МУХТАРАМ МУШТАРИЙЛАР! БУ ЙИЛ ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ОЙНОМАМИЗ САҲИФАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН МАҚОЛА, СУҲБАТ, ДАВРА СУҲБАТЛАРИ, МАДАНИЙ МЕРОС НАМУНАЛАРИ АСОСАН СИЗНИНГ ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАРИНГИЗ БУЙИЧА ЕРИТИБ БОРИЛЯПТИ. ОЙНОМАНИНГ БОШ ҲАҚАМИ ҲАМ УЗИНГИЗ. ШУ БОИС КЕЛГУСИ ЙИЛ РЕЖАЛАРИ ТУҒРИСИДА СИЗ БИЛАН БИР ФИКРЛАШИБ ОЛИШ НИЯТИМИЗ БОР. АВАЛО, БУ ЙИЛ ҚАЙСИ ВАЪДАМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚМАДИК, ШУ ҲАҚДА ОЧИҚ ЕЗИБ ЮБОРСАНГИЗ. ЭНДИ, КЕЛГУСИ ЙИЛИ ҚАНДАЙ МАВЗУЛАР ЕРИТИЛИШНИ, КИМЛАР БИЛАН ҒОЙИБОНА СУҲБАТЛАШИШНИ ВА ҚАНДАЙ МАДАНИЙ, ЖУМЛАДАН ТАРИХИЙ АСАР ЭКИ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР БИЛАН ТАНИШИШ ИСТАГИНГИЗ БОР, ШУЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛСАНГИЗ ОЙНОМАНИНГ 1991 ЙИЛГИ САҲИФАЛАРИНИ ТУЗИШДА НИҲОЯТДА АСКОТАР ЭДИ. ШУНИНГДЕК, ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА ИДОРА АҲЛИ ТОМОНИДАН КЕЛГУСИ ЙИЛДА ЭЪТИБОРИНГИЗГА, ЖУМЛАДАН ҚУЙИДАГИ МАВЗУЛАР, АСАРЛАРДАН НАМУНАЛАР ҲАВОЛА ЭТИЛИШНИ ОЛДИНДАН МАЪЛУМ ҚИЛИБ ҚУЙМОҚЧИМИЗ:

— **Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий оғир аҳволи шароитида бозор иқтисодиётига қандай ўтилади? (Ўзбекистон ва қардош жумҳуриятлар иқтисодчи олимларининг туркум мақолалари);**

— **Жумҳурият парламентининг фаолияти қандай бўлиши лозим!**

— **Ўзбекистон ССЖ олий раҳбарлари ва парламент номига ойнамамиз муштарийларидан келган очиқ хатлар эълон қилинади;**

— **Жумҳуриятимиздаги янги сиёсий партиялар, уюшма ва ҳаракатлар билан танишув давом этади.**

— **Ўзбекистон ССЖ нинг «Мустақиллик декларацияси» принципларини амалга ошириш муаммоларига бағишланган туркум мақолалар;**

— **Олтин, кумуш ва бошқа ўта қимматбаҳо маъданларимиз тақдири ва номуқтақиллик ҳақида. Бу каби бойликларни қазиб олиб кетиш нафақат моддий, балки экологик жиҳатдан улкан зарба бермоқда.**

— **«Туркистонда 1917 йилдаёқ кўппартиялилик мавжуд эди»,— дейди ёш тарихчи олим. (Шунингдек, ўша пайтдаги бир қатор миллий партия ҳамда уюшмаларнинг дастур ва бошқа ҳужжатлари билан ҳам таништириш мўлжалланган).**

— **Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборақ ҳадиси шарифларидан намуналар бериб борилади.**

— **Мактубларингиз ёритилаётган «Ҳур фикр» бўлими учун: исталган мавзуда, лекин бугунги кун учун долзарб, янги, мустақил фикрларни ёзиб юборинг — бу мавзунинг тўхтаб қолмаслиги фақат сизга боғлиқ.**

— **«Ўз ҳуқуқларингизни биласизми!»— ушбу мавзуда илм бўйи машғулот бериб борилади.**

— **Янги, «Инсон ва иқтисодиёт» бўлимида жумҳуриятимиз етакчи иқтисодчи олимларининг деҳқон, ишчи ва хизматчи, ёш авлод, зиёлилар моддий аҳволи ва уни яхшилаш йўллари ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалари бериб борилади.**

— **Олам сирли воқеа-ҳодисаларга бой. Уларни илмий шарҳлашга олимлар қодирми!**

— **«Тўқис тарихимизни яратишга нималар тўқинлик қиляпти!» мавзуда давра суҳбати.**

— **Фақат мактаб муаллимлари учун: «Ўзбек миллий мактаби қандай бўлиши лозим» мавзуда саволлар тарқатилади, ўткир жавоблар эълон қилинади, муҳим амалий таклифлар миллий мактаб пойдеворини яратишда асқотади.**

— **Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли сингари тарихимизда ўтган сиймоларнинг ижтимоий-сиёсий асарларидан намуналар;**

— **Ўзбек (туркий) классик мусиқа маданияти, Шарқ фалсафий тафаккури тарихи, мантиқ сингари илмларга онд мақолалар, пандиомалар;**

— **Айни пайтда, ўзлгимизни танишда катта маърифий аҳамиятга эга бўлган бир неча тарихий асарлардан парчалар;**

— **Суҳбат мавзуи: жумҳуриятимизда жаҳоншумул илмий тадқиқотлар олиб боришга нималар ҳалал беради!**

— **Навойининг кўпчиликка номаълум диний асарларидан айрим боблар;**

— **«Шарқу Ғарб» янги бўлимида қиёсий туркум мақолалар: «Аҳмад ибн Маждид ва Васко да Гама», «Беруний ва Колумб», «Иби Туфайл ва Даниел Дефо», «Чўлпон ва Шекспир».**

— **«Пантуркизм», «жадидизм» ва бошқа шу каби тўқиб чиқарилган ёрликларнинг фош этилиши;**

— **Шарқ жанговар спорти усуллари — у-шу, акки-до, каратэ, сумо, тэквон-до;**

— **Буюқ тарихий шахслар — ал-Бухорий, ат-Термизий, Отатурк, Махатма Ганди, Ал-Афғоний ва бошқаларнинг ҳаёти ва фаолияти.**

— **«Шифобахш гиёҳлар ҳар қандай дардни даволашга қодир»— дейди таниқли ўсимликшунос олим.**

— **Ўзбекистоннинг экологик аҳволи, тобора кўпайиб бораётган турли хасталиклар ва инсониятнинг табиатга етказётган қайтарилмас зарбалари ҳақида мақолалар, таниқли кишилар билан суҳбатлар уюштирилади.**

— **Ҳурматли муштарийлар, юқорида биз санаб ўтган мавзулар 1991 йилга мўлжалланган режаларимиздан бир шингил, холос. Қолган таклифларни Сизлардан кутамиз.**

«Фан ва турмуш» таҳрир ҳайъати ва идора аҳли.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» [«Наука и жизнь»] № 10 (420) 1990 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Абдувоҳид ТУРАЕВ қайтарилмайди. Бадий муҳаррир Уста ВАЛИ




Журналимиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Телефон: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88
Унвонимиз: 700000, Тошкент ГСП(П) Гоголь кўчаси 70-уй

Теришга 17.08 1990 йилда берилди. Босишга 13.09. 1990 йилда руҳсат этилди. Қоғоз 60×90¹/₂ а. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусхаси 494571. Буюртма № 3942. Нашр № 430. Нархи 40 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.
© «Фан ва турмуш»

УЗОҚ ШАРҚ ДИЁРИДА...



Узоқ Шарқ диёрида... Приморье ўлкасининг ўзига хос табиатини мужассам этган шаҳар бу Владивосток. Унинг кўчаларида юраркансиз беихтиёр Уратепани эслайсиз. Владивосток бошдан-оёқ сопкаларда жойлашган, кафтдеккина текис ери йўқ ҳисоби. Ҳар қандай кўчаси қия ёки тоғ йўлидек айланма. Владивостокда машинани бошқариш учун — айниқса қишки яхмалакда — моҳир ҳайдовчи бўлиш камлик қилади, каскадёр бўлиш керак деб ҳазиллашишади бу ерда.

Лекин сиз кўриб турган суратларда кўчалар эмас, балки умумий манзаралар акс этган. Мамлакатимизнинг Узоқ Шарқдаги денгиз дарвозаси бўлган Владивосток бу йил ўзининг 130 ёшини нишонламоқда. Ярим миллион аҳолиси бор бу шаҳар — ажойиб табиати билан ҳам кўплаб сайёҳларнинг диққатини тортади.

Ушбу суратларда эса юқоридан Басаргин бурнидаги маёқни, XX аср аввалига мансуб меъморий ёдгорлик биносига жойлашган. Қизил байроқли Тинч океан флотининг музейини, шаҳар асосчилари шарафига ўрнатилган ёдгорлик билан биргаликда «Қизил вимпел» номли хотира кема-музейини ва ниҳоят оқшомги Владивостокни кўриб турибсиз.

ФАН. ТУРМУШ

ISSN 0134—4560

индекс 75421

Баҳоси 40 тийин